

# ОҚИЛЖОН ҲУСАН

## БОЗОР СИМОБИЙ

Мен жуда хайрон қоламан: ёлғиз биргина одам шунча салбий хислатли танасига қандай сиғдириши мумкин?..

*Зоҳир Абламнинг Бозор Симобий ҳақидаги фикрларидан*

Бордию унинг феъли атворини, кирдикорларини тўла тасвирлаб беролсангиз, ўлай агар, ҳеч ким ишонмайди, бундай бўлиши мумкинмас, дейди.

*Саид Аҳмаднинг Бозор Симобий ҳақидаги фикрларидан*

Бозор Симобий ҳаёти ва хулқиға оид қилмишларнинг лоқалқал учдан бирини айтолган бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

*Муиллифнинг эътирофи*

## АЗИЗ МЕҲМОН

Бозор Симобийни анчадан бери сиртдан танирдим. Унинг шеърларидан, ҳикояларидан, мақолаларидан баъзиларини ўқигандим, газета-журналларда суратини ҳам кўргандим. Аммо Симобийнинг ўзини кўриш, у билан юзма-юз учрашиш менга насиб этмаганди. Қунлардан бир қуни, ишонасизми, у киши билан битта дастурхон устида бирга ўтириш шарафига муяссар бўлдим! Тасодифни қарангки, бу учрашув менинг сафарда юрган пайтимга тўғри келди...

Бу воқеага ҳам тахминан ўттиз йиллар бўлиб қолди-ёв. Вилоят газетасида ишлардим. Ора-сира тахририят топшириғига биноан сафарга чиқиб турардим. Ўша сафарлардан бирида Хатирчи туманига йўлим тушди. Тайинланган қолхозда бўлиб, шийпонлар ҳақида материал йиғдим. Қайтишимда қолхоз парткоми ўзининг «Москвич» машинасида мени туман марказига обориб қўядиган бўлди. Қўшни қолхоздан ўтаётганимизда қўчанинг икки тарафида тартибсиз туриб қолган машиналар туфайли тўхташга мажбур бўлдик. Шеригим кабинадан тушди-да, кимнидир имлаб чақирди. Бир тўп одам ўзаро гурунглашиб кимнингдир ҳовлисига кириб боришмоқда эди. Шу пайт ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги йигит ёнимизга келиб, биз билан сўрашди-да:

— Қани, чой ичиб кетинглар, қасаба, меҳмонлар бор,— деди шеригимга.

— Раҳмат!— деди шеригим. Сўнгра ҳамқасабасига мени

таништирди.— Бу киши мухбир, вилоят газетасидан. Район марказига обориб қўйишим керак.

— Ие, бугун мухбирлар келадиган кун экан-да,— деди нариги партком.— Бизнинг меҳмонларимиз ҳам ўшанака одамлар. Пойтахтдан...

— Кимлар экан?— дея кизиксиниб сўрадим мен.

— Бозор Симобий деган киши, яна ёнида шериги...

— Йўғ-е... ростданми?— деб юбордим беихтиёр.

— Ҳа, рост. Жуда хурматли одамга ўхшайди. Сиз танийсизми?

— Танийман-ку... лекин ўзларини кўрган эмасман.

— Тушинглар бўлмаса, озгина ҳордиқ чиқариб дегандай...

Сухбатдошимиз меҳмон кутиш тараддуди билан шошилиброқ турарди. Шеригим ўз ҳамкасабасининг вазиятини ва менинг Симобийни кўришга бўлган кизикишимни ҳис қилди шекилли:

— Сиз шу ерда қолақолинг, ука, мен колхозга қайтай,— деди.

Бу таклиф ҳаммамизга маъқул тушди. Янги партком етагида ҳовлига кирдик. У мени асосий меҳмон ва унинг ёнидагиларга таништирди. Буни қарангки, Бозор Симобий менинг тасаввуримдагидан кўра анча ёш, тахминан ўттиз-ўттиз бешларга кирган новчагина йигит экан.

— Жуда яхши,— деди у қандайдир хушнудлик билан.— Демак, бизнинг Хатирчида кечирган онларимиз вилоят газетхонларига ҳам айтилар экан-да.

— Албатта, албатта, домла,— дедим мен.— Сиздек улуғлар вилоятимизга келадилар-у...

Узун-қиска бўлишиб, меҳмондорчилик учун махсус тайёрланган хонага кирдик. Вой-бўй, стол устидаги дастурхон шунчалик безатилган эдики, асти қўяверасиз. Одатдаги ноз-неъматлардан ташқари саримсоқ суртилган думғаза гўштию хил-хил пишган хонбалиқлар бу ердаги ажиб бир пазандаликдан дарак берарди. Шиша кумғонлардаги лойқароқ-сарғиш ичимлик фақат менда эмас, асосий меҳмон билан унинг шеригида ҳам таажжуб уйғотди. Кейин билсак, сабзининг шарбати экан. Биз меҳмонлар дастурхон атрофига жойлашатириб хатирчиликлар шаънига биринчи марта ҳамду сано ўқидик.

Чой ва минерал сув ичилаётган пайтда лаганларда гўшт, косаларда шўрва келтирилди. Шишаларнинг оғзи очилди. Колхоз раисининг имоси билан партком котиби ўрнидан турди-да, қискагина сўзлади. Аввалига хурматли Бозор Симобий ҳақида мактовли гаплар айтди. Сўнгра ҳаммага сихат-саломатлик тилади.

Биринчи қадахдан сўнг икки-уч дақиқа қошиқлар косаларга, вилкалар ликобчаларга чак-чак урилиб турди. Кейин партком ўрнидан туриб:

— Бугунги даврамизнинг энг азиз меҳмони Бозор Симобий акамлар бир сўз айтсалар,— деди. Ун чокли одамдан тўрт-беш нафари шап-шуп қарсақ чалди. Симобий кўлини, оғзи-бурнини сочикка артганича ўрнидан турди. Томоғини бир-икки марта кириб кўйди-ю, озгина фикрга толди. Сўнгра сўз бошлади:

— «Хатирчи» сўзи нимадан келиб чиккан, биласизларми?— У даврадаги ўн чокли одамга бирма-бир нигоҳ ташлаб чикди. Нигоҳида: «Билиб бўпсанлар!» деган маъно бор эди.— «Хатирчи» сўзи «хотира», «хотирлаш» деган сўзларнинг озгина ўзгарувидан пайдо бўлган. Яъни, бу ажиб юртнинг одамлари ҳамниша ўзларидан яхши хотира қолдирганлар. Фақат ҳозир эмас, азал-азалдан шундай бўлиб келган. Менимча, бу ҳақда ривояту афсоналар ҳам бордир?..

— Тўғри, шунақа бир гаплар эшитганмиз,— дея лукма ташлади партком котиби.

Меҳмон бояги оҳангда гапини давом эттирди:

— Айтмоқчиманки, ҳозирги хатирчиликларнинг ота-боболари ҳам бағоят олижаноб, олийҳиммат инсонлар бўлганлар. Ўзларидан яхши хотира қолдириш ўшалардан бошланган. Шахсан мен бунга аминман. Бу юртнинг ҳозирги авлодлари эса...

Бозор Симобий ҳар бир сўзни кироат билан, чертиб-чертиб айтарди. Даврадагилар бутун жисмларини кулокка айлантириб, уни тинглардилар. Меҳмондўст хатирчиликлар шаънига айтилаётган гаплар Бозор Симобийнинг дил тубидан чиқаётганига, самимий мақтовлигига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

— Бу юртнинг ҳозирги авлодлари эса, аждодларнинг қутлуғ аъноаларини тағинда бойитиб, меҳмондавзликда ўзларига хос рекорд, яъни пойга кўймоқдалар.— Нотик бир лаҳза сўздан тўхтаб, фикрга толди, рўпарасидаги деразага — харир парданинг жимжимадор гулларига тикилиб қолди. Кейин даврадаги икки-уч кишига қараб олди-да, гапини давом эттирди.— Мана, масалан, дастурхонга кўйилган мазкур ноз-неъматларни олинг.— Бозор Симобийнинг чап кўли ўзига хос доира ясаб, стол устини кўрсатди. (Ўнг кўлида конъяк тўлдирилган қадах бор эди).— Бундай тўкин дастурхонлар ҳақида: «Товуқнинг сутидан бўлак ҳамма нарса бор», дейилади. Менимча бугунги мана шу дастурхонга ҳам шундай баҳо бермоқ жоиздир. Бу дастурхон шу билан ҳам азиз ва мўътабарки, бунга хатирчиликларнинг самимиятлари, юрак кўрлари сингиб кетган. Қолаверса, ушбу дастурхонга Хатирчи заминида етишган неъматларнинг гуллари келтирилган...

Хатирчи ва хатирчиликлар хусусидаги бу мақтовлар мезонларга ҳам, Бозор Симобий билан бирга келган шернига ҳам маъқул келаётгани аниқ эди. Пойгаҳрокда, менинг ёнгинамда ҳосилот раиси Тешабой ака хурсандлигини ичига সিғдирилмади шекилли:

— Кўп яшанг, ука, отангизга раҳмат! Хизир назар қилган одам экансиз,— деб юборди. Бошқалар унинг гапини маъқуллашди.

Бозор Симобий бу гапларга унча парво қилмади, сўзини қолган жойдан давом эттирди:

— Дарвоқе, Хатирчи замини... Менимча, ўртоқлар, бу замин ҳақида қанча гапирсак оз. Уйлашимча, бу заминда қандайдир... хосият деймизми, хусусият деймизми, нимадир бор. Мен — кимёгар ҳам, минералларни текширувчи олим ҳам эмасман. Лекин, мен шунга аминманки, Хатирчининг тупроғида алоҳида, ўзига хос элементлар, яъни унсурлар мавжуд. Ана шу унсурлар хатирчиликларни улуғвор, иктидорли кишилар қилиб етиштиради. Зеро, Хатирчидан чиққан истеъдодли кишилар Тошкентдаги олий ўқув юртларида, муассасаларда ўз иктидорларини намойиш қилиб юрибдилар. Бу заминда қандайдир ғаройиб унсурлар борлиги ҳалигача кимёгар олимларнинг хаёлларига келмаган бўлиши мумкин. Мен бунга аминман. Ваҳоланки, улар ўша унсурларнинг нималигини, хоссаларини аллақачон ўрганишлари лозим эди. Шу дейман... — Бозор Симобий бир лаҳза тўхтаб, фикрлашгандек стол атрофидагиларга назар ташлаб чиқди-да, сўзида давом этди. — Учқоранинг майзида ўшанака серхосият унсурлар бормикин-а? Унсурми, витаминми — нимадир бор, мен бунга аминман, ўртоқлар. Нима бўлса ҳам янги нарса бўлади: хали ҳеч ким ўрганмаган янги элемент ёки хали ном қўйилмаган мутлақо янги витамин...

— Хе, баракалла! Худо берган одам экансиз, ука!

Ҳосилот раиси Тешабой аканинг таҳсини шунчалик ўрнига тушдики, даврадагилар беихтиёр қарсак чалиб юборишди. Бозор Симобий олқишларни эшитмагандек ўз сўзига яқун ясади:

— Келинлар, шу замин аждодларининг табаррук руҳи учун, шу серхосият, серфазилат замин учун, одамийликда, меҳмоннавозликда рекорд қўйган ғаройиб хатирчиликлар учун яна битта қадах кўтарайлик. Хатирчиликларнинг ошиқлари олчи бўлаверсин!

Иккита лаганда кабоб олиб кирилди. Хонада иштаҳаларни китикловчи хушбўй хид таралди. Мен даврадагиларг бирма-бир қараб қўяман-у, асосий диққат-эътиборим Бозор Симобийда. Ахир ўжори авлоддан бўлган, танилиб қолган ҳамкасабамдан нимадир ўрганишим керак-да!

Даврада «олинг, олинг» бошланди. Кўпчилик дастурхонга биринчи бўлиб, азиз меҳмоннинг қўл узатишини кутарди. Чунки — у — энг иззатли меҳмон, ушбу дастурхон унинг шарафига уюштирилган!.. Аммо Бозор Симобий: «Хозир, хозир, кани олаверинлар-чи, деярди-ю, ҳа деганда кабобга қўл узатмасди. Утирганлар ноилож битта-биттадан дастаси бурама сихни қўлга олиб, кабобхўрликка киришдилар. Бозор Симобий эса, ҳаммадан кейин лаганнинг тубидаги сихлар

дан бирини кўтарди. Бошқалар унча аҳамият беришмадию, мен унинг бу ҳаракатидан ҳайрон эдим. «Нима учун кабобга ҳаммадан кейин кўл узатдию, энг пастки сихни кўтарди? Еки тўғралган пиёзни хуш кўрмасмикин?»

Йўқ, мен янглишибман, Бозор Симобий кабобнинг ҳар бир лукмасини оғзига солганидан сўнг, сиркаланган майда пиёздан чангаллаган учта бармоғини яна ўша тарафга йўналтирар эди... Умуман айтганда, у ейиш-ичишда бошқалардан ўзиб ҳам кетмасди, ортида ҳам қолмасди.

Азиз меҳмондан кейин қолхоз раиси, яна иккинчи меҳмон сўзлади. иккаласининг сўзи ҳам Бозор Симобийнинг нутқидан паст бўлди. Шундай бўлиши ҳам табиий-да, номдор қаламкаш қаёқдаю бошқалар қаёқда!

Кабобдан сўнг лаганларда ош, ундан кейин қаржланган қовун-тарвуз келтирилди...

Тахминан соат тўртларда меҳмонлар туришди. Ҳовлига чиқиб қўллар ювилаётган пайтда раис дастёр йигитчалардан бирига икки бармоғини кўрсатиб, нимадир деди. Лахза ўтмай халиги дастёр йигитча белбоқка ўралган иккита тугун билан пайдо бўлди. Раис меҳмонлар тарафга ўтирилди-да, дастёр йигитча кўлидаги тугунларга ишора қилиб:

— Бозорбой ака!— деди.

— Лаббай, раис бува?

— Ўзингиз билан шеригингизга арзимас совға — тўн билан белбоғ.

Бозор Симобий панжалари ёзилган иккала кўлини хиёл кўтарганча:

— Йў-йў-йўк!— деди.— Ундай қилманглар, хафа бўламиз.

Раис ҳам бўш келмади:

— Агар сўзимизни ерда қолдирсаларингиз, биз ҳам хафа бўламиз,— деди.— Мана бу,— атлас белбоқдагиси сизга, қизил белбоқдагиси шеригингизга.

— Эҳ, сиз хатирчиликлар,— деди азиз меҳмон худди совға учун хижолат чекаётгандай. Ёнидаги шериги эса мамнунлик билан жилмайиб турарди. Раис тугун кўтарган йигитчага:

— Машинага обориб кўяверинглар,— деди-да, Бозор Симобийга юзланди.— Эндиги йўлларингиз Каттақўрғон тарафгами, Бозорбой ака?

— Ҳа-да, Каттақўрғонни ҳам бир кўриб кетайлик,— деди Бозор Симобий.

— Боя шу гап қулоғимга чалиниб қолувди — ўша ёқдан машина чақирдик. Машина сизларга мунтазир.

Азиз меҳмон раисга яқин келиб сўради:

— Атайлаб Каттақўрғондан машина чақирдингизми? Нега энди... Шунчалик ташвиш?

— Э, Бозорбой ака, сизлардек табаррук меҳмонлар учун ўзимиз поёндоз бўлсак ҳам арзийди!

Бозор Симобий ғалати бир кулги асносида раиснинг елкасига қоқиб қўйди.

— Эҳ, сиз хатирчиликлар, хатирчиликлар!— деди у яна. Назаримда унинг бу сафарги кулгиси негадир сохта кулгига ўхшаб кетди.

Мен ҳам энди мана шу меҳмонлар билан Каттакўрғонга етиб олиб, ўшанақаси Самарқандга кетаверсам бўларди. Шунини ўйлаб кўчага чиқиш пайтида таниқли қаламкашга ёндошиб бордим-да:

— Сизлар билан Каттакўрғонгача бирга кетсам бўладими, домла?— дедим.

— Марҳамат, ука,— деди Бозор Симобий очик чехра билан,— машинада жой етишса бўлди, кетаверасиз.

Азиз меҳмоннинг кайфи чоғ эди, ҳавонинг иссиғиданми, меҳмондорчиликнинг зўрлиғиданми, конъякхўрликданми, ҳар қалай, юзлари кип-қизариб турарди. Дарвозадан чиқаётганимизда раис бизга етишиб олди.

— Хув ана шу — олдинда турган «Победа» сизларни Каттакўрғонга олиб боради,— деди раис.

— Раҳмат, раис бува, беҳад миннатдоримиз. Тошкентга борганингизда, албатта, бизни ҳам суриштиринг. Хўпми?

— Хўп, ака,— деди раис.

Кўчада учта «Москвич», битта «Победа» турарди. Шофёрлар ўз машиналари ёнида эдилар. Бозор Симобий, унинг шериги ва мен «Победа» машинасига чикдик. Азиз меҳмон шофёрнинг ёнига ўтириши олдидан раис, партком ва райком ходими билан ўпишиб хайрлашди. Қолган машиналар бизни туман марказигача кузатиб келишди.

Машинамиз туман марказидан Нарпай тарафга бироз юрганидан кейин кичик дарё кўпригидан ўтди-да, чапга бурилди.

— Нарпайдан айланиб юрмаймиз, якинрок йўлдан кетаверамиз, майлими?— деди шофёр ўз ёнида ўтирган Бозор Симобийга.

— Ўзингиз билган йўллардан хайдайверинг, ука,— деди Бозор Симобий.— Бизнинг тақдиримиз ҳозир сизнинг қўлингизда. Демак, ихтиёр ҳам сизда. Тўғрими?

У ўз шериги билан менга бурилиб қаради-да, шунчаки бир кулиб қўйди. Менинг хаёлим ҳали ҳам меҳмондорчиликни роса ўрнига қўйган хатирчиликлар ҳақидаги таассуротлар билан банд эди. Бир пайт шофёр йигит йўлнинг икки тарафидаги ғўзаларга ишора қилиб:

— Каттакўрғон райони бошланди. Мана бу ғўзалар бизнинг Каттакўрғонники,— деди.

— Каттакўрғоннинг чегараси Хатирчининг биқинигача келаркан-да,— деди иккинчи меҳмон.

— Ҳа, районимиз катта-да...

Бироз жим кетдик. Мен ўзимнинг гапга қўшилмай ўтираверишимни ноқулай сезиб, бояги илиқ таассуротлар билан:

— Хатирчиликлар ажойиб одамлар экан-а, домла?— дедим.

Бозор Симобий гавдаси ва боши билан мен томонга бурилди-да, қандайдир истехзо билан илжайди:

— Энди Хатирчини кўйинг, ука, Хатирчи оркада қолиб кетди, Каттакўрғондан гапиринг,— у мендан кейин шеригига қаради,— тўғрими, азизим?

Шериги ҳам унинг гапини маъқуллади. Менимча, Бозор Симобий бу гапни ярим хазил, ярим чин тарзда айтди. Лекин, ҳар қандай хазилнинг тагида ҳақиқат ётади, дейдилар. Ўйланиб қолдим. Наҳотки, Бозор Симобий Хатирчи ва Хатирчиликларни шунчалик тез эсдан чиқарса? Ундай бўлса, Хатирчи заминида ҳали олимлар топиб улгурмаган кимёвий унсурлар, Хатирчининг истеъдодли кишилари ҳақидаги гапларни нега айтди бу киши? Умуман, мен таажжубда эдим. Охирида мен шундай фикрга келдим: улуғ зотлар гоҳи-гоҳида ўз ёнидагиларнинг акли фаросатини, эътиқодини анчайин гаплар билан синаб кўришлари ҳам мумкин-ку. Аммо азиз мехмоннинг кейинги гапи мени янада таажжублантирди:

— Энди, бундан бу ёғига Каттакўрғоннинг карнайини ча-ламиз!

Машинамиз бир маромда йўл босарди. Бозор Симобий эса Каттакўрғон шаҳри ва тумани ахволи, қайси раиснинг обрўси яхшилиги, кимнинг нуфузи баландлиги ҳақида шофёр йигитдан сўраб борарди.

#### КИМ КИМНИНГ АГЕНТИ?

Фалакнинг гардиши деймизми, тақдир такозоси деймизми, ҳар қалай, бир неча йилдан кейин Бозор Симобий билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлдим. Гап шундаки, мен марказга интилувчи куч сифатида пойтахтдаги таҳририятлардан бирига ишга ўтдим; хали янги касбдошларим билан дуруст-роқ танишиб улгурмаган ҳам эдимки, муҳарриримиз ишдан олиниб, ўрғига Бозор Симобий тайинланди. Айрим ирим-сиримга ишонувчи қаламқаш ўртоқларим ўша кунлари: «Қадамнингиз кутлуғ келди, оғайни, сизнинг шарофатингиз билан фалончи акам ишдан кетдилар!» деб хазиллашиб мени уялтирмоқчи ҳам бўлдилар. Аслида улар айтган аввалги раҳбар «фалончи ака»нинг бирданига кетиб қолишидан мен ҳам хурсанд эмасдим. Чунки у киши мени пойтахтга чақириб, ишга қабул қилган эди.

Шундай қилиб десангиз, Бозор Симобий раҳбарлигида ишлай бошладик. Ўша кунлари у киши тўғрисида ҳар ким ҳар нарса деярди, таҳририят ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам Симобийнинг аблахлиги, «қуда томон»нинг агенти эканлиги ҳақида висир-висир гаплар юрарди, кимлардир жамоамиз аъзоларини нималардандир огоҳлантирарди.

Бу гаплар менга ғалати туюларди, мен ўзимча уларга ишонмасдим, очиги, ишонмасликка ҳаракат қилардим. Чунки, янги раҳбаримиз тўғрисидаги яхши тасавурларимни бузгим келмасди.

Бозор Симобий ўз хонасига мени тез-тез чақириб турарди, иккаламиз узок-узок гаплашиб ўтирардик. Тахририятдаги аҳвол хусусида, журналистика жанрлари ҳақида, ижодий услублар борасида, айрим журналистлар, жамоамиз аъзолари тўғрисида сўзлашардик.

— Мен хув ўша — Хатирчида биринчи марта кўрганимдан бери сиз ҳақингизда яхши фикрдаман, — деди Бозор Симобий раҳбар бўлиб келган кунларининг бирида. — Яхши таассурот қолдиргансиз менда. Самимий одамлигингизга ишонаман. Энди, дўстим, ўша таассурот заха емаслиги керак, бир-биримизга ишониб, суяниб ишлайлик. Хўпми?..

Ана, кўрдингизми, Бозор Симобий шу даражада оқибатли одам! «Мендек ҳали танилмаган оддий қаламкашнинг бир мартагина Хатирчида дуч келганимни шунчалик эслаяптими, демак бу одамга маҳкамроқ тармашаверишим керак», деган гап ҳаёлимдан кечди ўша суҳбат асносида.

— Энди сизга бир маслаҳат, — деди Бозор Симобий гапини давом эттириб, — дўстона маслаҳат деб тушунинг албатта. Шу... редакциямиз ҳақида, ходимларимиз ҳақида бировлар нима деб юрибди — шунга ҳушёр бўлишимиз керак. Айтайлик, чойхонадами, кўча-кўйдами қинғир-қийшиқ гаплар эшитгудек бўлсак, дарҳол бир-биримизга етказайлик, умуман бир-биримиз билан ҳамма гапни ўртоқлашиб турайлик. Масалан, сиз тўғрингизда адолатсизроқ гап эшитсам, мен индамай ўтирмаслигим керак, ўша заҳоти ҳалиги одамга жавоб беришим лозим, жуда бўлмаганда, сизга келиб айтишим зарур. Тўғрими?

— Тўғри айтасиз, Бозорбой ака.

— Ҳа, баракалла. Ҳушёр юришимиз керак, дўстим. Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам душманларимиз кўп, ҳа, ишонаверинг. Душманларимиз ҳатто редакциямизнинг ўзида ҳам бор. Хайрон бўлманг, аввалги муҳаррирнинг тарафдорлари йўқ дейсизми бу ерда? Жуда қирриқ одам эди у, сиз ўйламанг, шундоққина кетаверган, деб. Камида икки-учта одамини бу ерга агент қилиб қолдириб кетган у. Улар бу ердаги ҳамма гапни ўз «ака»ларига етказиб турадилар. Чет эл дипломатларига ўхшаб ясама тиржайиб юрганларнинг ҳаммасини, самимий одам, деб ўйламанг, янглишасиз. Уларнинг ичида душманларимиз ҳам бор, ўшаларни аста-секин билиб олишимиз керак ва бир-биримизни янги гаплардан воқиф этиб туришимиз керак. Тушундингизми, дўстим?

— Тушундим, — дея бош қимирлатдим мен.

— Ҳа, шундай бўлсин, — деди Бозор Симобий юз-кўзларимга тикилганича. Назаримда, унинг қарашларида менинг ҳам дўст ёки душманлигимни билиб олмоқчи эканлиги зуҳур топиб тургандек эди. Лекин мен парво қилмадим, чунки унга самимий эдим, иккаламизнинг қадрдон эканлигимизга тўла-тўқис ишонардим.



— Сиз билан биз, дўстим, hozир битта кемадамиз,— дея гапни давом эттирди Бозор Симобий насихатомуз оҳангда.— Кемага тушганнинг жони бир, дейдилар. Шунн эсдан чиқарманг...

Бозор Симобий билан бўладиган ана шундай суҳбатларимиздан кейин мен ўзимнинг шу пайтгача ғоятда содда, беғам яшаб келганимни биринчи марта хис этдим. Атрофимдагилардан қайси бирининг дўст ёки душманлигини билиб юриш шунча йилдан бери етти ухлаб тушимга ҳам кирмаяпти-я, ҳе ковоқ калла! Демак, ҳаётда ҳамиша ҳушёр юриш, тевагариндагиларни шубҳа билан кузатиш зарур эканда. «Анқовларча яшашни бас қилиш пайти келди,— дедим ўзимча.— Редакциямизга, айникса, дўстим Бозорбой акага, қолаверса ўзимга ҳам ким дўсту ким душман эканлигини билиб юришим лозим».

Ишхонамиздаги одатий мажлислардан бирида Бозор Симобий билан масъул котиб Ҳалимжон Метин қаттиқ тортишиб қолишди. Бу воқеа Бозор Симобий ишга келганидан бирор ойлар кейин юз берди. Иккала томон ҳам бўш келмади. Қоранинг қони чиққунча сарикнинг жони чиқар, деган гап бор. Билмадим, сарик одамлиги учунми, Метиннинг ҳам жаҳли тез экан, бидир-бидир қилавериб муҳарриримизнинг шаънига анча гаплар айтиб юборди. Бозор Симобий у билан ортиқча тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади шекилли, дарҳол:

— Мажлис тамом, ўртоқлар,— деди. Ходимлар тарқалишди. Бозор Симобий ўз ўринбосари билан мени хонасида олиб қолди.

— Ҳалимжон Метиннинг қимлигини биласизларми?— деди у қайтадан ўтираётганимизда. Симобий хали ҳам жаҳлидан тушмаган эди, икки бети кип-қизариб, кўзлари кўкиш товланиб турарди.— Аввалги муҳаррирнинг агенти бўлади бу! Мен бунн аниқ биламан! У ҳаммамизнинг тегимизга сув қуймоқчи, келганимдан бери сезиб юрибман. Йўк! Бунга йўл қўймаймиз, сув қуймоқчи бўлган қўлларини синдириб ташлаймиз!

Орадан икки кун ўтиб таҳририятимизда касаба уюшма мажлиси бўлди. Мажлис янги муҳаррирнинг иродаси билан ўтказилди, албатта. Қисқагина ҳисобот маърузасидан сўнг ходимлар бирин-кетин туриб ташкилот фаолияти юзасидан фикр билдирдилар. Бозор Симобий охирида музокараларга яқун-ясади. Сўзининг сўнггида касаба уюшма ташкилоти раиси Ҳамид Жабборнинг кексайиб қолгани сабабли ўз вазифасидан соқит қилинишини таклиф этди, ташкилотнинг янги раҳбарлигига менинг номзодимни кўрсатди.

Мен ўзимнинг бу жамоада янги одам эканлигимни рўқач қилиб, янги вазифани рад этишим мумкин эди. Лекин бундай қилмадим. Чунки Бозор Симобий бирор соат аввал мени ўз ҳузурига чақириб: «Бугун сизни касаба уюшмага

раис қилиб сайлаймиз, хамиша ёнимизда бўласиз», деб тайинлаб қўйган эди. Шуниси қизикки, мажлис иштирокчилари менинг номзодимни бир овоздан маъқуллашди. Ўзимча: «Бозорбой акам ходимларни битта-биттадан чақириб тайинлаб қўйган бўлса керак», деб ўйладим.

— Ана энди бутунлай ўзимизнинг одамимиз бўлдингиз,— деди Бозор Симобий мажлисдан сўнг мени табриклаб. Унинг хонасида иккаламиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди.— Касаба уюшма раиси хамиша муҳаррирнинг ёнида туриши керак. Тўғрими?

— Тўғри айтасиз, Бозорбой ака.

Мен Бозор Симобийга бутунлай боғланиб қолаётганимни, энди унинг гапидан чиқмаслигим лозимлигини, онгли равишда бўлмаса ҳам, савки табиий тарзда ҳис этардим. Бордию унинг гапини иккита қиладиган бўлсам ёки йўриғига юрмай қўйсам, Ҳалимжон Метиннинг аҳволи менинг ҳам бошимга тушиши аниқ эди.

Ҳа, дарвоқе, ўша галги тортишувдан кейин Ҳалимжон Метиннинг иши юришмай қўйди. Бозор Симобий ходимларнинг каттадан кичигини яқка-яқка чақириб, ўз нуктаи назарини уқтираверди: «Ҳалимжон Метин ўз вазифасини эплаёлмаяпти. Ҳалимжон Метин — гуруҳбоз одам, аввалги муҳаррирнинг агенти, ундан эҳтиёт бўлинглар. Ҳалимжон Метин — яхши журналист эмас, ёзган материаллари бир пулга қиммат!»

Қисқаси, Бозор Симобий Ҳалимжон Метинга қарши жуда каттиқ кураш олиб борди. Бу курашда муҳаррирнинг айрим хатти-ҳаракатлари маъёридан ошиб кетаётганини биз сингарининг ҳамфикрлари ҳам сезардик, аммо ўзига айтолмасдик. Айтсак, биз ҳам балога қолардик-да!

Бозор Симобий Ҳалимжон Метиннинг қўлидан чиққан материалларни, айниқса унинг ўз имзоси билан ёзган хабарларини роса таҳрир қиларди, шунчалик сўяб ташлардики, кўрган одамнинг кўзи тиниб, кўнгли айнаши турган гап эди. Муҳарриримиз бу ишни, бор нарсани йўққа чиқариш учун, атайин қиларди ва йиғинларда ҳаммага намойиш этиб кўрсатарди:

— Мана, масъул котибнинг қаламини кўриб қўйинглар! Ишонасизларми, ёзганларида ҳарорат йўқ! Сўзларнинг маъносини бутунлай ҳис этмас экан бу одам, аввалги акахонларига ишониб юраверган экан-да! Шундай одамни қандай қилиб масъул вазифада ушлаб туриш мумкин, ўзларингиз айтинглари! Биронта одам айтсин унга: ишни эпломаетган экан, мард бўлиб ариза ёзсин-да, кетаверсин. Ҳеч ким, кетма, деб қўлидан ушламайди.

Ҳалимжон Метин ўзи ҳақида бўлаётган гап-сўзларни сезиб, эшитиб юрарди, албатта. Унинг тобора руҳсизланиб, тушкунликка тушаётганини, бирор айби бўлмаса ҳам таҳририятда шумшук кўриниб қолаётганини ҳаммамиз сезардик. Лекин ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзолмасди. Бир куни ниҳоят мажлисда у ўрнидан туриб муҳаррирдан сўради:

— Нима учун мажлисларда ўзи йўқ одамни танқид қиласиз? Нима камчилигим бўлса, юзимга айтавермайсизми?

Бозор Симобий бундай пайтларда асло бўш келадиган одам эмасди.

— Сизни мен эмас, мажлис танқид қилди,— деди у,— бутун коллектив танқид қилапти, ўзингиз катнашсангиз эшитардингиз.

— Ахир менинг йўғимни пойлаб мажлис ўтказаяпсиз-да, ўртоқ муҳаррир! Номардлик-ку, бу!

— Ўзингиз ишга келмасангиз, нима қилайлик?— деди Бозор Симобий Ҳалимжон Метиннинг кўзига тик қараб.— Битта сизни деб редакциянинг ишини тўхтайтиб қўйишимиз керакми? Хой, ўртоқ Метин, сиз ўзингизни ким деб биласиз, даҳоман, деб ўйлайсизми? Ўзганларингизни ҳам кўраяпмиз, талантнинг «т» ҳарфи ҳам йўқ сизда! Нимангизга кериласиз?!

Ҳалимжон Метин устма-уст зарба еган боксчидек гарангсиз қолди, юзлари лоладек кизариб кетди, кўзларида ёш йилтиради. Хонада ўтирганларнинг ҳаммаси жим эди. Масъул котиб атрофидагиларга бир-бир кўз ташлаб, ҳамманинг ерга қараб ўтирганини кўрди-ю, ўнг қўлини силтаганича хонадан чиқиб кетди. Ўша куни у муҳаррир номига ариза ёзиб, «ўз хоҳишига биноан» ишдан бўшади.

Бозор Симобий ўз кураши ғалаба билан тугаганидан енгил нафас олди. У ғалаба нашидасини суриб у хонадан бу хонага кириб чиқар, гоҳо диван ёки креслода ўтириб олганича ходимлар билан чакчаклашар эди.

Ҳалимжон Метиннинг ишдан бўшаши муносабати билан биз ходимлар ҳам анча енгил нафас олдик. Унинг кетиши билан ишхонамиздаги таранглик йўқолди. Бунинг устига, гапнинг очиги, Ҳалимжон Метиннинг шу пайтгача қийналиб, эзилиб юрганини кўриб, биз ҳам кўпдан бери қийналардик-да.

Бир неча ҳафтадан кейин Ҳалимжон Метиннинг бошқа бир тахририятга оддий ходим бўлиб ишга кирганини эшитдик. Бу хабар бизга етиб келган пайтда тахририятимиз ходимларидан тўрт-беш киши битта хонада эдик. Ўтирганлардан ҳеч ким ҳеч нима демади. Табиийки, ҳаммамиз хурсанд эдик: ахир ҳар бир инсон ўзига тинч бўлган бирон жойда ишлаши керак-да. Афсуски, бу фикрни ҳеч ким ўз миясидан ташқарига чиқармасди. «Бирор нарса айтиб юборсам, кўп ўтмай Бозор Симобийга етиб боради», деган ўйда эдик чамаси ҳаммамиз. Шунинг учун гўё Метин ҳақидаги хабарни эшитмагандек, гапни бошқа ёққа буриб юбордик.

Нима ҳам бўлди-ю, ўша кунлари бир аёлгина тахририятимизга иш сўраб келди. Иккита машинкачилик ўрнидан биттаси анчадан бери бўш эди. Шу сабабли муҳаррир ўринбосари иш сўраб келган аёлнинг тажрибали мутахассислигини эшитиб, хурсанд бўлди. Ўша пайтда мен ҳам ўринбосарнинг хонасида эдим. Ўринбосар иккаламиз Бозор Симо-

бий хузурига кириб, дурустгина машинкачи аёл иш сўраб келганини айтдик.

— Майли, гаплашайлик, ўзини чакиринглар, — деди муҳаррир. Аёлгина ҳам ичкарига кирди, ийманибгина эшик ёнидаги курсига чўкди.

— Яхшимисиз, синглим? — деди Бозор Симобий унга синовчан тикилиб. — Яхши машинисткамисиз?

— Ўзимга баҳо беролмайману, ўн йилдан бери шу ишда ишлайман, — деди аёл ерга тикилганича.

— Аввал қаерда ишлагансиз?

— Аввал эмас, ҳозир ҳам ишлаб турибман.

— Қаерда ишлаб турибсиз?

Аёлгина ўзи ишлаб турган таҳририятнинг номини айтди. Шу пайт ногаҳон Бозор Симобийнинг қошлари чимирилди, авзойн бузилиб, ўринбосар билан менга бирма-бир қараб қўйди. Биз ҳайрон эдик.

— У ердан нега кетмоқчисиз? — деди Бозор Симобий ўртага чўккан сукутни бузиб.

— Ҳозирги ишим уйимга анча узок, — деди аёлгина, — бу ерга ўтсам яқин бўларди, битта автобус билан бориб келаверардим.

— Бўлмаса гап бундай, синглим, — деди Бозор Симобий унга жавобан, — сиз ҳозир бу кишиларга телефон номерингизни ташлаб кетаверинг. Биз маслаҳатлашиб кўрамиз. Маслаҳатимиз пишса, сизни чакирамиз.

Аёл ўз исмини, телефон номерини бир парча қоғозга ёзиб, ўринбосарга узатди-да, хонадан чикди.

— Қани, берирок ўтиринглар-чи, — деди Симобий иккаламизга таҳдид ва гина аралаш. Яқинроқ борганимиздан кейин гапини давом эттирди. — Қимни ишга чакираётганларингизни билаяпсизларми?

— Биз чакиранимиз йўк, ўзи келиб қолди, — деди ўринбосар нимадандир чўчигандек.

— Чакирмаган бўлишларингиз мумкин, лекин унинг кимлигини билаяпсизларми ўзи?

— Йўк, — дедик ўринбосар иккаламиз бараварига.

— Қаерда ишлашини эшитдиларингизми?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса хаёлларингизга келмадимми?

— Йўк.

— Дўстмисизлар ўзи менга ёки душманмисизлар?

— Нега унақа деяпсиз, Бозорбой ака?..

— Тушунмаяпмиз, нимаиди?..

— Тўхтанглар. Ҳалимжон Метин ҳозир ўша редакцияда ишляптими? — сўради Бозор Симобий ўринбосардан.

— Ҳа, — деди ўринбосар хали ҳам ҳеч нарса тушунмай. Мен ҳам ағрайиб ўтирардим.

— Ўзи ҳозир Ҳалимжон ишлаётган жойдан келган бўлса, бунинг устига Ҳалимжон сингари сапсарик бўлса. Ким деб ўйлайсизлар уни?

— Билмасак,— деб юбордик яна ўринбосар иккаламиз ба-  
раварига.

— Билмасаларингиз билиб кўйинглар: Ҳалимжоннинг аген-  
ти бўлади ана шу чиқиб кетган аёл! Ҳалимжон ўзи кет-  
саям ҳали пичоғини қиниги тикқан эмас! Агенти бу ёққа  
юбориб, бизнинг сиру асроримиздан воқиф бўлиб юрмоқчи!

Мен оғиз жуфтлаб: «Йўғ-е, Ҳалимжон ўзи киму бизга  
агент юборади», демоқчи эдим, ўринбосар олдинроқ сўз  
котди:

— Кечирасиз, Бозорбой ака, биз у тарафини ўйламаб-  
миз.

Мухаррир ўринбосарига ичимда тасанно ўқидим. Кечирим  
сўраб тўғри иш қилди. Акс ҳолда Бозор Симобийнинг назари-  
да бизлар ҳам кимларнингдир агентларига айланиб қолиши-  
миз муқаррар эди.

Агентлар... Ҳалимжон Метин — аввалги мухаррирнинг аген-  
ти. Ишга кирмоқчи бўлган ҳалиги сарикқина аёл — Ҳалим-  
жоннинг агенти. Ўринбосар билан мен — Бозор Симобийнинг  
агентимиз. Ҳеч бўлмаганда, бошқаларнинг назарида шундай-  
миз. Бозор Симобийнинг ўзини ҳам аллақернинг агенти дейи-  
шади. Агентлар бунчаём кўп экан-а? Эҳтимол, тахририяти-  
мизда бошқа агентлар ҳам бордир? Эҳтимол, биронта агент  
мени ҳам кузатиб юргандир?

## ТУҲМАТЧИ АЁЛ

Ўша бўш турган ўрин ўзи аслидаям хосиятсизроқ ўрин  
эканми дейман-да. Хабарингиз бор, дурустгина машинкачи  
бўлиб кўринган анови сариқ сочли аёл, Бозор Симобийнинг  
хушёрлиги билан, Ҳалимжон Метиннинг агенти, деб тахмин  
қилинган эди. Кейингиси эса, на машинка чиқиллатишни  
билади, на материал ишлашни. Бунинг устига туҳматчилиги-  
ни айтмайсизми. Яна келиб-келиб Бозор Симобийга туҳмат  
қилса-я!

Унинг тахририятимизда пайдо бўлиши, яъни ишга кириши  
қуйидагича юз берди. Бир куни Бозор Симобий ўз ўринбо-  
сари билан мени хузурига чақиртирди. Биз кириб боргани-  
мизда мухаррир хонасида Бозор Симобийдан ташқари ёшгина  
бир аёл ҳам бор эди. Аёл пойгакда, эшик ёнидаги курси-  
да ўтирарди. «Туновги агент аёл ҳам худди шу курсида  
ўтирувди», деган гап хаёлимдан кечди. Мухаррир ўринбосари  
икковимиз, одатдагидек, Бозор Симобийнинг столи олдига узу-  
насига қўйилган столнинг икки тарафини эгалладик.

— Чақирдингизми, Бозорбой ака?— деди ўринбосар. Мен  
ҳам унга ҳамоҳанг тарзда мухаррирга тикилдим.

— Маслаҳатга чақирувдим сизларни,— деди Бозор Си-  
мобий,— бирингиз муовинсиз, бирингиз касаба уюшма... Ба-

маслаҳат ишлашимиз керак-да. Токи ҳамма нарса қонуний бўлсин. Тўғрими?

— Тўғри,— дея бош қимирлатдик биз.

— Мана бу қизимиз иш сўраб келган эканлар, бизда бўш ўрин бор.

Бозор Симобий сўзлайтуриб, одатдагидек, ўринбосар билан менга синовчан тикилди. Биз эса, ёнимизга ўгирилиб, иш сўраб келган аёлга қарадик. Қорамағиздан келган, йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги гавдалиқкина аёл оғзини хиёл очиб, тилининг учини танглайга тегизганича кўзларини пирпиратиб дёвор тарафга нигоҳ ташлаб ўтирарди. Эғнида оппок, янгидан дазмолланган плаш. Оғзининг ўнг тарафида, юқори лабининг устироғида кичикрок нўхатдек холи ҳам кўриниб турарди.

— Ўзлари нима иш қилар эканлар?— деди ўринбосар бир аёлга, бир муҳаррирга қараб.— Бирор жойда ишлаганларми?

Гапни Бозор Симобийнинг ўзи бошлади:

— Мен бу киши билан гаплашдим,— деди у.— Отлари Сокинахон экан. Фамилиянгиз нима эди?

— Қорабоева,— деб жавоб берди аёл ўнг қўли билан плашининг ёқасини тўғрилаган бўлиб.

— Ҳа, Қорабоева. Бу киши асли ижодий ишга қизиқар эканлар, шеър-пеър ҳам ёзар эканлар. Мен айтдим, бизда ижодий ходимлик ўрни йўқ, деб. Фақат машинкачилик ўрни бор, дедим. Тўғрими?

— Тўғри,— дедик ўринбосар иқковимиз. Гапнинг очиғи, иқковимиз ҳам Бозор Симобийнинг бу аёл ҳақидаги фикрини ҳалигача аниқ билолмаётган эдик. Ахир, муҳаррирнинг сўзи қонун-да, қолсин деса, қолади шу аёл, кетсин деса, кетади.

— Машинкада ёзишни ҳам ўрганиб кетарман, деяптилар Сокинахон. Менимча, бу кишини ишга қабул қилиб, Инқилобхонга бириктириб қўйиш керак. Машинкада ёзишни ўрганиб юраверсинлар. Сизлар нима дейсизлар?

— Сиз нима десангиз шу-да,— деди муҳаррир ўринбосари. Мен ҳам унинг гапини маъқулладим.

— Бўлмаса Инқилобхонни чақирайлик-да, Сокинахон иқкаласини таништириб қўяйлик. Эҳтиётдан ижодий ходимлар хонасига ҳам Сокинахон учун битта стол қўйдириб берайлик. Баъзан-баъзан, машинкадан зерикканларида ўша ерга чиқиб, шеър-пеър ҳам ёзиб ўтирсалар бўлаверади. Тўғрими?

— Тўғри,— дедик биз.

Хуллас, ўша куни таҳририятнинг асосий машинкачиси — ўттиз ёшлардаги паст бўйли, биққасемиз Инқилобхон муҳаррир хонасига чақирилди, у ҳаммамизнинг шохидлигимизда Сокинахонни шогирдликка қабул қилиб олди. (Муҳаррир айтгандан кейин олмай ҳам кўрсин-чи!) Сокинахон ариза ёзди, Бозор Симобий уни ишга қабул қилиб буйруқ чиқарди.

Бирок, орадан бир неча ҳафтала ва ойлар ўтиб кетди ҳамки, Сокинахоннинг қанақа ходимлиги номаълум бўлиб қолаверди. У машинкада жуда кам ёзарди, ёзган саҳифаларида эса, ғиж-ғиж хато бўларди, сўзларни бир-бирига улаб, қўшма сўзга айлантириб юборарди. Шунинг учун ходимлар: «Инқилобхон, ўзингиз ёзиб беринг, анови ёзмасин, барибир, қайтадан кўчириб беришингизга тўғри келади», дейдиган бўлишди.

Сокинахон деганимиз ижод борасида ҳам ҳеч кимнинг назарига тушмади. У ижодий ходимлар хонасидаги ўз жойида соатлаб ўтирарди, бир нималарни ёзиб-чизғиларди. Аммо шеър деб кўрсатган нарсалари, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўртинчи синф ўқувчисининг машқларидан фарқ қилмасди ва ўқиган одам қулишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай хайратга тушарди.

Айрим ходимлар, жумладан, Инқилобхон ҳам мажлисларда янги машинкачининг устидан шикоят қила бошладилар, бекордан бекорга унга маош тўланавериладими, дедилар. Бирок, Бозор Симобий аксарий ҳолларда унинг тарафини оларди.

— Ҳаммамиз ҳам онамизнинг қорнидан шоир ёки журналист бўлиб тушганимиз йўқ-ку,— деярдди у кўпинча.— Қани, бироз сабр қилайликчи, сабр теги олтин, дейдилар, Сокинахон ё ижодий ходим бўлиб етишар, ёки машинкада ёзишни ўзлаштириб олар. Уни бўшатиб ўрнига кимни оласизлар? Борми шундай тайёр одам? Бўлса айтинглар, чақирайлик!

Бозор Симобийнинг бу гапига ҳеч ким чурқ этиб жавоб беролмасди. Йиғилиш тамом бўлганидан кейин муҳарриримиз ўз ўринбосари билан мени қайтадан чақиртириб оларди-да, у ёқ-бу ёқдан бироз гаплашиб ўтирарди. Сўнгра суҳбатимиз оқими ҳалигина бўлиб ўтган мажлисга такаларди:

— Буни қаранглар энди, одамлар ҳам кизиг-а,— деярдди Бозор Симобий,— танқид қиладиган одам куриб қолгандек Сокинахонга ташланишади-я! Ахир у хали ёш ходим-ку, нима қилиб берсин?

Мен ўзимча, шундай пайтда биз ҳам Сокинахоннинг тахририятда ишлай олмаслигини айта қолайлик, деган умидда секингина ўринбосарга қарайман. Ўринбосар эса, мик ҳам этмайди, муҳаррирга кулок солиб, бурнини тортиб ўтираверади. Бозор Симобий эса, бу орада Сокинахон ҳақидаги гапни давом эттиради:

— Сокинахонга ўхшаганларга ҳиммат кўрсатишимиз керак. Осон эмас шу аёлга ҳам. Мен яқинда яна гаплашувдим: битта боласи бор экан, эри ҳарбийда эмиш, қайнота-қайнонаси билан ораси унча яхши эмасмиш.

Ўринбосар иккаламиз, сиртдан бўлса ҳам, Сокинахонга

раҳмимиз келгандек индамай ўтирамиз. Ўртага калтагина сукут тушади. Сукутни Бозор Симобий бузади:

— Эри жудаям узокда эмас, Чирчиқда хизмат қиларкан, ҳар ўн беш кунда-бир ойда келиб кетаркан. Барибир Сокинахонга кийин-да — ёш нарса... Шунинг учун пуф сассик демайлик, иш ўрганиб юраверсин, бир куни сафимизга кириб қолар.

Бундай пайтларда негадир менинг кулгим кистарди, аммо ўша заҳоти ўринбосарга секин разм солардим, унинг жиддий ўтирганини билиб, пастки лабимни қаттиқ тишлаганимча ичимдан келаётган кулгини изига қайтариб юборардим.

— Шунақа гаплар,— дея мавзуга яқун ясарди Бозор Симобий.— Бошқа ходимларга ҳам тушунтириб қўйинглар: бир бева-бечорага ҳадеб ёпишаверишмасин.

— Бева эмас-ку, Сокинахон?— деярди ўринбосар ўзида журъат пайдо қилиб.— Ҳарбийдаги йигитнинг хотини-да.

— Хўп ана, сизнингча бева бўлмай қўяқолсин, бечоралиги ҳам ёлғонми?

— Бечоралиги рост,— деярдик биз Бозор Симобийга жавобан.

Буни қарангки, худди ўша бечора дейилган, уч-тўрт ойдан бери текиндан-текин маош олиб келаётган, кўринишдан ювошгина Сокинахон қутилмаганда шундай хунар кўрсатдики! Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, деган гапга мен ўшанда тўла ишондим. Акс ҳолда, шундай мунглиг аёл ўзининг доимий ҳимоячиси Бозор Симобийга тухмат қилармиди. Яхшиликка яхшилик қайтмас экан-да, ўзи бу дунёда!

Янглишмасам, иш ҳафтасининг охири, яъни жумъа куни эди. Бунақа кунларда бирор иши чиқиб, жавоб сўрайдиганлар кўп бўлади, аксарият хоналар тушдан кейин хувиллаб қолади. Ўша куни кимларнинг ишда қолганини аниқ билмайман-у, аммо мен ўзим иш жойимда эдим. Ўйдаги шароит унча кўнгилдагидек эмаслиги учун, ёзаётган материалимни шу ерда яқунлаб қўяқолай, деган ниятда ишлаб ўтирардим. Тахририят жуда сокин эди. Мен ишга берилиб кетганимдан коридор бўйлаб онда-сонда у ён-бу ён ўтган кадам товушларига ҳам унча эътибор бермасдим. Қанча ўтирганимни билмайман бир маҳал телефон жиринглади. Дастагини кўтардим.

— Бу ёққа бир қиринг, Боқижон,— деган овоз эшитилди. Бу Бозор Симобийнинг овози эди. «Эҳ, аттанг, қизик жойда иш бўлиниб қолди-да», деган хаёлда муҳаррир хонаси томон жўнадим. Кириб борсам, Бозор Симобий ўз жойида, рангги пахтадек оқариб кетган; пойгаҳдаги курсиларда Сокинахон ва унинг ёнида ҳарбийча кийинган баланд бўйли йигит ўтиришибди. Йигит кўринишдан ғазабнок эди.

— Бу киши қасаба уюшмамиз раиси бўладилар,— дея мени ҳарбийча кийинган йигитга таништирди Бозор Симобий. Мен у йигитга қўл чўздим, у эса, хушламаган тарзда сў-



рашди. Қандайдир фавкуллода ҳолат юз берганини савқи табиий равишда сездим, ўзимнинг хамиша ўтирадиган жойимга чўқдим. Бундай пайтда бироз дадилроқ бўлиш кераклиги туйғуси ўз-ўзидан уйғонди менда.

— Тинчликми ўзи? Нима гап?— дедим бир Бозор Симобийга, бир ҳарбий йигит билан Сокинахонга кўз ташлаб. Сокинахон чамаси, сал олдинроқ йиғлаган экан, шунинг учун бўлса керак, ковоқларининг остида ёш томчилари туриб қолганди.

— Армияда юрганларнинг хотинини, қани сиз айтингчи, бошқалар эгаллаб кетаверадими?— деди Сокинахоннинг ёнидаги йигит газабига чидай олмай дўриллаган овозда.— Ўлдириб кетай дейпману жиноятчи бўлиб қолишдан чўчияпман! Биз у ёқда хизмат қилиб юраверсагу, бу ёқда бизнинг хотинларимизни... ҳақиқат қани?

Мен нима гап ўтганини аниқ тасаввур этолмай Бозор Симобийга қарадим:

— Нималар деяпти бу киши? Тушунмаяпман.

— Кўраяпсиз-ку, тухматга қолиб ўтирибмиз,— деди Бозор Симобий эшитилар-эшитилмас товушда. Чамаси, кўрқиб кетганидан дармони ҳам қолмаган эди, бамисоли муҳаррирнинг хамишаги ўрнида унинг ўзи эмас, сурати ўтирарди.— Мен, ишни эплолмаяпсиз, синглим, десам, балога қолдим...

Шу пайт Сокинахон йиғламосираган товушда бидир-бидир сўзлайкетди:

— Мард бўлсангиз, сўзингиздан тонманг, мен билан юрасан, демаядигизми! Ҳеч бўлмаса, эрингизни соғинганингизда кириб туринг, дедингиз-ку! Мен сиз айтган одамлардан эмасман! Отам тенгги одам қайси виждон билан шундай дейсиз менга! Яна гапингиздан тониб, мени тухматчига чиқариб ўтирибсиз...

Сокинахон гапиратуриб яна йиглаб юборди. Бозор Симобий бедаво дардга йўлиққан одамдек безовта эди: кўзларини пирпиратганича дамба-дам ух тортарди, қайта-қайта пешонасини ушларди:

— Барака топкур Сокинахон, нега менга тухмат қиласиз? Сизни ишга олиб, гуноҳ иш қилдикми? Яхшиликка ёмонлик эмасми бу?

— Мен ўзимча яна ҳам дадилроқ бўлишим лозимлигини ҳис этиб, Сокинахоннинг эрига қарадим. Йигит хотинидан кўра ёшроқ ва кўркамроқ кўринарди. Албатта бу йигитда айб йўқ, унинг кўнглига мана бу Сокинахон гўлгула солган-да! Лекин, мен бир нарсага ҳайрон эдим: Бозор Симобий Сокинахон билан қачон, қаерда гаплашган-у, мана бу ҳарбий йигит қаёқдан пайдо бўлиб қолган? Бу гапни ҳозир Бозор Симобийдан ҳам, Сокинахондан ҳам сўраб бўлмасди. Ҳозир бир амаллаб оловни ўчириш — жанжални бостириш керак эди, Бозор Симобийни бутун сақлаб қолиш керак эди.

— Сиз, шундай дуппа-дуруст йигит қандай қилиб хотингизнинг ёлғон гапларига ишониб ўтирибсиз?— дедим Сокинахоннинг эрига. Гапимни давом эттирмакчи эдим, йигит менга жавоб қилди:

— Сиз нима қиласиз аралашиб, ака? Барибир ўз бошлигингизни ҳимоя қиласиз-да. Қўшилмай ўтиринг!

Мен ҳам бўш келмадим:

— Сокинахоннинг ишни эплай олмаётганини муҳарриримиз эмас, биз ҳам айтамыз, айтиб келганмиз шу пайтгача! Тўрт ойдан бери бекордан-бекорга давлатнинг текин пулини қуртдек санаб олаяпти! Агар ёлғон бўлса, мана, Сокинахоннинг ўзи гапирсин.

Сокинахон, хайриятки, бу гал индамади. Мен гапимни давом эттирдим:

— Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, ука, ҳамма жойда ҳам қонун бор, қоида бор. Ишламаган одамга пул беравергин, деган гап йўқ ўша қонун-қоидаларда. Бўлса кўрсатинглар, мана биз, касаба уюшма ташкилотимиз, билиб олайлик. Бошлиқ иш талаб қилганда ёқасидан олавериш инсофдан эмас-да.

Сокинахоннинг эри ҳозир бир иш чиқаролмаслигига кўзи етди шекилли, хотинига қараб:

— Тур, кетдик,— деди ва эшикдан чиқатуриб Бозор Симобий билан менга уқдирди.— Мен барибир бу ишни шундай қолдирмайман, кераклик жойда гаплашаман хотинбоз бошлиқлар билан!

Улар чиқиб кетишди. Муҳаррир ҳам, мен ҳам бирор дақиқа жим қолдик. Хона пашша учса эшитиладиган даражада жимжит эди.

— Нима қилдик энди, Боқижон?— деди ниҳоят Бозор Симобий.

— Ҳайронман, шу билан тинчиб кетармикин бу ярамаслар?— дедим мен унга жавобан.— Эри бирон жойларга бориб, аризавозлик қилиб юрмасмикин?

— Бош қотиб қолди. Бир иш қилсак-чи?

— Ҳўш?— Дедим мен.

— Мен машина чақирсам. Иккаламиз Сокинахоннинг уйига борсак, қайнона-қайнотаси билан гаплашсак. Ишқилиб шу ишни тинчитсак.

— Уйини қандай топамиз?

— Адреси бор менда, ҳамма ходимларнинг адреси бор. Мен ўзимча Бозор Симобийнинг ўз ишига пишиқ одамлигига яна бир қарра тан бердим.

— Бирга борасизми мен билан?

— Э, албатта-да, Бозорбой ака, сиз ўзингиз ёлғиз борсангиз бўлмас. Ҳалиги йигитнинг авзойи яхши эмас.

— Раҳмат, ука, яхшиям сиз шу ерда экансиз. Ҳозир, хонангизга кириб нарсаларингизни йиғиштирсангиз, плаш-млашингизни кийиб келсангиз. Унгача мен уйга қўнғирок қилиб тураман.

Мен Бозор Симобийнинг хонасига қайтиб кирганимда у ҳам ўйнашга тайёр эди. Аммо кўнгли нимадандир безовта эди шекилли, яна телефон дастагини кўтариб, ракамларни терди.

— Ха, ўзингмисан?— деди у дастакка оғзини тутиб. Демак уйига — хотинига кўнғироқ қилаётган экан, деб ўйладим.— Биз Боқижон иккаламиз кетаяпмиз, ҳа, ёнимда Боқижон борлар. Сенга айтганман-ку, жуда кадрдон йигит. Хавотирланмай ўтираверинглар.

Бозор Симобий ҳисоб-китобни тўғри олган экан. Сокинахоннинг қайноғаси коллективлаштиришда фаол қатнашган, ўртаҳол деҳқонларни ҳам қулоқ сифатида тугатишга ҳисса қўшган, ҳамма нарсани китобда ёзилганидек тушунадиган одам экан. Қайноғаси эса, эрининг кош-қовоғига қараб умр кечираётган уй бекаси экан. Сокинахоннинг ўз қайнота-қайноғаси билан тескарилиги ҳам бизнинг бахтимиз бўлди.

Биз хонтахта устига ёзилган камтаргина дастурхон устида суҳбатлашдик, Сокинахоннинг қайнота-қайноғасига ҳалигина бўлиб ўтган гапларни айтдик. Асосан Бозор Симобий гапирди, мен уни маъқуллаб, кам-кўстларини тўлдириб ўтирдим. Буни қарангки, боягина Бозор Симобийга дўк урган ҳалиги ҳарбий йигит, ҳатто Сокинахоннинг ўзи ҳам, чой келтириб, нон келтириб дегандай, бизга хизмат қилиб туришди. Ўзбекчилик-да. Эшикдан келганини ит қопмас, деган гапга амал қилади-да, ҳар қандай ўзбек!

— Кўп уятли иш бўлибди,— деди сокол-мўйлаби тоза қирилган, аммо юзлари шалвираб қолган кекса инқилобчи бизнинг гапларимизни эшитиб бўлиб.— Биз бу мегажинни жуда яхши биламиз.— Уй эғаси ҳовлида юрган келини Сокинахонга ишора қилди, Билмаганимизда бошқа гап эди. Мен сизни ҳам жуда яхши биламан.— Бу гал у Бозор Симобийга қараб гапирарди.— Китобларингизни ҳам ўқиганман, ўзингизни телевизорда кўрганман. Сиздай фаришта одам бегона аёлга ғайри кўз билан қарайди, деб ким айтса, номаъқул бузоқнинг гўштини ебди! Келинимизнинг, ўғлимизнинг айби учун биз кечирим сўраймиз. Кечиринглар.

Биз чол-кампирни ҳам, уларнинг ҳурмати учун Сокинахон билан эрини ҳам кечирдик ва уларнинг ҳовлисида кушдек энгил бўлиб чиқдик...

Эртасига Бозор Симобий биринчи бўлиб ўз хонасига мени чақирди. Мен у билан салом-алик қилиб, ҳамишаги жойимда ўтирдим.

— Кеча яхши бўлди-а,— деди муҳарриримиз сирдош бир оҳангда.— Битта балодан қутулдиг-е, ҳайрият.

Бозор Симобий мен билан ўзини битта қовуннинг икки палласидек тасаввур этарди шекилли, «биз» деб гапирарди. Бундай пайтда мен ҳам бўш келмаслигим керак-да, тўғрими? Ўзимни якка тутиб «мен» деб гапираверсам, манманлик бўлади!

— Кутулганимиз кўп яхши бўлди, Бозорбой ака,— дедим унга жавобан.— Бу Сокинахон деганимиз оддийгина бало эмас, офатнинг ўзгинаси экан-ку. Кечаги вазиятда, фақат сиз эмас, мен ҳам кўрқиб кетдим. Лекин, аҳволни бундок чамалаб, бўш келмаслигим кераклигини ўйладим.

— Жуда тўғри иш қилдингиз, мен сиздан хурсандман.

— Ҳаммадан ҳам уйига борганимиз яхши бўлди, Бозорбой ака, шу масалада ақлингизга қойил қолдим.

— Бормасак бўлмасди-да, дўстим, бу ёсуманнинг қўлидан ҳар иш келиши мумкин эди. Шундай пайтда ёнимда борганингиз унутилмайдиган иш бўлди.

— Ахир ҳамиша адолат тарафида туришимиз керак-да, Бозорбой ака. Сиз тухматга учраб турсангизу, мен тескари қараб кетсам, инсонлигим қаерда қолди?

— Кеннойингизга айтувдим, у ҳам хурсанд бўлди.

Ҳали ўзини кўрмаган кеннойимга мен ҳам миннатдорчилик билдирдим:

— Раҳмат! Кеннойимга мендан салом денг.

— Хўш, Бокижон, шу... кечаги гапни ҳеч кимга билдирмаймизми?— деди Бозор Симобий менга синовчан нигоҳ ташлаб.— Еки кўпчилик ўртасида муҳокама қиламизми? Сиз нима дейсиз?

— Менимча,— дедим муҳаррирнинг муомаласига караганда обрў-нуфузим ошиб бораётганидан бироз гурурланиб,— ҳеч кимга ҳеч нима демаслигимиз керак. Епиғлик қозон ёпиғлик тураверсин. Сокинахоннинг ўзига ҳам ҳеч нима демасмаймиз.

— Жуда тўғри ўйлабсиз, дўстим. Хурсандман.

— Энди, Бозорбой ака, Сокинани ишдан бўшатаман деб юрманг ҳозир. Ишласа ишлаб туратурсин-чи.

— Э, менга деса ўлгунча ишласин ўша бадбахт! Фақат бизга индамаса бўлгани.

Ўзимча, эрталабки суҳбатимиз тугади, деган ўйга келиб ўрнимдан турмоқчи эдим, Бозор Симобий қайтадан ўтирғизди.

— Энди битта гап бор. Ҳозир муовинни чақираман. Шарт шуки, фақат сиз индамай ўтирасиз, қаршилик қилмайсиз. Майлими?

— Майли,— дедим топишмоқ берилган боладек ўйланиб.

Муҳаррир ўринбосари кириб келди, сўражиб менинг рўпамдан жой олди.

— Ҳалимжон Метин ўз ўрнига қайтиб келмоқчи эмиш, шунга нима дейсизлар?

Бозор Симобий бу гапни чиройи очилиб, қандайдир хурсанд қайфиятда айтди.

— Ие, у ёк-бу ёкка шикоят қилиб юрганмишми?— деди ўринбосар.— Ўзини ёқтирмаган коллектив билан қандай ишлашар экан?

Ўйк, ҳазиллашдим,— дея кулиб юборди Бозор Симо-

бий, — сизларни бир чўчитмоқчи бўлдим. Лекин шу ўринни тўлдиришимиз керак, ўртоклар. Масъул қотиблик ўрни анчадан бери бўш турибди. Агар қаршилик қилмасаларингиз, менда бир номзод бор эди шу ўринга.

Ўринбосар «хўш?» дегандек муҳаррирга юз ўгирди, унга бўла мен ҳам қарадим.

— Масъул қотиб ўзимиздан чикса дейман, яъни Боқижонни шу ўринга тайинласак, нима дейсизлар?

— Жуда тўғри айтасиз, Бозорбой ака, — деди ўринбосар, — мен ҳам шуни ўйлагандим.

— Ўйлаганмисиз, йўқми, билмайману, Боқижон — ўзимизга синашта одам.

Мен нима деяримни билмай луқма ташладим:

— Қўлимдан келармикин?

— Албатта қўлингиздан келади, биз бор, бу киши бор ёнингизда. Шу қароримиз қатъийми? Буйруқ чиқараверамизми?

— Ҳа, албатта, — деди ўринбосар.

Аввал муҳаррир, сўнгра ўринбосар мени янги вазифа билан қутлашди. Бу вазифани аслида кеча тушдан кейин Бозор Симобийга кўрсатган хизматимга берилган совға деса ҳам бўларди.

## ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Бозор Симобий билан худди шу тарика сирлашиб, кадрдонлашиб ишлай бошладик. Муҳарриримиз баъзан ҳатто ўз ўринбосарига ишонмаган гапларини ҳам менга айтарди, кўпроқ мен билан маслаҳатлашарди. Шуниси ҳам борки, Сокинахон атрофидаги гаплар иккаламизнинг ўртамизда қолиб кетди. Сокинахон ҳам ҳеч кимга ҳеч нима демаган бўлса керак, ҳар қалай, аёл киши-да. Биз деярли ҳар куни муҳаррир билан камида бир марта, гоҳо эса, икки марта суҳбатлашиб ўтирардик, суҳбатимиз баъзи кунлари бир соатга ҳам чўзилиб кетарди. Ҳар хил мавзуларда гаплашардик, кирмаган соҳамиз, тил теккизмаган таниш-билишларимиз қолмасди. Ўзимдан ўн-ўн бир ёш катта, яна бунинг устига раҳбар одам билан очикчасига шу тарика гурунглашиб ўтириш менга завқ-шавқ бағишларди.

— Бозорбой ака, қандай қилиб шундай ажойиб таҳаллус танлагансиз ўзингизга? — дедим бир куни чакчаклашиб ўтирганимизда.

— Ажойиб дейсизми? Ростдан ҳам ажойиб туюладими сизга? — деб сўради у. Гапим хуш ёкаётгани ҳамсуҳбатимнинг юз-кўзларидан билиниб турарди.

— Албатта ажойиб-да, ахир шу таҳаллус билан элга машхур бўлиб кетгансиз-ку, — дедим. — Бозор Симобий, Бозор Симобий, деб ҳамма хурмат билан тилга олади. Билишимча,

«бозор» сўзини ҳам кейин қўшиб олган экансиз, асли исмингиз бошқача экан-а? Садриддин Айний домланинг тахаллуслари сингари бу сўзлар ҳам қандайдир рамзий маъно ташлеса керак-да, шундайми?

— Албатта шундай,— деди Бозор Симобий.— Иккала сўз ҳам ўзимга ёқади. Мана, «бозор» сўзини олинг. Бозор деганимиз мўл-кўлчиликдан, гавжумликдан нишона эмасми? Айтайлик, бозорда нарх-наво балид чиқиб, паст тушиб туриши мумкин, лекин у ерда, барибир, доимо фаровонлик бор. Шунинг учун ўзимни бир жиҳатдан бозорга ўхшатгим келади, ёзган асарларим ҳам, уйга олиб борадиган ейимлик-ичимликларим ҳам мўл-кўл бўлса, ҳаётим фаровон бўлса, дейман. Ўзингиз биласиз-ку ахир, биргина одам ёки оила эмас, бутун-бутун халқларнинг, давлатларнинг иктисодий аҳволи бозор билан ўлчанади. Тасаввур этаяпсизми?

— Тушундим, раҳмат. Симобий сўзининг рамзий маъноси-чи? Уни танлашда нимани кўзда тутгансиз? «Симоб» сўзидан олинган бўлса керак-а, асли?

— Ҳа, албатта. Симобнинг нималигини ўзингиз яхши билсангиз керак. Симоб — Менделеев жадвалидаги металллардан бири. Лекин яккаю ягона суюқ металл. Қаер пастлик бўлса, қаер ўзига қулай бўлса, ўша ерга югуради. Эпчилда. Хўш, симобнинг хусусиятлари шу билан тугамайди. Симобнинг муҳандисликда, яъни инженерликда ҳам ўзига хос ўрни бор. Биноларга пойдевор ясашда, деворларни кўтаришда бир асбоб қўлланади, кўрганмисиз? Айрим жойларда шайин дейилади, айрим жойларда шайтон дейилади. Ўрислар уни «уровен» дейдилар. Ана шу асбобда ҳам симоб асосий рўл ўйнайди. Шишачадаги симоб устида қолган озгина ҳавонинг у тарафга-бу тарафга ўтишига қараб, қурилаётган иморатнинг текислиги аниқланади. Яна айтаверайми? Зерикмаяпсизми?

Бозор Симобий сўнги сўзларни айтатуриб қулиб қўйди.

— Э, айтаверинг, зерикши қаёқда,— дедим мен унга жавобан.— Шундай марокли суҳбатдан ҳам зерикадимиз одам. Керакли гапларни вақтида билиб олганимиз яхши-да.

— Хўш, симобнинг саноатда нима вазифалар бажаришини аниқ, тўла-тўқис билмайману (саноатчи эмасмиз-да), аммо, унинг ҳаётдаги айрим вазифаларини айтиб қўяқолай. Тарихдан маълумки, бир-бирига ўчакишиб қолган одамлар ўз душманларининг қулоғига симоб қўйиб ўлдирганлар. Қайси бир ҳолатда савобли бўлиши мумкин, қайси бир ҳолатда даҳшатли бўлиши мумкин, лекин гап унда эмас, гап ўша симобнинг ўз вазифасини бажаришида, ҳаракат қилган томоннинг мақсадга эришувида. Мисол учун Кенагасбегим Амир Насруллони шу тахлитда ўлдирган.

— Қаранг-а, шунчалик хосияти кўп экан симобнинг.

— Ҳа, бу эски, қаримта дунёда нима ишлар бўлмаган дейсиз. Ўшандай ишларда симоб деган суюқ металл катта

рўл ўйнаган... Симобнинг ҳаётда зарурий аҳамиятига яна бир мисол. Урушнинг сўнгги йилларида, ундан кейин ҳам (сизлар унда ёш бўлсаларингиз керак) одамлар битлаб кетишди. Бит деган махлук ҳам бир офат ўзи. Қийимингдаги битни-ку бир амаллаб йўқотарсан, аммо сочинг битласа нима қиласан? Айниқса аёлларнинг сочини айтинг. Дарди бедаво-да! Е устара билан тозалаб кутуласан, ё ўлиб кутуласан — учинчи йўл йўк! Аёлнинг сочини устара билан тозалашни кўз олдингизга келтиринг. Даҳшат-да. Аёллик нафосати қолармиди ялтираган калла билан? Қўнишмайди ҳам. Ана шундай пайтларда ҳам симоб жамиятга асқотди: одамлар куйдирилган симоб ёрдамида ўз битларидан халос бўлдилар.

— Ҳақиқатан симобда ҳикмат кўп экан, Бозорбой ака. Бекорга танламаган экансиз бундай тахаллусни.

— Албатта-да. Одам ҳам ҳаётда бамисоли симобдек чакқон, эпчил бўлиши керак. Яхши ният билан қўйганмиз-да бу тахаллусни, дўстим. Никита Сергеевич Хрущев рус тилидаги «гибкий» деган сўзни яхши кўрадилар. У кишининг ўзлари ҳам, ижтимоий-сиёсий фаолиятлари ҳам шу сўзга тўла жавоб беради. Яъни эпчиллик, чакқонлик фазилатлари у кишида мужжасам.

Пайтдан фойдаланиб мен Бозор Симобийга савол бердим. Шу билан суҳбатимиз сиёсат мавзуга кўчди.

— У кишининг фаолиятларига сиз қандай баҳо бера-сиз? Одамлар автобусда ҳар хил гаплар гапиришади. Озиковкат дўқонлари шип-шийдон, ҳатто ун ҳам йўк эмиш. Ҳамма нарсани чет элларга бериб юбораётган эмиш. Одамларнинг оғзиде юрган гапларни айтаяпман-да...

— Ҳай-ҳай, дўстим Бокижон, бу сўзни бир айтдингиз, майли-ю, иккинчи марта асло оғзингизга олманг. Одамлар, кўпчилик нима деса деяверади. Ҳар бир одамнинг ҳар бир нарса ҳақида шахсий фикри бўлиши керак. Шунга ўрганинг бундан кейин. Кўпчиликнинг гапига кираверсангиз, Насриддин Афандининг куни тушади бошингизга. Эшитганмисиз кўпчиликнинг гапига кирган афандини?

Мен латифани қачондир эшитган бўлсам ҳам муҳаррирнинг кўнгли учун:

— Йўк, эшитмаган эканман, — дедим. — Айтақолинг.

— Бўлмаса, эшитинг. — Бозор Симобий қисқагина кулиб қўйди. — Афанди бир куни арава ҳайдаб кетаётган экан.

— От аравами, эшак аравами?

— Оббо, сиз ҳам роса олиб кочдингиз-да. Униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Шунчаки воқеа-да. Гап от ёки эшакда эмас, латифанинг моҳиятида. Шундай қилиб, афанди арава ҳайдаб кетаётган экан. Бир маҳал фалокат босгандек арава-сининг филдираги арик лабига тушиб қолибди. Арава бир-икки силтанибди-ю, ўрнидан қимирламабди. Афанди пастга тушиб, филдиракнинг қай ҳолатда турганини кўрибди. Шу

пайт атрофдан одамлар йиғилиб келабошлабди. Афанди отга миниб, камчи босмоқчи экан, йиғилганлардан бири: «Аравани орқага олинг, афанди, чиқиб кетасиз», дебди. Афанди отнинг жоловини орқага тортиб ҳаракат қилаётса, бошқа бир киши: «Орқага эмас, афанди, олдинга олинг», дебди. Учинчи киши эса, яна тескарисини айтибди. Тўртинчи маслаҳатчи яна олдинга олишни маслаҳат берибди. Хуллас, ҳар хил маслаҳатлардан афанди бечоранинг боши гаранг бўлибди. Вақт ўтиши билан ҳалиги ғилдирак пастга яна ҳам силжийверибди-да, бир маҳал бутун арава ариққа ағанаб тушибди. Шунда афанди: «Вой, падарлаънат кўпчилик-ей!» деган экан.

Мен Бозор Симобийга кўшилиб тиржайдим-да:

— Жуда қизиқ экан, аввал эшитмаган эдим, дедим.

— Фақат қизиқ эмас, ибратли ҳам-да,— деди Бозор Симобий.— Кўпчилик-кўпчилик дейверамиз-у, ўша сиз айтган кўпчилик гоҳида тўғри йўлдан чалғитиб қўяди одамни. Шунинг учун, дўстим, нима ҳақда гаплашётувдик? Ҳа, Никита Сергеевич Хрущев.— Бозор Симобий ўзининг боши устида — деворга осиглик портретга боши билан бурилиб, ҳурмат билан тикилиб қўйди.— Бу киши ҳақида ҳар ким ҳар нарса дейиши мумкин, сиз кулоқ солманг. Кулоқ солмаслигимиз керак. Энг муҳими, ўша фикрларга кўшилмаслигимиз керак. Ахир Никита Сергеевич ҳозир юртимизнинг отаси-ку, ҳатто доҳиймиз, десак ҳам бўлаверади. У кишининг даҳоси жудаям юксак. Менимча, мамлакатимиз эндигина кўнгиладигидек раҳбар кўриб турибди. Ҳали, эсон-омон юрсак, Никита Сергеевич раҳбарлигида йигирма йилдан кейин коммунизм қурамыз. Ҳатто йигирма йил ҳам эмас, ўн олти-ўн етти йилдан кейин. У кишининг ваъдалари шундай.

— Тўғри айтасиз, мен ҳам ўқувдим Никита Сергеевичнинг нутқларини.

— Ҳа, ана шунақа!

Шу пайт хона эшиги очилиб, муҳаррир ўринбосари кириб келди. Салом-алиқ қилиб сўрашди-да, ҳамишаги жойига ўтирди.

— Қалай, тинчликми?— деб сўради Бозор Симобий ундан.— Янгиликлар борми?

— Мен биф гап эшитдим,— деди ўринбосар,— балки ўзингизнинг хабарингиз бордир?

Бозор Симобий хушёр тортди, кўзларини чақчайтириб ўзини янги гап эшитишга чоғлади. Ўринбосар эса, ниманингдир мулоҳазасига бордими, тараддуланиб қолгандек бироз жим ўтирди.

— Қани айтинг, нима гап экан?— деди Бозор Симобий бетоқатлик билан.— Мен ҳеч нарса эшитганим йўқ.

— Эшитишимга кўра, ҳозир марказқўмда пленум бўлаётган эмис,— деди ўринбосар. Негадир у, хонада учаламиздан бўлак ҳеч ким бўлмаса ҳам, атрофига кўз ташлаб



қўйди. Бозор Симобий эса, капалаги учиб кетган қиёфада оғзини очди.

— Ие, ростданми? Ўзимизнинг марказқўмдами? Тошкентдами?

— Ҳа, Тошкентда.

— Нима масала экан, эшитмадингизми? Тинчлик эканми?

— Ташкилий масала эмиш деб эшитдим.

Бозор Симобийнинг кўзлари яна ҳам каттариб кетди.

— Ие, тўсатдан чакирилибдимикин пленум? Кимнинг масаласи кўрилар экан, эшитмадингизми?

Бозор Симобийнинг хушёр тортганига, безовталигига тескари ўлароқ ўринбосар анча босик, хотиржам сўзларди:

— Идеология котибимиз ишдан кетса керак-да,— деди у чўнтагидан дастрўмолини чиқариб, бурнини шунчаки артиб қўяр экан.— Кулоқка чалинган гап бўйича...

— Демак, пленум торроқ доирада ўтказилса керак-да?— деди Бозор Симобий.

— Шунакага ўхшайди,— деди ўринбосар.— Бирор хатоликка йўл қўйган бўлса керак-да.

Хонада бирор дақиқа жимлик ҳукм сурди.

— Ўрнига ким бўлишини эшитмадингизми?— деб сўради бир маҳал Бозор Симобий.

— Соқий Ўзокович ўтса керак,— деди ўринбосар ва озгина сукутдан сўнг қандайдир масъулиятни ўзидан соқит қилгандек қўшиб қўйди,— кулоқка чалинган гапга қўра...

— Ҳа, демак, бўлимдан ўтар экан-да, у киши,— деди Бозор Симобий сал хотиржамлангандек.— Ўтса арзийди, ёмон одам эмас.

Яна ҳаммамиз бирор дақиқалик сукутда ўтирдик. Сукутни Бозор Симобий бузди:

— Ўзи шу, ҳозирги ишдан кетаётган котибимиз бор-ку,— деди у ўринбосар иккаламизга навбатма-навбат қараб,— шу ўринга номуносиб одам экан. Ким нима деса десину, жумҳуриятимизда идеология издан чиқиб кетди. Идеологияни бошқараётган одамнинг ўзи ахлоқсиз бўлса, ишнинг ҳолига вой-да.

— Ие, шунақами у киши?— дея муҳарриримизга қарадим.

— Ҳа, ишонаверинг, Боқижон, ҳозирги идеология котибимиз ўтакетган котинбоз одам. Райкомда ўзи билан бирга ишлаган, ўзининг қўлида ишлаган аёлга уйланиб олди. Ва-холанки, аёлнинг ҳам эри бор эди, котибимизнинг ҳам хотини бор эди. Ҳозир эса, аёлнинг эри ҳам, котибимизнинг аввалги хотини ҳам ўлган. Масаланинг бу тарафи ҳам сирли. Тўғри айтаяпманми? Хато гапириб қўймапманми?

Бозор Симобий ўз ўринбосарига гапини тасдиқлашиб олмакчи бўлди.

— Гапингиз жуда тўғри, Бозорой ака,— дея раҳбарнинг фикрини қувватлаган бўлди ўринбосар.— Аммо-лекин, кенно-йимиз ҳам ўйноқириклар-да.

Бозор Симобий кулиб кўйди-да:

— Ўйнокиро-оқми ёки тўппа-тўғри ўйноқими?— деди. Би ҳам муҳаррирни қувватлаб кулдик.

— Ўйноқи десак ҳам бўлади,— деди ўринбосар кулги асно сида.— Халиги, бир гап бор-ку: «унажин кўзини сузмаса бука ипини узмайди.

Бозор Симобий шу пайт каттиқ кулиб юборди-да:

— Демак, ҳозирги идеология котибимиз бука экан-да,— деди. Ҳаммамиз биргаликда кулдик. Мен ҳам даврада жим ўтиравермаслик учун гап кўшдим:

— Букалиги учун ишдан олинди, деб айтлса ҳам бўлар экан.

Оҳангини унча келтиролмадим шекилли, бу гал кулги паст-рок бўлди.

— Ҳар қалай, шу одам ўша =ринга муносиб эмас эди, кетса жуда яхши бўлади,— дея мавзуга яқун ясади Бозор Симобий.

... Эртасига эрталаб ўринбосар иккаламиз муҳаррир хона-сига чакирилдик.

— Хе, барака топинг, кеча бизни боплабсиз-ку,— сўра-шиб бўлиб жойимизни эгаллаганимиздан кейин Бозор Симобий кулимсираб ўз ўринбосаридан гина қилакетди.— Мен ҳам сизнинг гапингиз рост экан деб роса валақлабман.

— Нимани айтаяпсиз?— деди ўринбосар аввалига тушун-май.

— Буни қаранг: яна тушунмасликка оладилар,— Симобий ўринбосарини менга имлаб тиржайганича сўзида давом этди.— Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга, деган-лари шу-да. Асл манбалардан эшитувдингизми кечаги хабар-ни? Пленумни? Ҳеч қанақа ўзгариш бўлмади-ку?

— Ха, уми?— деди ўринбосар кечаги гапини эслаб.— Ҳай-ронман, эшитганим нотўғри чикди: пленумда ташкилий маса-ла кўрилмабди. Қандайдир ёпик хат ўқилибдими-ей...

— Мен ҳам керакли одамлар билан гаплашдим, унақа гап йўқ, дейишди. Энди, аслида-чи, раҳбарларни ҳадеб ал-маштираверишнинг ҳам кераги йўқ, ишга путур етади. Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам шу одам жумҳуриятимиз идеоло-гиясини бошқариб турибди-ку. Тўғрими?

— Тўғри,— дедик ўринбосар иккаламиз. Бозор Симобий сўзида давом этди:

— Бировнинг оилавий турмуши билан нима ишимиз бор бизнинг, биров бировга уйланади, биров бировга тегади — ҳар кимнинг хоҳиши-да. Нима дейсизлар?

— Тўғри айтасиз,— дедик биз.

— Шунинг учун идеология котибимиз ҳақидаги фикри-мизни ўзгартирмайлик.— Бозор Симобий насиҳатомуз оҳанг-да сўзларди.— Бирор фазилати бордирки ўша ерда ишлаб турибди. Кечаги гаплашганларимиз ўртамизда қолсин, икко-вингларга керак бўлса, ҳам насиҳат, ҳам маслаҳат, ҳам топширик. Тушунарлими?

— Тушунарли...

... Орадан бирор хафта ўтди-йўқми, аниқ эсимда йўқ, эрталаб автобусда ишга келатуриб йўловчиларнинг гапларини эшитиб қолдим. Одамлар Москвада катта йиғилиш бўлганини, ўша йиғилишда Никита Сергеевич Хрущевнинг ишдан олинганини баралла сўзлашиб келишарди. Ҳаво унча совук эмасдию шу гапни эшитган заҳотим устимга плаш кийиб олган бўлсам ҳам, эгим жимиралишю, совкотгандек бўлиб кетдим. Эҳтимолки, тунов куни муҳарриримиз мактаганидан бери Никита Сергеевичга меҳр-хурматим анча ошиб қолган бўлса! Шунинг учун Хрущевнинг ишдан олинганини эшитиб хурсанд бўлаётган, илжайиб, тиржайиб келаётган йўловчилар кўзимга ғоятда хунук кўринарди. Таҳририятга ҳар кунгидан беш-ўн дақиқа кечикиб келдим. Хонага кириб, кўлимдаги ул-бул нарсани стол устига қўйдим-да, муҳаррир-хузурига йўл олдим: мақсадим Бозор Симобийдан кўнгиш сўраш эди. Ахир, Никита Сергеевични жон-дилидан яхши кўрадиган одам, яъни Бозорбой акам отаси ўлган етим боладек қайғуда ўтирган бўлиши мумкин-да! Аммо, муҳаррирнинг хонаси ҳали очилмапти. «Демак, қайғу-алам, моҳам зўрлик қилиб, шўрлик Бозорбой акам уйдан чиқолмай, бағрини ерга бериб ётганмикин-а?» деган гап ўтди хаёлимдан. Бироқ, кўнглимдан кечган гапни ҳеч кимга айтмадим. Нега десангиз, таҳририятдаги бошқа ходимлар парвояи фалак эдилар. Улар учун Никита Сергеевичнинг, ишдан кетиши бамисоли очик турган дераза ромига мусича қўниб, қайта учиб кетгандек гап эди. Вой товба, шунчалик ҳам лоқайд бўлмаса-я бу одамлар! Хе, сенларнинг эътиқодларингдан ўргилдим!

Бозор Симобий ишга бирор соат кечикиб келди. Мен уни коридорда учратдим. Кўлида катта сумка, яна бир қўлтигида аллақанака йирик қоғозлар бор эди. Муҳаррирнинг юз-кўзлари таъвишли эди, бунинг устига чарчаган ҳам бўлса керак, ҳарсиллаб нафас оларди. Мен сўрашиш учун истикболига пешвоз чиқдим. Лекин Бозор Симобийнинг қўл бериб сўрашишга ҳам иштиёки йўқ эди шекилли, юришини секинлатмаган ҳолда саломимга алик олди.

— Салом, салом!— дедию йўл-йўлақай менга гап уқтирди.— Менинг хонамга ҳеч ким кирмасин. Фақат рассомни айтиб юборинг, унга айтадиган гапим бор.

Бозор Симобийнинг қаттиқ қайғуга ботганига, отасидек бўлиб қолган Никита Сергеевичнинг ишдан кетгани учун мотам тутаётганига аниқ ишондим. Таҳририятимизнинг рассоми ўз жойида экан, уни муҳаррир хонасига югуртирдим.

Тахминан ярим соатлардан кейин Бозор Симобий ўринбосар билан мени ўз хонасига таклиф этди. Олдинма-кейин кириб бордик. Муҳарриримизнинг кайфияти мен кутганидан кўра яхши эди. Мавруди билан кўнгиш сўраман-да, деган ўй билан ҳамишаги жойимга ўтирдим. Аммо Симо-

бий Никита Сергеевич Хрущевдан гап очмасди, тахририятдаги материалларнинг қай аҳволдалигини сўрарди. Таажжубланиб ўтиравердим. Тасодифан хона деворларига кўз югуртириб, таажжубим яна ҳам ошди: муҳарриримизнинг боши узра осилиб турган ром ичидан бизга ҳар кунгидек Никита Сергеевич эмас, кенг ўмовли Брежнев тикилиб турарди. Беихтиёр ундан кўз узолмай колдим.

— Кўрдингизми, қалай?— дея кулимсираганча менга қаради Бозор Симобий.— Хрущев хушт! Энди мана бу одам раҳбарлигида ишлаймиз. Аммо-лекин Леонид Ильич — ўдуг одам, каранг юзидан нур ёғилиб турибди. Сиёсий бюро аъзолари юз фоиз шу одамга овоз беришибди. Бирор фазилати борки, овоз берилади-да. Хрущев мамлакатни бошқаролмади, ишлар издан чиқиб кетди унинг даврида. Аслида у одамни колхоз раиси қилиб қўявериш керак экан-да, маккажўхорисини экиб юраверарди. Мана энди ишлар яхши бўлади.

— Эссизгина коммунизм куриб бермокчи эди Хрущев,— дея пичинг қилиб кулди ўринбосар.— Энди бу ёғи нима бўларкин?

— Қизиқмисиз? Ўша одам коммунизм кураармиди, бориб турган лакма эди-ку,— деди Бозор Симобий.— Кетгани яхши бўлди. Ўзи ҳамманинг жонига тегиб кетувди.

Шу тобда нима учундир пастликка юмалаб-окиб кетаётган симоб томчиси, сўнгра иморат деворининг текислигини ўлчайдиган симоб қуйилган асбоб кўз олдимда гавдаланди. «Қаерлардадир «шайин» дейилиши ҳам мумкин-дир-у, лекин асосан «шайтон» деб аталса тўғри бўларкан», деган фикр кечди хаёлимдан.

## ДУШМАНЛАР

Бозор Симобийни ёмон кўрадиган одамлар, яъни унинг душманлари, назаримда, кундан-кунга кўпайиб бораётгандек эди. Унинг ўзи ҳам шу нарсани ички бир туйғу билан хис этарди шекилли, ўзаро суҳбатларда менга: «Эҳтиёт бўлинг, хушёр юринг, Боқижон, атрофда ғаразғўйлар кўп», дея қайта-қайта гап уқтирарди.

Мен худди шундай «эҳтиёт бўлиш»лар, «хушёр юриш»лар натижасида бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: ҳар қандай одам шахсан ўзининг душманларини тўла-тўқис аниқлаб ололмайди, фақат яқин дўстининг душманларини билиб юриши мумкин. Демак, Бозор Симобийнинг: «Тахририятимиз ҳақида, ўзимиз ҳақимизда нима гаплар бўлса, айтиб туринг», дейиши бежиз эмас экан. Бундоқ мулоҳаза юрийтиб қарасам, муҳарриримиз бечорага ҳам қийин экан. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, дуппа-дуруст ижодкор бўлса, бунинг устига яхшигина вазифада ишласаю ўзининг душманларини билолмай

юрса, яхши эмас-да. Шундай вазиятларда мен сингари дўст-ёрлари унга ёрдам қўлимизни чўзишимиз керак-да, ахир!

Бир куни ишдан кейин нима ҳам бўлдию вилоят газета-сида ишлайдиган тенгқурим Раббано Турсунов билан пивохонада бирга ўтириб қолдик. Раббано билан ҳамкорликда у ер-бу ерга маколалар ҳам ёзган эдик, ҳар қалай, ондасонда учрашиб қолганимизда суҳбатимиз ҳам зерикарли кечмасди. Шунинг учун ҳам шу тенгқуримни учратиб қолганимдан хурсанд бўлдим. Бир-биримизни меҳмон қилишга ошикиб тўрт шишадан пиво келтирдик-да, у ёк-бу ёкдан суҳбатлашиб гурунгни давом эттирдик. Буни қарангки, менинг тенгқурим, ҳамкасабам мана шу Раббано ҳам Бозор Симобийни хуш кўрмас экан. Ҳатто уни Симобийнинг душмани деб ата-сак ҳам бўлавераркан. Мен буни суҳбатимиз асносида тасодифан билиб қолдим.

— Қалай, Симобий билан яхши ишлашяпсизми? Қийна-маяптими?— деб қолди у бир маҳал. Мен ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам хушёр тортиб, қулоғимни динг қилганимча жавоб бердим:

— Ҳозирча.. яхши ишлашяпмиз. Қийналганим йўқ, ҳатто дўстлашиб кетганмиз...

— Дўстлашиб ҳам кетганмиз, денг-а?— пиводан бир қул-тум ютиб менга қаради Раббано.

— Ҳа. Бирга ишлашгандан кейин нима ҳам қилардик.

Мен Бозор Симобийнинг раҳнамолигида таҳририятда масъул котиб даражасига кўтарилганимни айтиб ўтирмадим. Агар фаросати бўлса, Раббанонинг ўзи билиши керак эди! Ахир, масъул котиб дегани редакцияда учинчи шахс! Раббанога ўхшаганлар бунинг гаштини қаёқдан билсин?! Ҳали ўзи оддий ходимликдан нарига ўтолган эмас, фақатгина ёзган фелъетонлари билан ном қозониб юрибди.

Раббано қўлидаги идишда яримлаб қолган пивони охирига-ча ичиб юборди-да, менга деди:

— Ҳар қалай эҳтиёт бўлинг, дўстим, Бозор Симобий — жуда маккор одам.

Ана халос! Бозор Симобийнинг яна бир душмани аниқланди! Душман деганнинг бирор жойига, бу фалончининг душмани, деб ёзиб қўйилмайди-да! Уни фақат гап-сўздан билиб олиш мумкин.

Мен кўнглимдан кечган гапларни Раббанога сездирмадим. Суҳбатни давом эттирдик.

— Сиз Бозор Симобийни яхши танийсизми ўзи?— деб сўрадим ҳамкасаба тенгқуримдан.

— Э, билганда қандок,— деди Раббано,— бирга ишлашганмиз-ку. Мен билан ҳам аввалига дўст эди курғур! Дўст бўлиб юриб жуда қонимни сўрган-да аблах! Отасига ҳам дўстлик қилмайди! Аммо юзаки билдирмайди, ҳозир ҳам бир-биримизни кўрсак, тиржайиб сўрашаверамиз. Зимдан бир-биримизни ёмон кўраемиз.

«Ах-ха, ўзинг ҳам тиржаяр экансан-ку, Раббано, демак, сен ҳам маккор экансан-да,— деб ўйладим ҳамсухбатим ҳақида.— Бировларга душманлигингни яширишга уста экансан. Мен барибир билиб олдим: сен — Бозор Симобийнинг душманисан! Бозор Симобий эса, менинг дўстим.»

Мен гапни чалғитмоқчи бўлиб бошқа мавзуда сўз очдим. Аммо Раббано қўярда-қўймай мени яна огоҳлантирди:

— Майли, алоқани яхшилик юраверинг-у, лекин ички сирингизни айтманг Симобийга. Сирингизни айтсангиз, барибир, бир кун келиб сизга панд беради. Айтаяпман-ку, пийри комилига ҳам дўстлик қилмайди. Ғалати тоифа ўзи. Шунинг учун хушёр бўлинг деяпман-да. Дўстлик маслахатим шу.

Дўстлигингдан ўргулдим! Дўстим Бозор Симобийни ёмон кўрармиш-у, яна менинг дўстим эмиш! Дўстимнинг душмани — менинг душманим, деган коидани ўқимаганмисан, номард?!

Мен Раббанонинг гапу маслахатларини шунчаки эшитган бўлиб, яна суҳбатни бошқа мавзуга буриб юбордим. Олдимиздаги пивомиз тугагунча гурунглашиб, сўнгра хайрлашдик.

Эртасига муҳаррирнинг хонасида яккама-якка гаплашиб ўтирганимизда:

— Кеча ишдан кетатуриб, пивохомага кирувдим, ғалати гап бўлди,— дея сўз бошладим-да, Раббано билан бирга пивоҳўрлик қилганимизни ипидан игнасиғача хикоя қилиб бердим. Бозор Симобий хикоямни жуда диққат билан эшитди. Унинг Раббанога нисбатан ғазаблангани юз-кўзларидан билиниб турарди. Мен ҳамма гапни айтиб юбордим яна ўзимча, бу одам Раббанони кўрганда аччиқланиб бирор гап айтиб юбормасин, деган хавотирда колдим-да:

— Ўзи билан мабодо учрашиб колсангиз, бирор нарса деб юрманг тагин, Бозорбой ака,— дедим.— Иккинчи марта рўпара келганда мендан юзини ўгириб юрмасин. Мен дўстлик юзасидан сизга айтдим-да.

— Э, раҳмат сизга, мен ҳаммасини тушунаман, Бокижон, бу масалада менга бемалол ишонаверсангиз бўлади. Ўша аблаҳга гап айтаманми мен, яхшиликни билмаган ўша номарддан гина қиламанми мен? Йўк, ҳеч қачон! Хотирингиз жам бўлсин, дўстим.

Ўша кунлари Симобийни кўролмайдиган яна бир одам кўзга ташланиб қолди. Олдиндан айтиб қўяй: бу одамнинг душманлиги аён бўлишига мен ҳисса қўшолганим йўк. Унинг Бозор Симобийга қай даражада душманлигини биз таҳририят ходимлари ҳалиғача ҳам яхши тасаввур этолмаймиз. Симобийнинг ўзи анчагача уни, яъни таҳририятнинг техник муҳаррири Нуриддин акани, энг биринчи душманим, деб яниб юрди...

Гапни бошидан айтақолай. Жумъа кун иди. Ўша кун иди.

маош олишимиз керак эди. Маълумки, бизнинг тахририятимизда маошни хар сафар техник муҳаррир Нуриддин ака кассадан улгуржи олиб келади-да, ходимларга таркатади. Сабил колгур ўша жумъа куни тушликкача техник муҳаррирдан дарак бўлмади. Тахририятнинг техник ишлари бўйича босмахоналарда юрган бўлса ажаб эмас. Муҳарриримиз тушликка яқин марказқўмда бўладиган бир йиғилишга кетди. Кетатуриб ўз ўринбосари билан менга тайинлади:

— Нуриддинга айтиб қўйинглар, бизнинг маошни ишдан кайтишда уйга ташлаб ўтсин.

Тушдан кейин Нуриддин ака тахририятга тўлиб-тошиб, яъни ходимларнинг маошини қўлтиклаб кириб келди. Биз — ўринбосар иккаламиз ўз маошимизни санаб олатуриб муҳаррирнинг топширигини унга айтдик. Нуриддин ака хўп деди. Лекин у ўша куни топширикни бажармапти.

Фавкулудда ҳолат юз берганини ўринбосар иккаламиз душанба куни билдик. Муҳаррир хонасида уч киши бўлиб ўтирган эдик, эшик очилиб, паст бўйликкина, тўладан келган жусса кўз олдимизда намоён бўлди. Бу — Нуриддин ака эди. У ичкари кириб, ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашди-да, конвертга солинган пулни муҳаррирнинг столи устига қўйди. Шу аснода муҳарриримизнинг авзойи ўзгариб, лабидан қони кочди. Нуриддин ака хонадаги курсилардан бирига чўкди-да, босмахонадаги ахвол, материалларнинг терилиш суръати ҳақида гапира бошлади. Аммо Бозор Симобийни ҳозир босмахонадаги ишлар қизиқтирмасди.

— Ойликни ўша куни уйга олиб бормадингиз? — деди жиддий, аммо оҳиста заҳарханда овозда Бозор Симобий. Унинг гап оҳангида гина ва бироз таҳдид ҳам бор эди. Лекин Нуриддин ака буни сезмади, нимадандир хурсанд бўлгандек иржайганича гап бошлади:

— Би-ир серпул бўлиб уйга боргим келди-да. Йўлда борапману ёнимда пулим кўплигидан кўнглим тоғдай кўтарилиб кетган. Дарвозани очиб, хотинимни чақирдим-да...

— Шошманг, сиз менга дўстмисиз, душманмисиз ўзи, шуни айтинг? — дея унинг гапини бўлиб қўйди Бозор Симобий. — Нега ўзингиздан ўзингиз ҳиринглаб куласиз? Тишларингизни итникига ўхшатиб!

Техник муҳаррирнинг лаблари бирданига кулгуни тарк этди, ўзи кўркиб кетди шекилли, ёйилиброқ ўтирган одам кадини тиклаб, муҳаррирга кўз тикди ва:

— Нима гуноҳ қилдим, хўжайин? — деди.

— Аввало, «хўжайин» деманг! — Бозор Симобий лаблари цирпираб сўзлай бошлади. — Мен сиздан сўраяпман: нима учун жума куни ойликни обориб бермадингиз?

— Ҳа, энди... бир кунга ҳеч нима қилмайди, деб ўйлабман-да.

— Нега бир кун бўларкан?! — Бозор Симобий бўш келмади. — Уч кун денг. Жума, шанба, якшанба, мана бугун душан-

ба, хатто тўрт кун. Бир одамнинг маошини тўрт кунгача ёнингизда олиб юришга нима ҳақкингиз бор? Мақсадингиз нима, бизни очдан ўлдиришми?

Биз ўринбосар иккаламиз ўртадаги гап-сўзга кўшилмай ерга қараб ўтирардик. Муҳаррирнинг сўнгги гапидан сўнг Нуриддин ака яна кулимсираб гап бошлади:

— Қўйсангиз-чи, Бозорбой ака, очдан ўлишни гапирманг. Сизки шундай дейдиган бўлсангиз, бошқалар...

— Нима, сиз мени миллионер деб ўйлаяпсизми?!

— Миллионер бўлмасангиз ҳам, ахир, катта ижодкорсиз.

— Сиз менинг бояги саволимга жавоб беринг: ойлигимни тўрт кунгача нима мақсадда олиб юрдингиз? Тўғриси-ни айтаверинг, бирор нарсага ишлатиб, фойда кўрдингизми-а?

— Йўғ-ей, унақа хунар йўқ менда. Конвертга ўша куни қандай солган бўлсам, шундай келтириб бердим ҳозир.

— Демак, мени қийнашни, оиламнинг қийналишини мақсад қилиб олгансиз, шундайми?

— Оббо, яна қайналаман дейсиз-а,— деди Нуриддин ака хижолатли тиржайиб.— Ахир сиздай одам...

— Нима мен?!— дея яна жаҳли чикди Бозор Симобийнинг.— Сизнингча, мен одам эмасманми? Ҳайвон деб ўйлаяпсизми мени? Ахир мен ҳам оч қолса овқат ейдиган, вақтида бозорга чиқиб, ул-бул харид қиладиган одамман! Сиз-чи, тўғриси-ни айтсам, менинг бориб турган душманним экансиз! Ҳозиргача билмай юрар эканман, энди маълум бўлди. Қўйнимиздаги илон экансиз! Боринг, сизга жавоб!

Нуриддин ака бир ҳолатга тушиб, судралгандай чиқиб кетди. Бозор Симобийга дўстлик қилмаган одамнинг жазоси шу-да! Душман бўлмаса Бозор Симобийнинг оиласига очликни раво кўрармиди!

Техник муҳаррир чиқиб кетганидан сўнг, Бозор Симобий унинг чинакам душман эканини гапира кетди:

— Бу одамдан яхшилик чикмайди,— деди у.— Ўтакетган киррик, тулки ўзи! Қаранглар-а, мен унга нима ёмонлик қилибманки, оиламни очликка маҳкум этасан, ифлос!

— Уйда ростдан ҳам пулингиз камроқмиди?— деб сўрадим мен эҳтиётқорона оҳангда.

— Уйда пул бўлиши мумкин, лекин бир одамнинг қонуний пулини шунча олиб юришга ҳақки йўқ-да, Бокижон,— деди Бозор Симобий.— Бу ерда бошқа гап бор, қандайдир сир бор менимча. Ўтган йили бир фельетон чикувди Намангандаги Заркент савдо ташкилоти ҳақида. Ўша ташкилотдагилар ойликни уч-тўрт кун кечиктириб бериш орқали ўша пулни ишлатиб қанчаям фойда ишлаб олар эканлар. Бу аблах Нуриддин ҳам, менимча, шунақа бир иш қилиб юрса керак.

Ўринбосар менга қараб кўйди, кўзларимиз тўқнашди. Иккаламиз бир-биримизни тушунган эдик: Бозор Симобийнинг ярим ойлик маоши билан, яъни сал кам бир юз эллик



сўм пул билан Нуриддин ака уч кун ичида қанча фойда кўриши мумкин? Бу ғоят кулгили эди. Бирок, муҳарриримизга бу ҳақдаги мулоҳазамизни айтолмасдик. Бордию айтсак, биз ҳам душманга ёки ғаразғўй одамга чиқиб қолардик.

Нуриддин ака чиқиб кетганидан кейин Бозор Симобий унинг ичи қора эканлигини, ёвуз одамлигини тўла-тўқис исботлашга роса зўр берди:

— Менимча бу қирриқ одам яна бошқа бирор жойда ҳам ишласа керак,— дея гап бошлади у.— Эътибор берган бўлсаларингиз, баъзан мажлисларимизда мудраб ўтиради. Уйда бирор хунар билан шуғулланса керак у. Бир текширтириб кўриш лозим. Агар ўшанақа бирор нарсаси бўлса, ишдан бўшатворишга тўғри келади. Ким билади дейсиз, балки уйда чақида қайнатар ёки самогон тайёрлар. Маъбодо ўшанақа бўлса, олдини олиш керак, олдини олмасак, ўзимизга гап тегиб қолади.

Хар қалай, Бозор Симобий Нуриддин ака ҳақида гапираверди. Биз ҳам техник муҳарриримизнинг ёмон одамлигига, Бозор Симобийнинг душмани эканлигига ишондик шеклли, индамай ўтиравердик.

Бозор Симобий ўша кунги гаплари билан чекланмади. Нуриддин аканинг нопоклигини тинимсиз таъкидлайверди, ҳаммага уқтираверди. Гоҳо летучкаю мажлисларда, гоҳо хар хил сабаблар билан муҳаррир хонасида бўладиган сўзлашувларда Бозор Симобий Нуриддин ака қатнашаётган бўлса, тиғли, қалампирли гаплар билан юрагига нина санчарди, техник муҳаррир йўқ пайтларда эса, унинг устига сиртдан бир-икки челак балчиқ тўкиб юборарди. Душман душмандан ўч олади-да! Бозор Симобий шу қойдаги тўла-тўқис амал қилмоқчи бўларди шеклли, ўзининг энг биринчи душманидан тинимсиз ўч олиш билан қандайдир хузурланарди. Йиғинларда рассонинг камчилиги ҳам, корректор-тузатмачининг айби ҳам, ҳатто адабий ходимнинг эсарлиги ҳам муҳаррирнинг ашаддий ёви — Нуриддин акага тўнкарилар эди. Тинимсиз мағлуб бўлаётган, янчилаётган душман муҳаррирга қарши жавоб айтолмасди. Фақат у эмас, бошқа ходимлар ҳам, бу техник муҳаррирнинг камчилиги эмас, фалончининг айби, дейишга журъат этолмасдилар. Бозор Симобийнинг синфий душмани ўзини ўзи ҳимоя этолмаганидан кейин бошқаларга нима!

Аммо-лекин Нуриддин ака роса чидамли одам экан. Ундан бўлак одам бўлса, бунчалик таънаю дашномларга чидаш беролмай ишдан кетиб қоларди. Бирок у тишини тишига қўйиб, чидаб юраверди. Қайтанга унинг ўрнига Сокинахон ариза бериб, бошқа ишхонага ўтиб кетди. Нуриддин ака шаънига айтилаётган гаплардан зериккан эмиш, ким қўйибди, аввал ўзингни эпла! Олифтачилигини қаранг-у!

Машинка хонасида яна бикка семиз Ияқилобхоннинг ёлғиз ўзи ишлай бошлади.

Бозор Симобийнинг яхши бир одати бор: ҳар оир ходим билан шахсан ўзи гаплашади, ишини, хатто уйдаги шароитни ҳам суриштиради. Мана бу — катта ходим, буниси — кичик ходим, деб ўтирмайди. Бир ҳисобда шуниси ҳам яхши — ўринбосар билан масъул котибнинг иши енгиллашади. Айрим муҳаррирлар бор — фақат каттароқ ходимлар билан гаплашадию, тузатмачи, машинкачи, техник муҳаррирлар билан иш олиб боришни ўринбосарига, масъул котибга қолдиради. Менимча, бу камтарликдан эмас. Бизнинг муҳарриримиз эса, камтар бўлганлиги учун ҳаммани баб-баробар кўради, ҳамма билан ўзи шуғулланади.

Мана, масалан, Бозор Симобийнинг Инкилобхонга бўлган меҳрибончилигини олайлик. Авваллари, Сокинахон борлиги учунми, муҳарриримиз машинка хонасига деярли кирмасди. Сокинахон кетганидан кейин эса, ўша хонага бот-бот кирадиган, Инкилобхонга яхши гапирадиган бўлиб қолди. Бозор Симобий Инкилобхонни ўз хонасига тез-тез чақириб ҳам турарди, ҳар хил масалаларда машинкачидан маслаҳат сўраганини ҳам эшитиб қолардик. Хатто бир куни Инкилобхоннинг қўлига пул тутказиб: «Менга битта галстук танлаб келтириб беринг, сизнинг дидингиз яхши», деган эди. Ниҳоят, меҳрибончилик шу даражага бориб етдики, Бозор Симобий Инкилобхонни ижодий ишларга ундай бошлади.

Бир куни летучка тамом бўлганидан кейин Бозор Симобий Инкилобхонни хонадан чиқиб кетаётганида чақириб олди. Букланган бир газетани қўлига олди-да, машинкачи аёлга узатиб деди:

— Мана, Инкилобхон, ушбу газетани ўринбосар ва масъул котиб гувоҳлигида сизга бераяпман.— Бозор Симобий гап орасида жилмайганича ҳаммамизга қараб қўйди.— Ичида икита қизиқ хабарча бор, қизил қалам билан белгилаб қўйганман. Ўша хабарларни таржима қиласиз, ўзбекчада чиқариб юборамиз.

— Ахир мен бунақа ишни ҳеч қилмаганман, қўлимдан келмайди,— деди Инкилобхон хижолат чекиб.

— Йўқ, Инкилобхон, ундай деманг. Нима, менинг гапимни ерга ташлайсизми? Одам қилган ишни одам қилади-да. Ахир сиз ҳам ўсишингиз керак, пул ишлашингиз керак бошқа ходимларга ўхшаб. Умр бўйи машинка олдида ўтираверишингиз шартми? Ахир қачондир ижодий ходим бўлишингиз керак-ку. Мана, ушланг, кейин хурсанд бўласиз.

Инкилобхон букланган «Известия» газетасига қўлини чўзиб, ушладую барибир иккиланарди:

— Қўлимдан келмайди-да, Бозорбой ака.

— Қўлингиздан келмаса ўзимиз ёрдам берамиз. Мен ўзим бор, мана бу акаларингиз бор.

Инкилобхон чиқиб кетди.

— Тўғри қилдимми, ҳар бир ходим ўсиши керак-да,— деди муҳарриримиз.

Уринбосар иккаламиз Бозор Симобийнинг гапини маъқулладик.

Инқилобхон шу тарика Бозор Симобий кўмагида кичик-кичик хабарчаларни таржима қилиб юрди. Унинг таржималарини гоҳ у ходим, гоҳ бу ходим кўриб таҳрир қилар, яъни бутунлай бошқатдан ёзиб чиқар, айрим шакқокрок ходимлар шу аснода таржимонни болахонадор қилиб сўқар эди. Машинкачининг айрим таржима хабарларини ўқиш муштарийларга ҳам насиб этди.

Лекин, Инқилобхон деганимиз бировнинг яхшилигини, меҳрибонлигини билмайдиган ношукур аёл экан. Бозор Симобийнинг яхшилигини билмади у ва оқибатда ўзи канчадан-қанча ризку насибадан маҳрум бўлди.

Мухаррирнинг ҳамиятини рад этиш жараёни куйидагича юз берди: Инқилобхон ўша куни ҳам ҳамишагидек хушнуд кайфиятда машинкасини чиқиллатиб ўтирарди. Айрим ходимларга ҳазил-мутуйиба гаплар ҳам айтиб кўярди. Мен машинка хонасида ўтирганимда Инқилобхонни мухаррир хузурига чақариб қолишди. Тахминан соат ўн иккилар бор эди. Мен ҳам ўз хонамга чиқиб кетдим. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир маҳал Инқилобхон ранги-рўйи ўчган ҳолда хузурига кирди.

— Ҳа, тинчликми, Инқилобхон?— дея хиёл ўрнимдан турдим.

— Дардимни кимга айтишни билмай сизга кирдим, Боқижон ака,— деди машинкачи аёл.

— Нима бўлди, тобингиз кочдими?

— Йўқ,— деди Инқилобхон ва бир зум тараддуланиб жим қолди, сўнгра гапининг давомини айтди!— Мухаррир, мен билан юрасан, деяпти.

Мен дафъатан Инқилобхоннинг нима демокчи эканини яхши мушоҳада этолмай қолдим-да, соддалик билан дедим:

— Юрасан деяпти? Бирор жойга бормокчи бўлувдиларингизми?

— Йўқ, тушунмадингиз, куриб кетгур мухаррир, мен билан ётасан, деяпти,— Инқилобхоннинг кўзларида ёш йилтиради.

— Нега ётар экансиз?— дедим яна соддалик билан.

— Мунча соддасиз, Боқижон ака, менга хотин бўласан, деяпти мухаррирингиз!

— Йўқ-е!

— Ҳа, шундай деяпти. Ахир мен бошимда эрим бор аёл бўлсам! Худога шукур, уйимда болам... Яна... ўзимдан ўн беш-йигирма ёш катта одам билан юраманми?

Мен ҳайрон бўлиб довдираб қолдим, Инқилобхонга нима дейишимни билмасдим.

— Ахир бунақа... гапларга аралашиб бўлмайди-да, Инқилобхон... Ҳар кимнинг... и... ихтиёри ўзида... Қизиқ гапларку... Бунақа гапларни эшитгандан эшитмаган яхши...

Инкилобхон менга озгина тикилиб турди-да, шартта бурилиб чикиб кетди. Мен хайрон бўлганимча қайта ўрнимга ўтирдим. Ўзимча хаёлга толдим. «Наҳотки, Бозор Симобий шундай деган бўлса Инкилобхонга? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бу ерда бошқа бир гап бўлса керак. Инкилобхон тухмат қилаётгандир. Бозор Симобийнинг душманлари уни ҳам ўз ёнларига тортаётган бўлишлари мумкин. Душманлари кўп-да Бозор Симобий бояқишнинг. Ҳалимжон метин, Сокинахон, Раббано, Нуриддин ака... Мана, ниҳоят уларнинг ёнига Инкилобхон ҳам қўшилаяпти. Нега шунчалик кўп экан Бозор Симобийнинг душманлари?...»

Мен яна бир нарсасга хайрон эдим. Сокинахон ҳам Бозор Симобийга худди шу тахлит тухмат қилувди. Инкилобхоннинг дарду фироғи ҳам уникага ўхшаб кетди. Аёллар ҳам қизик бўлишар экан-да ўзи, Бозор Симобийга ўхшаган кишиларга тухмат қилмасдан ишлаб юраверишса бўлмасмикин? Бошим қотиб қолди.

### КАСАЛ БЎЛГАНДАН СОҒ ЮРГАН ЯХШИ

Кунлардан бир куни техник муҳарриримиз Нуриддин аканинг касал бўлиб қолганини эшитдик: юрак инфаркти ҳолатида шифохонага ётқизилганмиш. Шу хабарни эшитган заҳотим, негадир, бир илмий-фалсафий қоида ҳаёлимдан кечди: ҳар қандай нарсадаги миқдор ўзгаришлари ўша нарсани сифат ўзгаришларига олиб келади. Нуриддин аканинг ҳозирги ҳолати фандаги мазкур қоидаги ёрқин мисол бўлаоларди. Яъни, муҳарриримизнинг синфий душмани бўлган Нуриддин аканинг юрагига Бозор Симобий томонидан деярли ҳар куни санчилиб турган ниналар, аниқроғи, заҳарли гаплар миқдори ошиб боравериб, охири сифат ўзгаришига олиб келди — техник муҳаррирни юрак инфаркти қилиб шифохонанинг каравотига михлаб қўяқолди!.. Агар бу воқеани бошқача талқин қиладиган бўлсак, Бозор Симобий ўз душманларидан бирини курашда мағлуб этди.

Лекин, буни карангки, Бозор Симобий юқоридагидек илмий-фалсафий қоидаларни унча яхши тушунмас экан. Ким билади дейсиз, диалектик материализм, тарихий материализм деган фанларни яхши ўқимаган бўлиши, ёким, ўқиган бўлса ҳам, хотиридан чиқариб юборган бўлиши мумкин-да (Бошлиғимизнинг камчилигини айтаётганим учун худонинг ўзи кечирсин. Эҳтимол, бу унинг камчилиги эмас, балки фазилатидир!) Ҳар қалай, муҳарриримиз ўз душмани Нуриддин аканинг шифохонага тушганини эшитиб ажабланди-да, воқеани бутунлай бошқача талқин қилди:

— Отга така қокқанда эшак ҳам оёғини кўтарибди, дегандай техмуҳарриримиз инфаркт бўлган эмишлар! Катта-катта мансабдорлару академикларнинг инфаркт бўлганини

эшитган-да, хумпар! Қарасаки, шу касаллик модага айланиб бораяпти! Мен ҳам инфаркт бўлиб кўяколай, деган! Шу билан ўз обрўйини ошириб олмоқчи! Ошириб бўпти! Биз у кишининг туллак одамлигини жуда яхши биламиз. Ўзининг касал бўлиши билан аслида тахририятимиз ишига зарба бермоқчи! Жамият ишига зиён келтирмоқчи! Буни ҳар қайсимиз билиб қўйишимиз керак!

Бозор Симобий бу сўзларни кўпчиликнинг ичида, редакцияда ўтаётган летучкани яқунлайтуриб айтди. Ҳаммамиз унинг сўзларини кулоқ қожмай тинглардик ва бу сўзлар гўё ҳаммамизга маъқул эди.

—Фикримга тушундиларингизми?— дея нутқини давом эттирди муҳарриримиз.—Нуриддин, ишонаверинглар чинакам касал бўлган эмас, ёлғондакам ётибди: дўхтирларга пул-мул бериб, ўзини инфаркт деб ёздирган, ҳа. Қани, ўзларингиз айтинглар-чи, соппа-соғ юрган одам қандай қилиб бирданига касал бўлиб қолиши мумкин? Сираям мумкин эмас! Нуриддиннинг тулкилигини ҳаммамиз яхши биламиз ва биз ҳам унга тулкиларча муносабатда бўламиз. Яъни, ҳеч қайсимиз уни кўргани бормаймиз!..

Бозор Симобийнинг касал бўлганларни, отпусकाга чиққанларни ёмон кўриши илгари сал-пал қулоғимга чалинган эди. Ҳозир эса, ўша гапнинг ростлигини ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитиб ўтирардим. Муҳарриримиз, ходимлардан қандай садо чиқаркин, дегандай ҳаммамизга бир-бир тикилар экан, ўтирган ўрнимдан лукма ташладим.

— Касал бўлгандан соғ юрган яхши-да...

Ўтирганларнинг ҳаммаси, шу жумладан Бозор Симобий ҳам менга қаради. Лекин, ҳеч ким кулмади. Чунки айни пайтдаги вазият кулишни тақозо этмасди. Бордию биронта одам куладиган бўлса, «ёлғондакам инфаркт бўлиб ётган» Нуриддин аканинг тарафдорига айланиб қоларди. Мен эса, зукко фикр айтган донишманд қиёфасида жиддий ўтирардим. Зеро, менинг фикрим муҳарриримизга ёкиб тушгани ҳам маълум бўлди.

— Жуда тўғри айтдингиз, Бокижон,— деди Бозор Симобий менинг доно фикримни қувватлаб,— касаллик аслида соғлиққа зиён. Буни баъзилар тушунмайди-да, касал бўлаверишади. Бир қарасангиз, қўли оғриган, бир қарасангиз, бели оғриган. Нима кераги бор бунақа лўттибозликнинг? Касал бўлмайлик, ўртоқлар, соғлом бўлиб, бардам бўлиб юришга ҳаракат қилайлик.

Шу билан летучка тугади, ходимлар тарқалишди.

Сирасини айтганда, Бозор Симобий касал бўлишни ёмон кўришдан ташқари ўзини ҳар хил касалликлардан эҳтиёт ҳам қилиб юрар экан. Қимизхўрлик воқеаси жараёнида мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

Худди ўша — летучка ўтказилган кунни эди чамаси, ме-

нинг хонамда тўрт-беш киши ўзаро гурунглашиб колдик. Сухбатдошлар орасида муҳаррир, муҳаррир ўринбосари, Аҳбоб Зухриддин деган бўлим мудирини ҳам бор эди. Гап айланиб ёз неъматлари, кимиз-кимронлар ҳақида сўз кетди-да, Аҳбоб Зухриддин бир ғояни ўртага ташлади:

— Кимизхўрликни таҳририятимизнинг ўзида ҳам ташкил қилсак бўлади,— деди у.— Менга рухсат берсаларингиз, эртага эрталаб Турбатга бораман-да, тушдан кейинга бир меш кимиз етказиб келаман. Таниш оғайнилари бор, чиндаки кимиздан беришади.

— Елғондакам кимиз ҳам бўладими?— деди Бозор Симобий нимадандир чўчигандек.

— Айрим кимизларга ишониб бўлмайди-да,— деб жавоб берди Аҳбоб Зухриддин,— оддий айрондан ҳам қўшиб юборишса керак.

Муҳаррир ўринбосари атайлаб гап қўшди:

— Ноинсофрок кимизчилар отнинг сутига эшак сутини ҳам қўшиб юборармиш, деган миш-мишни эшитувдим.

Шу гап асносида факат Бозор Симобий эмас, ҳаммамиз чўчиб тушгандек бўлдик.

— Йе! Ундай бўлса, ҳозирги кимизларга ишониб бўлмас экан-да,— деди муҳарриримиз.— Кўнгил тортмайди-да.

— Сиз у тарафини ҳеч ҳам ўйламанг,— деди Аҳбоб Зухриддин Бозор Симобийга таскин бериб,— мен соф кимиздан келтираман, ишонаверинг.

— Қайдам,— деди муҳаррир.

— Ўзи... от билан эшак бир-бирига яқин-ку,— дедим мен ўртадаги қискагина сукутни бузиб,— сути билан гўштида фарк бормикин?

Бу гап Аҳбоб Зухриддиннинг иззат-нафсига теккандек бўлди. Холисона айтганда, шундай бўлиши ҳам табиий-да. У бояқиш озиб-ёзиб ўз ҳамкасабаларига бир хизмат қилмоқчи бўлсаю, биз суҳбатдошлар ҳали келтирилмаган кимизни муҳокама қилиб ўтирсак!

— Нималар деяпсиз, Бокижон, ўйлаб гапираяпсизми шу гапни?— деди Аҳбоб Зухриддин.— От қаёқдаю эшак қаёқда?!

Мен ҳам бўш келмадим:

— Иккови ҳам улов-да.

— Қўйсаларинг-чи, одамнинг кўнглини оздириб юбораяпсизлар,— деди Бозор Симобий жилмайган кўйи.

— Менинг эшитишимга кўра,— салмоқлаб гап бошлади муҳаррир ўринбосари,— эшакнинг сути билан гўшти одамни гафлатга олиб борармиш...

— Буни қандай тушунса бўлади?— деб сўради Бозор Симобий.

— Эшакнинг сутини ичган, гўштини еган одам (ўзи билмаган ҳолда истеъмол қилиб қўйиши мумкин-да) кўп ухлайдиган бўлиб қолармиш.

Ўринбосарнинг бу гапига мен муносабат билдирдим:

— Агар шу гапингиз рост бўлса, итальянлар роса уйқучи халк экан-да?

— Ҳа, дарвоқе, улар эшак гўшти ейишади-а?

— Кўйинглар энди, бошқа гап қуриб қолганми?— Бозор Симобий шундай дея жилмайганича чиқиб кетди. Техник муҳаррир Нуриддин аканинг касал бўлиб қолгани сабаб-лими ёки бошқа боисданми, ҳар қалай у анча хурсанд эди...

Шундай қилиб Аҳбоб Зухриддин эртасига тушдан кейин бир меш қимиз билан тахририятда пайдо бўлди. Қимизни Аҳбоб аканинг ўзи кўтариб қирганми ёки бошқа одамнинг ёрдамида келтирганми, аниқ билмайману, ҳар қалай, мен чик-қанимда муҳаррирнинг қабулхонасидаги стол устига ётқизиб қўйилган мешни тўрт-беш киши хушнудлик билан ўраб турарди. Аҳбоб Зухриддиннинг ўзи уч-тўртта пиёлани ювиб қелгани кетган экан. Шу пайт кимдир яна битта пиёла келтирди. Воҳиджон Бакиров деган ходим мешнинг оғзидаги ипни ечиб, рассом йигитнинг ёрдамида қимиздан пиёлага қуйди-да, чап қўлини кўксига қўйиб Бозор Симобийга узатди:

— Ўзингиз бошлаб беринг.

Воҳиджон Бакировнинг мулозамати ўрнига тушмади, бошқаларнинг қутганига тесқари ўлароқ Бозор Симобий қимиз тўла пиёлани қўлига олмади.

— Нега мен бошлаб бераман эканман?— деди у қўрсроқ оҳангда.— Биринчи бўлиб қуйган одам ичади-да. Қолаверса, Аҳбоб Зухриддиннинг ўзи келсин, ўзи қуйсин, нега шошасизлар?

Воҳиджон Бакиров нима қиларини билмай доврираб қолди, пиёладаги қимиз рассом йигитнинг ёрдамида қайтадан мешга қуйилди. Бошқалар индамай туришди. Шу аснода қўлида ювилган пиёлалар билан Аҳбоб Зухриддин кириб келди.

— Ана, келдилар, ўзлари қуйсинлар,— деди кимдир. Аҳбоб Зухриддин ҳам рассомнинг ёрдамида қатта пиёлалардан бирига қимиз қуйди-да, ўзи келгунича бўлиб ўтган гапдан хабари бўлмагани учунми, ҳурмат юзасидан пиёлани муҳаррирга узатди. Бозор Симобий эса, қўл узатиш у ёқда турсин, Аҳбоб Зухриддинга ва бошқаларга кўз қирини ташлаганча ҳайқалдек қотиб тураверди.

— Ўзингиз ичинг!— деди у билинар-билинемас заҳарли оҳангда. Аммо Аҳбоб Зухриддин буни сезмади-да:

— Бошлаб беринг, Бозорбой ака,— деди. У гарчи ёши катта бўлса ҳам муҳаррирга «ака» деб муомала қиларди.

— Нега мен бошлар эканман?— деди муҳаррир лаблари пирпираб.

— Ҳурмат қиламиз-да ахир сизни,— Аҳбоб Зухриддиннинг ўнг қўли ҳали ҳам пиёла кўтарганча эгаси билан Бозор Симобийнинг ўртасида турарди.

— Нега бунча тазйик ўтказасиз одамга?!— Бозор Симо-

бий бирдан портлади. Унинг ғазабнок кўзлари Аҳбоб Зухриддинга тикилиб турарди.— Мен биринчи бўлиб ичмайман! Ўзингиз бошлаб беринг, ичиб кўрсатинг! Агар захарлан-масангиз, йикилиб колмасангиз, кейин биз ичамиз!

Ўз ҳамкасабаларига савобли хизмат қиламан деб таънага дучор бўлган Аҳбоб Зухриддин бир зум гангиб қолди, унинг пиёла туган кўли титради, озгина қимиз ерга тўкилди, қимизни охиригача сипқорар экан, кўзларида ёш йилтиради. «Ҳамкасабаларимни қимизга тўйдираман деб шунча йўлга бориб, ўзимга ўзим таънаю маломат сотиб олган экман-да», деган маънони уқдим ўзимча унинг ҳозирги ҳолатидан. Бозор Симобий худди шу лаҳзаларда ўз фалсафаси бўйича гап бошлаб юборди:

— Ҳамма жойда коида шундайки, ким нима қуйса, биринчи бўлиб ўзи ичади. Жуда тўғри ўйлаб топилган коида. Чунки, бу ҳаёт-да: биров душманликдан ўша нарсага захар солиб қўйган бўлиши мумкин. Бир-икки одам ичиб кўрганидан кейин синовдан ўтади. Эндиги пиёлани Воҳиджон акага беринг,— сўнгги гапни Аҳбоб Зухриддинга айтди муҳарриримиз.— У киши ҳам сиздан сал олдин бизга ҳунар кўрсатувдилар! У киши ҳам синовдан ўтказиб берсинлар. Кейин бошқалар ичади.

Воҳиджон Бакиров ҳам лом-мим демасдан бир пиёла қимизни сипқориб юборди. Бозор Симобий ниҳоят учинчи пиёлани қўлига олди. Аста-секин, муҳарриримизнинг чиройи очилди. Шунга кўра даврадаги бояги ноқулайлик, таранглик ҳам барҳам топди. Ҳар қалай, бир меш қимиз ҳам кўп бўлар экан, олти-етти одам икки соатча уриниб аранг тамомладик. Сўнгра, иш вақти тугар-тугамас, уй-уйимизга тарқалдик.

Эртасига, ҳамишагидек, ўринбосар иккаламиз муҳаррирининг хонасида ўз жойимизни эгаллаб ўтирар эканмиз, Бозор Симобий:

— Кечаги қимизхўрлик қандай бўлди?— деди ва навбатманавбат иккаламизга тикилаверди.

— Яхши бўлди,— деди ўринбосар.

— Тоza қимизга ўхшайди,— дедим мен.— Бироз кайф ҳам берар экан қимиз дегани.

— Росаям ухлатиб қўйди-ку қимиз,— деди Бозор Симобий кулимсираб.— Сизлар ҳам шундай бўлдиларингизми?

— Қимиз ухлатади-да ўзи, асабларга ором беради. Унинг фойдаси шу билан-да.

— Ундок бўлса, кечаги гапингизга тўғри келиб қолмай-дими?— деди муҳарриримиз ўз ўринбосарига.

— Қайси гапимга?— хайрон бўлди ўринбосар.

— Гафлат...— дея қулди Бозор Симобий бачканарок тарзда. Гоҳо-гоҳо шунака одати ҳам бор эди унинг.— Эшак сути...



— Ҳа, уми?— деди ўринбосар таскинли оҳангда.— Шунчаки гап-да. Лекин чинакам кимизнинг асабларни аллалаб, танага ором бериши — бор гап.

— Йўқ, менинг битта нарсадан шубҳам бор,— Бозор Симобий энди жиддий гапирарди.— Шу... Аҳбоб Зухриддин бизга тоза кимиз келтирмаган-ов. Менимча, кечаги кимизга эшак сутими, нима балолардир кўшилган.

— Йўғ-ей, худо сакласин!— дедим мен.— Ахир Аҳбоб аканинг ўзиям роса ичди-ку.

— Ичдию, аслида мажбуран ичди,— муҳарриримиз ўз шубҳасида қатъий эди.— Биринчи иёлани ичаётганида кўрдингизми, кимизни тўкиб юборди. Бу нарса шуни билдирадики...

— Менимча, Аҳбоб ака ҳаяжонланганидан тўкиб юборди. Озгина тўкилди-да, кўли титраб кетди.

— Ҳаяжон нимадан келиб чиқади? Носамимийликдан. Бир сир борки, ҳаяжонланади,— бизга гал бермай сўзида давом этди Бозор Симобий.— Сизлар ўзларингиз биласизлар-ку, менинг шубҳам бор шу одамга. Аввало, кимизни тўкди, иккинчидан, келтирган кимизи бизни роса мудратди, қолаверса, нега ўзи бизга кимиз келтирадиган бўлиб қолди тўсатдан? Бирор сабаб бормиди ўзи? Шуларни ўйлаб, кечаси уйқим қочиб кетди. Ахир бу муҳим масала-да. Кимиз билан меҳмон қилиш баҳонасида бизни захарлаб қўйиши мумкин-да. Ёки, эшак сутини ичириб қўйиб, устимиздан қулиб юриши мумкин...

— Ахир ўзи ҳам охиригача ичишди-ку.

— Ичади-да! Ичишга мажбур-да! Ичмай ҳам кўрсин-чи, кўярмиканмиз уни! Ишқилиб, Аҳбоб Зухриддин — самимий одам эмас. Эҳтимол, бизни кимиз билан сийлаб қўлга олмоқчидир, тилимизни қисик қилиб олмоқчидир?

Бозор Симобий яна анча гапирди, ўринбосар иккаламиз уни тинглаб ў... авердик. Шу гаплар давомида мен унинг қасалликдан соғлиқни афзал кўришини, саломатлик йўлида ўзини юпқа шишани асрагандек авайлашини (худбин десак ноқулай бўлару!), ўзини жудаям яхши кўришини, бошқаларнинг шаъни-шавкатини одамгарчилигини бир тийинга олмаслигини ички бир туйғу билан сезиб ўтирардим.

Ўша куни иш соати тугашига яқин муҳаррир ўринбосарининг хонасига қираб, озгина суҳбатлашдим-да, унга мурбажаат этдим:

— Ҳаёлимга бир гап келувди, сизга маслаҳатга кирувдим. Шу... хўп десангиз, Нуриддин акани бир кўриб чиксак...— Ўринбосар нимадандир чўчигандек хиёл очик турган эшик тарафга қаради. Мен гапим таъсирлироқ чиқиши учун кўшимча қилдим.— Одамгарчилик ҳам керак-ку, ахир!

— Жуда тўғри айтасиз,— деди у рўқасининг орқасини столга так-так этиб урганича,— одамгарчиликдан чикиб кетаямиз. Лекин, Бозорбой ака нима деркин?

— У кишига айтмаймиз-да.

— Барибир билиб колса, кейин юзимизга солади-да.

— Юзимизга солса солар. Ахир биз ҳам мустакил инсон-миз-ку.

Муҳаррир ўринбосари ўйланиб колди. Аввало у Бозор Симобийнинг якин дўстларидан бири — мендан шундай гап чиқишидан хайрон эди. Иккинчи тарафдан: бошқа вилоятдан келган мен шу беморни кўргани борсаму, якин бўлатуриб булар бормаса ҳам қизиқ бўларди-да. Уртага сукут чўкди.

— Агар оёгингиз тортмаётган бўлса, майли, ўзим кириб, кўриб чиқарман,— дедим сукутни бузиб.— Сизлардан салом айтарман.

— Йўк, мен ҳам боришим керак,— деди ўринбосар ноилож колгандек.— Шу дейман, Воҳиджон акани ҳам ёнимизга кўшиб олсақ.

— Нега?

— Биринчидан, кўпчиликроқ бўламиз, иккинчидан, Воҳиджон ака муҳаррирга яқинроқ, Нуриддин акадан ҳол сўраб чиққанимизни Бозорбой акага айтса ҳам, барибир ўзи иштирок этган бўлади-да. Хавфсизроқ.

Муҳаррир ўринбосарининг эҳтиёткорлигига, ҳушёрлигига қойил колдим. Воҳиджон акани, ишдан қайтатуриб, йўлда ўзимизга кўшиб оладиган бўлдик. Мен, гапнинг очиги, Воҳиджон Бакировнинг ҳам ўзим сингари «агент»лигини сезардим, бошликка анча яқинлигини тасаввур килолмасдим.

Айтганимиздек, йўл-йўлакай бир шишадан пиво ичдик-да, Воҳиджон аканинг калласини гангитиб, шифохонага бордик. Бемор Нуриддин ака ётган палатага: «Касални ортиқча уринтирманглар, ичкарида кўп ўтирманглар», деган огоҳлантиришлар билан аранг кириб бордик. Қичиккина хонадаги каравотда Нуриддин ака чалқанча ётар, ҳаво иссиқ бўлгани учун хотини ён тарафдаги курсида сочик билан уни елпиб ўтирар эди. Бемор кўлини аранг кўтариб, биз билан сўрашди. Мен шерикларимдан фарқли ўлароқ Нуриддин аканинг юзидан оҳиста ўпиб кўйдим. Бемор, ҳар қалай, хурсанд бўлди, иккала кўзининг чеккаларидан томчи ёшлар оқиб тушди. Ўтирадиган жойнинг тайини бўлмаса ҳам, бир амаллаб беш дақиқалар ўтирдик, ўзимизча Нуриддин аканинг кўнглини кўтардик:

— Ҳеч гап эмас, ҳадемай тузалиб, кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Ишхонадаги ишни ҳеч ҳам ўйламанг, ҳамма иш жойида. Ўртоқлар салом деб юборишди.

— Бозорбой акам ҳам кўпдан-кўп салом деб юбордилар.

Бемор анча ҳол-беҳол эди, шизирлаб гапирарди. Аслида у Бозор Симобийнинг ўзига салом йўлламаслигини ички-бир туйғу билан ҳис этарди-ю, лекин барибир, таҳририят ходимларидан уч киши тилимиз буралиб шу гапни айтганимиздан кейин калбида қандайдир иликлик уйғонади-да.

Шифохонадан чиқиб, учаламиз уч тарафга тарқалиб кетар эканмиз, мен ўз ташаббусим туфайли бир беморнинг кўнгли-

ни кўтариб, савоб иш қилганимиздан мамнун эдим. Аммо эртасига бу ишимиз учун Бозор Симобийдан раҳмат эшитмадик.

Бозор Симобий ишга келган заҳоти ўринбосар иккаламизни чақиртирди. Қирсақ, тик турганича дастурмоли билан кўз ойнагини артиб турган экан. Биз билан сўрашди-да, ишини охирига етказиб, жойига ўтирди. Биз унгача ўз жойимизга чўккан эдик. Чамаси, муҳарриримизнинг кайфияти унча яхши ҳам, унча ёмон ҳам эмасди.

— Ҳорманглар,— деди у иккаламизга бир-бир қараб.

— Бор бўлинг, Бозорбой ака.

— Кеча нима иш қилдиларингиз?

— Кечами? Ишладик-да,— дедим мен.

— Йўқ, ишдан кейинни сўраяпман.

— Ҳа, ишдан кейинми? Озгина ўйнадик-да.

— Озгинадан пиво ичдик,— дея қўшимча қилди муҳаррир ўринбосари.

— Кейин-чи?

— Кейинми?— Ўринбосар иккаламиз бир-биримизга қараб олдик.— Уй-уйимизга кетдик.— Шу гап асносида мен кулимсираддим.— Тарқалдик.

— Қасал кўргани бормадиларингизми?

Ўринбосар иккаламиз яна бир-биримизга қарадик. Маълум бўлдики, муҳаррирнинг хабари бор — кимдир аллақачон етказган.

— Очик тан олаверинглар,— деди Бозор Симобий бизга ён бергандек жилмайиб.

Ён бермасдан иложимиз ҳам йўқ-да: биримиз ўринбосар, биримиз масъул котиб бўлсак.

— Пиво ичиб ўтириб бирданига хаёлимизга келиб қолди-да, Бозорбой ака,— дедим мен.— Бир кўрайлик-чи, ростдан ҳам касалмикин ёки атайин баҳона қилиб ётганмикин — шуни ҳам билмоқчи бўлдик.

Муҳаррирнинг кайфияти яна бир парда юқори кўтарилди.

Чунки сўнги гап унга ёкиб тушди.

— Майли, биринчи гал кечираман сизларни. Иккинчи марта бесўроқ, бемаслаҳат касал кўргани бормайсизлар. Хўпми?— Ўринбосар иккаламиз сазойи қилингандек ерга қараб ўтиравердик.— Аммо мenden салом деб қўйганларингиз дуруст бўлибди. Энг яқин одам сифатида сизларга айтиб қўяй: бундан буён мenden яшириб иш қилманглар. Яшириб иш қиладиган бўлсаларингиз, барибир билинади. Чунки разведка ишлайди-да. Менинг разведкамдан қочиб қутулолмайсизлар. Бўпти, бу гал кечирдим.

Учаламиз ҳам юзимиз ёришиб қулиб қўйдик. Мен пайт келганидан фойдаланиб:

— Нуриддин ака, сизга салом деб юборди,— дедим.

— Раҳмат,— деб қўйди муҳарриримиз.

— Қасал бўлишдан кўра соғ юриш яхшилигига у кишининг

ўзи ҳам ишонган бўлса керак,— дея гапимни давом эттирдим.  
— Албатта ишонади-да, у ҳам инсон-ку,— деди Бозор Симобий.— Тулкилиги ҳам бору, барибир инсон-да. Лекин, жудаям киррик одам! Ох-воҳига ишониб яхши одам деб ўйламанглар.

### «АГАР РУХСАТ БЕРСАНГИЗ...»

Шу воқеадан кейин муҳаррир ўринбосари ҳам, мен ҳам бирор иш қиладиган бўлсак, албатта, Бозор Симобийдан рухсат олишга одатландик. Бошқа ходимлар ҳам биздан андаза олиб ишлай бошладилар. Ишхонамизда тартиб-интизом авваллари ҳам ёмон эмасди-ю, бора-бора яна ҳам мустаҳкамланди. Бозор Симобий энг кичик ходимларнинг ҳам шахсан ўзидан рухсат сўрашларини жуда-жуда хоҳларди. Бирор жойга бориш учун жавоб сўрашни, энг аҳамиятсиз нарсалар ҳақида бўлса ҳам, ходимларнинг маслаҳатлашганларини хуш кўрарди у. Яхши тарафи шу эдики, камдан-кам ҳолатлардагина илтимосингизни рад этарди Бозор Симобий. Гоҳо ҳатто сўраганингиздан кўпроқ ҳам вақт бериб юборарди.

— Бозорбой ака, менга бирор соатга жавоб берсангиз,— деб сўрарди масалан бирор ходим.

— Бир соатга, дейсизми? Қаерга бормокчисиз?— деярни муҳаррир.

— Шу... ҳаммомга бориб, ювиниб келмоқчи эдим-да.

— Бир соатда ҳаммомга бориб, яна ювиниб келиб бўлар эканми?— хурмат қилиб рухсат сўрагани учун ҳамият билдирган бўларди Бозор Симобий. Бу ҳамиятдан эриб кетган ходим ҳам салгина эркалик қиларди:

— Ха, энди... бир соат бўлмаса, салгина кўпроқ вақт кетар.

— Майли, сизга бир ярим соатга рухсат,— деб юборарди Бозор Симобий.— Яхшилаб ювиниб келинг. Айтганча, қайси ҳаммомга бормокчисиз?

Кўрдингизми, қанчалик ғамхўр, қанчалик синчков-а Бозор Симобий! Рухсат олаётган ходим сўнгги саволдан бироз қаловланиб жавоб берарди:

— Хайронман ўзим ҳам, Чорсудаги ҳаммомга борсаммикан, деб турувдим.

— Чорсудагидан кўра Ўрдадаги ҳаммом яхши эмасми? Тагин ҳам ўзингиз биласизку-я. Ўрдадаги ҳаммом тозаям зўр-да. Жуда энгил ҳаммом дейишади. Ювинганларнинг қирчирини Анҳорнинг суви оқизиб кетади битта қолдирмай. Ўрдадаги ҳаммом шунинг учун энгил-да. Яхшиси, Ўрдага борақолинг, энгил бўлиб қайтасиз.

Ана кўрдингизми, Бозор Симобий, кўнглини топсангиз, сизга фақат рухсат эмас, яхшигина маслаҳат ҳам беради. Муҳарриримиз ана шундай олижаноб одам! Бордию бошлиқдан рухсат сўрамай ҳаммомга тушганингизда, аввало бир соатда

улгуриш учун шоша-пиша ювинардингиз, қолаверса, Ўрдадаги ҳаммом эсингизга келмасди-да, бошқа ҳаммомдан ланж бўлиб чиқардингиз! Тартиб-интизомга риоя қилишнинг, раҳбарнинг ҳурматини жойига қўйиб, ундан рухсат сўрашнинг ана шундай фойдали жиҳатлари ҳам бор, ҳа!

— Бозорбой ака, сиздан рухсат олмокчи эдим, кичкина иш чиқиб қолди,— дейсиз.

— Нима иш экан, билсак бўладими?— дейди муҳаррир.

— Сартарошхонага бормокчи эдим.

— Ишдан кейин борсангиз бўлмайдами?

Ишдан кейин борсам ҳам бўладию, шу... навбат курғур жуда кўпайиб кетади-да,— дейсиз истиҳола билан.

— Майли, борсангиз бориб келинг,— дейди Бозор Симобий.— Ростдан ҳам соқолингиз ўсибди бироз. Еки сочингизни ҳам олдирасизми?

— Сочимни ҳам олдираман-у, ўзимча яна бир нарса ни ўйловдим,— дейсиз бошлиқнинг шунчалик ройиш билдириб, ҳамсуҳбат бўлганидан қувониб.

— Нима экан? Нимани ўйловдингиз?— деб сўрайди муҳаррир. Эътиборли одамлигини қаранг, майда-чуйда жиҳатларни ҳам битта қолдирмай суриштиради!

— Шу... нима десам экан... Соқолимни ўстирсаммикин, девдим-да, бироз уялинқираб жавоб берасиз унга.

— Ие, бирданига-я?— дея чўчиб тушгандек бўлади Бозор Симобий.— Қандоқ бўларкин, ҳали ёшсиз-ку. Яхшиси, аввал кичкина мўйлаб қўйинг-да, аста-секин мўйлабни кўпайтиринг. Бир-икки йилдан сўнг соқолга ҳаракат қилсангиз — бошқа гап. Бордию бирданига тўрвадек соқол қўйиб юборсангиз, одамлар сизни танитай қолади-ку.

Шундай қилиб Бозор Симобий сартарошхонага бориб келишингиз учун рухсат ҳам беради, сизни келажакдаги ноҳушлиқлардан ҳам сақлаб қолади. Кўз олдингизга келтиринг-чи, агар ундан маслаҳат олмасдан соқол қўйиб юборсангиз борми, ошна-оғайниларингиз, ҳатто хотинингиз ҳам танитай қолиши мумкин-да!

Лекин, сирасини айтганда, Бозор Симобийдан рухсат сўрашни жуда бачканалаштириб юборган ходимлар ҳам бор. Мисол учун бир куни Тельман исми рассом йигитнинг муҳаррирдан рухсат сўраб турганига гувоҳ бўлдим:

— Бозорбой ака, ярим соатга,— деди рассом шошиб турган ҳолатда.— Балки йигирма дақиқада ҳам келарман...

— Қаёққа борасиз?— деб сўради муҳаррир.

— Ана у ёққа.

— Ана у ёғингиз каер ўзи?

— Ҳалиги жой-да,— деди рассом бетоқатланиб.— Ичим жуда котиб кетган, қийналаяпман шу кунда... Қаҳвани кўп ичганим учунмикин...

— Ундай бўлса боринг,— деди Бозор Симобий.

Бошка одам бўлганда қувликдан шундай қилаётгандир, деб ўйлашингиз мумкин эди. Бирок Тельман жуда самимий, камтар йигит, шумлик-қувликни билмайди. Тахминимча, бундай ҳолатлар рухсат берадиган одамнинг камлигидан келиб чиқаётганди. Чунки, тахририятимизда Бозор Симобийдан бўлак ҳеч ким ҳеч кимга жавоб беролмасди. Мабодо муҳаррир ўринбосари ёки мен кимгадир рухсат бериб юборсак, муҳаррир истаган пайтида ўша одамни тополмай қолса, росаям таъзимимизни еярдик:

— Мен тирик юрибман-ку ахир, нега жавоб берасиз?! Агар мен ўлиб қолсам ёки бирор ёққа кетсам, бу вазифа механик равишда ўринбосарга ўтади. У киши ҳам бўлмаса — масъул котиб. Бундан буён такрорланмасин бунака анархия. Рухсат бериш битта қўлдан чиқсин! Акс ҳолда чўпонлар кўпайиб кўйлар ҳаром ўлади!

Тельман бечора сингарилар бизни шунақа гап-сўзга қолдирмаслик учун ҳатто шишадаги қолинди сувни тўкиб келиш учун ҳам Бозор Симобийдан жавоб сўрарди.

— Бир дақиқага рухсатми?— деди у бир гал летучка пайтида. Бозор Симобий ҳам жуда қизиқ-да, майли, деб юборақолса бўларди. Бир дақиқага чиқишнинг ҳам сабабини сўради:

— Ҳа, қаерга? Нима иш чиқиб қолди?

Тельман ҳам тўппа-тўғриси айтиб кўяқолди, ҳалол болада:

— Бурнимни кокиб келмоқчиман!

Ҳеч ким қулмади. Чунки бу ҳолатга қулиш эмас, фақат ачиниш мумкин эди. Лекин бу илтимос Бозор Симобийга ғайритабиий ёки бачкана туюлмади. У жиддий тарзда Тельманга рухсат берди:

— Майли, чиқиб келинг!

Бозор Симобий ходимларга рухсат беришдан зерикмасди. Бирок, шу билан бирга барча ходимларнинг шахсий ҳаётию тирикчилиги билан муттасил қизиқарди. Оддийгина қизиқиш билангина қаноатланмасди, барча ходимларни қандайдир кўринмас иплар билан боғлаб ташлаганди. Ана ўша кўринмас иплар орқали у ҳамма ҳақида маълумотлар олиб турарди. Буни мен сал кейинроқ сезиб қолдим. Чунки мен аввалига, Бозор Симобийнинг энг яқин одамлариданман, онда-сонда у ер-бу ердан гап етказиб турадиган дўстиман, деган ўйда эдим-да.

Дастлаб Нуриддин акани кўриш учун шифохонага борадиган қунимиз муҳаррир ўринбосарининг Воҳиджон Бакиров ҳақидаги гапи, эртасига Бозор Симобийнинг ўринбосар иккаламизга танбех бергани мени бироз хушёр торттирди. Ўринбосар менга, Воҳиджон ака муҳаррирнинг яқин одами, деди. Демак, ўша яқин одам — Воҳиджон ака айтмаса, учаламининг касал кўргани борганимизни Бозор Симобий туш билармиди? Ҳатто касалхонадаги Нуриддин ака билан қандай муомала қилганимизгача айтиб берди-ку Бозор Симобий! Демак,

мен Воҳиджон Бакировнинг олдида ип эшолмай қолибман-ку. Энди мен ҳам ундан эҳтиёт бўлиб юришим керак!

Шу тарика «агентлик» вазифасидан кўнглим бироз совуб юрган кунларнинг бирида хотиним туғруқхонага тушиб қолди: яна битта ўғил кўрдим. Мақтанчоқлик бўлмасин, деб ҳеч кимга айтмай қўяқолдим. Бунинг устига кайфиятим ҳам ўртача эди. Ҳар куни ишдан кейин йўл-йўлакай бир нималар харид қилиб туғруқхонага ўтардим-да, хотиним билан чақалокдан хабар олган бўлиб, ўшанақаси уйга қайтардим.

Уша кунларнинг бирида кўча ёнбошидаги сотувчидан бир жуфт лимон харид қилатуриб орқа тарафдан келаётган Воҳиджон Бакировга кўзим тушди. Аммо кўзим тушганини унинг ўзига сездирмадим. Бир жуфт лимонни қўлимга олиб йўлга тушдим. Воҳиджон аканинг узокрокда орқамдан келаётганини сезиб бораяпман. Йўлда нон дўконига кирдим-да, бир нечта булочка, ярим кило қанд олиб, ҳамма нарсани тўрхалтага солиб, яна кўчага чиқдим. Бундоқ кўз қиримни ташласам, Воҳиджон ака тротуардаги ёшгина қарағайга суяниб турибди. Мени кузатаётгани рост экан, деган гап хаёлимдан кечди-да, ўзимча жилмайдим. Жилмаймасдан бўладими ахир, мен кимман ўзи? Оддий бир қаламкаш бўлсам, нимами кузатади бу одам? Аввалгидек секин одимлаб бекатга кетар эканман, ўзимча хурсанд ҳам бўлдим. «Бировларнинг кузатиб юришига арзийдиган бўлсам ёмонми? Ахир шунчалик эътиборга тушиш ўз-ўзидан бўлмайди-ку! Хафачиликка ўрин йўқ, аксинча, қувониш керак!»

Йўл-йўлакай танамда ҳис этиб бораяпман, бекат ичкари-сида одам кўпайгани сари Воҳиджон ака менга яқинроқ келаверди — кўздан қочириб қўймаслиги керак-да бечора! Ахир унга ҳам осоймас-да. Ижод қалами унча равон эмаслигининг ҳиссасини исковичлик билан тўлдириши керак-да!

Туғруқхона тарафдан ўтадиган автобус эшигига яқинлашатуриб, шартта ўгирилиб қарадим-да, «тасодифан» шахсий кузатувчимни кўриб қолдим.

— Э, Воҳиджон ака, уйга қайтаяпсизми?

— Ҳа, — деди у хиёл довдираб. — Ўзингиз-чи?

— Мен ҳам, — дедим унга. — Юринг, уйга обкетай. Гурунглашамиз.

— Уйингиз бошқа ёқда эмасми? — деди менинг кузатувчим ва ўзи билмаган холда сирининг бир чеккасини очиб қўйди. — Уч-тўрт кундан бери разм соламан — шу автобусда аллақайёққа кетаяпсиз? Бу билан қаерга борасиз ҳар куни?

— Ҳа, энди, — дея чайналиб жавоб бердим, — тирикчилик-да.

— Тирикчилик? — деб сўради шахсий кузатувчим.

Бу орада автобуснинг ўрнидан жилмоқчи эканлиги билиниб қолди. Мен Воҳиджон аканинг саволига жавоб беролмадим-да, шоша-пиша:

— Қани, юринг, — дея автобусга кўтарилдим. Воҳиджон

ака пастда колди. Бир жихатдан унинг бугунги вазифасини бироз енгиллаштирдим. Чунки автобус яқинида уни «тасодифан» кўриб колмаганимда мен чиққан автобусга чиқиши, орка ўриндиклардан бирида мени кузатиб ўтириши ҳам мумкин эди-да. Анча вақти кетарди бояқишнинг!

Автобусда кетатуриб: «Бояқишнинг вазифасини яна ҳам енгиллаштирсам бўлар экан-у, хаёлимга келмабди-да», дедим. Ахир, каерга кетаётганимни сўраганида: «Туғрукхонага», деб жавоб берсам ҳам бўларди-ку. Мен бўлсам: «Тирикчилик», деб жавоб берибман. У бечора менинг тирикчилигим нима эканлигини тушунолмай гаранг бўлиб юрaveraди ва эртага ҳам, индинга ҳам мени кузатаверади. Ўзимдан ўн беш-ўн олти ёш катта одамни шунчалик овора қилиш яхши эмас-да. Менга нима, кузатса кузатаверсин, керак бўлса, кўлимни ҳам, оёгимни ҳам, бошқа аъзоларимни ҳам кузатаверсин! Ҳаммаси ҳақида Бозор Симобийга айтиб бераверсин!

Автобусда кетаяпман-у, гапнинг очиги, Бозор Симобийга нисбатан ғазабим қайнади. Мени ўзига дўст деб юриб, орқамдан одам кўйгани нимаси?! Ахир менинг ўзим унинг дўсти сифатида у ер-бу ердан эшитган гапларимни етказиб турган бўлсам. Менинг нимамни текширтиради? Бордию Бозор Симобийнинг душмани бўлганимда бошқа гап эди! Дўст бўлиб душманнинг ишини қилгани эмасми бу? Еки дўстни душманга айлантириш деганлари шумикин?

Ногахон тенгқурим Раббано Турсуновнинг гапи эсимга тушиб кетди: «Бозор Симобий отасига ҳам дўстлик қилмайди...» Рост экан-ку Раббанонинг гапи. Мен нодон, ковок калла эса, тенгқурим Раббанонинг гапини оқизмай-томизмай Бозор Симобийнинг ўзига етказибман! Муҳарриримни дўст билиб, Раббанони душман билибман, тенгқуримни сотибман! Бордию Бозор Симобий Раббанони кўрганида: «Бокижонга шундай дебсиз», сянгари гап билан гина қилиб қолса-я! Унда Раббанонинг юзига қандай қарайман? Барибир, Бозор Симобий унга ҳеч нима демаганда ҳам мен Раббанонинг олдида уятли эдим!

Туғрукхонага бориб, хотиним билан чақалоқ ўғилчамни кўриб, уйга қайтаётганимда ҳам худди шундай фикрлар таъсирида ўз-ўзимдан уялиб борардим... Тасодифий қарангки, хотиним уйга қайтадиган куни туғрукхонада Раббанони учратиб колдим. Унинг хотини ўша куни эрталаб келтирилган экан. Тенгқурим хотинининг кўзи ёришишини, тезроқ хуш-хабар эшитишни кутиб ўтирган экан. Иккаламиз туғрукхонанинг каттагина остонасида бирор соат чамаси суҳбатлашиб ўтирдик. Тенгқуримнинг жилмайганнамо қарайверишидан хижолат чекдим-да (иштонсизнинг чўлдан хадиги бор, дейдилар-ку!) бир неча кундан бери юрагимни эзиб юрган гапни айтишни лозим топдим:

— Раббано, огайни, мен сизга нисбатан бир гуноҳ иш қилганман. Майли, кечирсангиз ҳам, кечирмасангиз ҳам ўзингиз биласиз, мен, барибир, бироз енгил тортишим керак.



— Нима гап экан, канақа гуноҳ?— деди Раббано бепарволик билан.

— Ху бир маҳал менга бир гап айтган эдингиз. Бозор Симобий хакида.

— Канақа гап?— дея яна боягидек жилмайди Раббано.

— Сиз мени дўст билиб айтган эдингиз ўша гапни. Мен эса, Бозор Симобийни дўст билиб ўша гапингизни унга айтганман. Сизга хиёнат қилганман.

— Ха, хабарим бор... ҳаммасидан... Соддалик қилгансизда.

— Хабарингиз бор?— дея хайратландим. — Канақасига хабарингиз бўлади? Қим айтди?

— Бозор Симобийнинг ўзи айтган. Ўша кунлари айтувди, — деди Раббано Турсунов мушоҳадали кайфиятда.

— Ё, товба! Ростданми? Нима деб айтди?

— Ўзича мендан каттик гина қилди Симобий. Уялтирган ҳам бўлди. «Мен кимни семиртириб сўйиб еган эканман, Раббано?!» деди. Симобийни яхши биламан мен.

— Ахир, ҳеч кимга айтмайман, деб менга ваъда берган эди-ку, у? Қизик, ўз сўзининг устидан чикмас экан-да.

— Ўшанда сизга айтган эдим-ку, ҳеч кимга дўстлик қилмайди, деб. Шунинг учун сизга ҳам дўстлик қилмади-да. Шундай деб тушунаверасиз.

— Демак, сизнинг олдингизда тозаям юзи қора бўлган эканман-да, Раббано оғайни. Мени кўрганингизда тесқари караб кетаверсангиз ҳам бўлар экан.

— Парво қилманг,— деди Раббано. Буни қарангки, тенг-қурим жуда кечиримли йигит экан.— Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейдилар. Бундан бу ёғига эҳтиёт бўлинг. Ахир, ҳаммамиз ҳам фаришта эмасмиз, оддий инсонлармиз, камчиликларга йўл қўямиз. Ўлгунимизча ақлимиз қиради.

— Энди эртадан бошлаб орани очик қиламан!— дедим ўртага тушган қисқагина сукутни бузиб. Гапнинг очиги, Бозор Симобийга бўлган газабим тобора кўр олиб борарди.

— Ким билан орани очик қиласиз?— қизиқиб сўради Раббано.

— Бозор Симобий билан-да,— дедим.— Бу гапни шундай қолдириб бўладими?

— Афандилик қилманг!— деди Раббано Турсунов катъий оҳангда.— Наҳанг билан олишиб бўладими? Бозор Симобий ва унинг тенгқурлари — ҳаммаси наҳанг. Улар бошқа баликларга кун бермайдилар, дўстлик қилмайдилар. Сиз билан биз эса улар учун лакка баликлармиз. Тегажоклик қилсак, наҳанглар лўк эткизиб ютиб юборишади!

Мен хомушланиб, ўйланиб қолдим. Раббано сўзини давом эттириб деди:

— Ундан кўра сиз ҳам устомонрок бўлинг-да, ишингизни битириб юраверинг. Қолаверса, ҳаммамиз устомон бўлишимиз керак, Симобийлар авлодидан эҳтиётланиб юришимиз керак.

Ичингиздаги ғазабни сираям юзингизга чиқарманг, белингизни синдириб юборишади. Бозор Симобийлар авлодини биласизми, уларнинг ҳар бири ўзининг бир сўмлик манфаати учун сиз билан бизнинг ўнгамизни босиб-янчиб ўтишга тайёр — шунинг эрдан чиқарманг. Шу қадар ваҳший авлод бу!

Ўйга борганимдан кейин кўп мулоҳазаларга бордим. Ўйлаб қарасам, Раббанонинг кўрсатган йўриғи тўғри экан. Ҳар қанча гина-кудуратим бўлса ҳам, ғазабим бўлса ҳам Бозор Симобийга сира сездирмаслигим керак экан. Шунинг учун ҳеч нима юз бермагандек эртасига ишга ҳам бордим, ҳар кунгидек ўринбосар иккаламиз Бозор Симобийнинг хонасига кириб ўтирдик. Аслида ўринбосар иккаламизнинг муҳаррир хонасига кириб, ўз жойимизда озми-кўчми ўтириб чиқишимиз ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб қолган эди. Бу киришнинг мақсади, аввало, бошлиққа салом бериш, қолаверса, мартабали шахснинг ўзьякинлари билан шу бугунги ишни кенгашиб олишидан иборат эди. Бозор Симобий бамисоли подшо эди-ю, ўринбосар билан мен ўнг қўл вазир, чап қўл вазир эдик!

Кундан кун, ҳафтадан ҳафта ўтиб, таҳририятимиздаги айрим ишлар, ҳатти-ҳаракатлар кўзимга ғалати, бачкана кўриниб қолаверди. Мақолалар ёзиш, уни ёритиш ва бошқа айрим ишлар журналистика рисоласи бўйича борарди-ю. Бозор Симобий билан ходимлар ўртасидаги муносабат кўнглимни оздириб юборарди. Мана, масалан, ходимлардан бири:

— Бозорбой ака, бакенбард қўйсам майлими, сиз қарши эмасмисиз? — деб сўрарди.

— Ҳа, албатта, сиз қўйсангиз бўлади. Лекин жуда бесўнақай бўлмасин-да. Пушкин бўламан деб ўйламанг. Пушкин битта! Иккинчи Пушкиннинг кераги йўқ!

Бошқа бир ходим эса: «Мен ҳам галстук тақсам бўлармикин?» деб сўрарди. Муҳаррир унга бир нималардир деб маслаҳат берарди. Бундай пайтларда мен энсам котиб, ижирганиб ўтирдим. Ўзингиз ўйлаб қаранг, галстук, бакенбард қўйишни ҳам муҳаррир белгилаб бериши керакми ахир?! Инсон ҳукуки, мустақиллиги шу қадар ҳам торайтириб юбориладими?! Ичимдан гупириб келган вулконни отиб юборай дердим, ўша захоти тенгқурим Раббано Турсуновнинг гаплари эсимга тушарди — ўзимни босишга мажбур бўлардим.

Ҳар қалай, Бозор Симобий менинг ич-ичимдан ёмон кўришимни билиб қолмаслиги керак эди. Шу боис аввал қандай бўлсам, шундай кўринишга уринардим, бошқа ходимлар қатори муҳаррирдан маслаҳатлар сўраб турардим. Маслаҳатлашардим уна ўзимга алам қиларди.

Ўша кунлари ҳаёлимда бир қувлик қилиш фикри тугилди. Ўринбосар иккаламиз муҳаррир хонасидан чиқиб борар эканмиз, мен бир гал эсимга тушиб қолгандек, эшик олдидан қайтиб, Бозор Симобийга юзландим. Анчадан бери ичимда йиғиб юрган ғазабимни сохта хурматга айлантириб дедим:

— Бозорбой ака, шу... бир маслаҳат бор эди.

— Хўш?

Мен уялгандек кўзимни каерга қўйишимни билмасдим.

— Келинингизнинг туғруқхонадан чиққанига қирк кундан ошди, яъни чилласи чиқди.

— Жуда яхши. Ҳали чақалоқнинг зиёфатини ҳам еганимиз йўқ.

— Йўқ, мен бошқа нарса айтмоқчи эдим, сиздан маслаҳатми, руҳсатми сўрамоқчи эдим.

— Майли, марҳамат... Қанақа маслаҳат?

Мен яна ҳам уялган, тортинган ҳолда сўзладим:

— Шу... шу қирк кун ўтгандан кейин... хотиним билан ётаверсам... бўлармикин? Шуни... сиздан сўрамоқчи эдим... Тажрибангиз бор одамсиз... Маслаҳат-да...

Бозор Симобий, сезиб турибман, менга обдон тикилиб қолди. Мен ўзимнинг артистлик қобилиятимни ишга солиб, тобора уялиб, қимтиниб турардим. Мухарририм менда ҳеч қандай сохтакорлик сезмади шекилли:

— Ҳа, бўлаверади, Боқижон... Ҳалиям чидамли экансиз,— деди.— Бизлар йигирма кундаёқ пархезни бузиб юборамиз, кеннойингиз ҳам қаршилиқ қилмайди...

— Бўпти, раҳмат, Бозорбой ака,— дея эшикка йўналдим. Коридорда кулгимни аранг босиб борар эканман, ўзимча ўйлардим: «Мен, ҳар қалай, муҳим масалада маслаҳат сўрадим. Ахир баъзи одамлар бурун қоқишу шишанинг сувини тўкиб келишга ҳам руҳсат сўраяптилар-у...»

### ИҲКОЛСИН АҲИЛЛИК!

Артистликни ўрнига қўйиб, Бозор Симобийдек одамни ишонтиролганим учун бир неча кунгача хурсанд бўлиб юрдим. Аммо мендек содда одамнинг артистликни узоқроқ давом эттириши қийин эди; буни қалбим сезиб турарди. Яна бир тарафи — Бозор Симобий ҳам анойи эмас, яъни оддийгина, табиий хатти-ҳаракатларга ҳам шубҳаю гумон билан қарайдиган мухарриримиз, албатта, мени безътибор қолдирмасди. Буни савқи табиий равишда кўнглимда ҳис этиб, Бозор Симобийни кўрганда ёқтирмай эгим жунжикадиган бўлиб қолдим. Мен у одамни кундан-кунга ёмон кўриб борардим. Ва мендаги бу кайфият нигоҳларимдами, ҳаракатларимдами ўз аксини топмаслиги мумкин эмасди. Анчадан бери унга ҳеч қанақа гап ҳам етказмай қўйгандим.

Бир куни ўринбосар иккаламиз мухаррирнинг хонасидан чиқиб кетаётганимизда Бозор Симобий:

— Сиз бир дақиқага қолинг, Боқижон,— деди. Эшик ёнидан қайтиб, бир оғиз гапи бўлса эшитаман-у чиқаман, деган ниятда мухаррирга рўпара бўлдим.— Утиринг,— деди у ҳозиргина тарқ этган ўрнимга ишора қилиб. Қандайдир

мухирок гап бўлишни кутиб курсига чўкдим. Бозор Симобий ҳам ўз жойига қайтиб ўтирди-да, тортмасидан сигарета чиқариб, гугурт чакиб тутатди (онда-сонда, айникса, хаяжонланган пайтларида чекиб туриш одати ҳам бор эди унинг), тутундан бир-икки дафъа тортиб, одатдагидек синовчан тикилганича сўради.— Ишлар қалай, Бокижон?

— Яхши, Бозорбой ака, раҳмат,— дедим маъюсроқ кайфиятда. Ўртага бир лаҳзалик жимлик чўкди. Сезиб турардим, Бозор Симобий менга тикилиб ўтирарди ва менинг миямда нималар борлигини билолмай хуноб эди.

— Кейинги вақтда қандайдир ўзгариш сезаяпман сизда?— деди у ниҳоят.

— Нега, Бозорбой ака?— дедим унга хиёл ўгирилиб қараганимча.

— Ўзингиз мендан кўра яхшироқ билсангиз керак,— деди муҳаррир ичига зўриқиб тортган тутунни мен тарафга бурқситиб.— Кейинги кунларда ҳеч қанақа гап ҳам келтирмай қўйдингиз бизга?

— Ўзи ҳеч қанақа гап бўлмапти, Бозорбой ака,— дедим.— Одамлар эҳтиёткор бўлиб қолишганга ўхшайди. Менинг олдимда ҳеч ким гапирмайди, сизни ҳам, тахририятимизни ҳам тилга олмайди. Тилга олади-ю, яхшилик билан тилга олади. Иккаламизнинг яқинлигимизни билса керак-да, одамлар.

— Иккаламизнинг яқинлигимизни биледи денг-а?— Бозор Симобий тугай деб қолган сигаретани қулдонга шундоқ қаттиқ куч билан босдики, олов ўша заҳоти ўчганидан ташқари унинг юкорисида ёниб улгурмаган озгина маҳорка юпка қозни йиртиб ташқарига пирсиллаб отилди. «Эҳтимол ўз кўнглида мени ҳам шундай эзиб қўйишни мўлжаллаётгандир», деб ўйладим ўша тобда.— Иккаламизнинг яқинлигимизга ўзингиз ҳам ишонасизми, Бокижон?

— Албатта, ишонаман-да, Бозорбой ака. Ахир сиз туфайли шу редакцияда масъул котиб бўлиб юрибман-ку.— Бу гапимда бир қадар ёлғон ҳам, ҳақиқат ҳам бор эди. Ёлғонлиги шуки, мен бу одамнинг дўстлигига, умуман бирор кишига дўст бўлаолишига энди ишонмай қўйгандим. Аммо шу одам туфайли масъул котибликка ўтганим ҳақиқат эди. Яна бир гапни айтиб қўяйки, Бозор Симобий тоифасидаги раҳбар ихтиёрида масъул котиб бўлгандан кўра, бошқа яхшироқ раҳбарнинг қўл остида қоровул бўлиб ишлаш афзалроқ эди — бу фикр бир-икки ҳафтадан бери миямда айланарди.

— Бўпти, Бокижон, яна гаплашармиз,— деди Бозор Симобий. Назаримда, гапни бундан ортик чувалантириб ўтиришни лозим топмади у. Ҳар қалай, менинг аввалги Бокижон эмаслигим, онгимда қандайдир жараёнлар кечаётгани ўзимга ҳам, Бозор Симобийга ҳам маълум эди.

... Октябрь инкилобининг ярим асрлик тўйи олдидан Москвада нашр этиладиган рўзномалар ўзларининг айрим сонларини

миллий жумҳуриятлар ҳаётига бағишлаб чиқара бошладилар. Шунга кўра, Ўзбекистонга келган марказий матбуот вакиллари бизнинг таҳририятга ҳам ташриф буюрдилар. Улар саноат ва деҳқончиликка, чорвачиликка оид мақолалар қаторида кичик жанрдаги бир нечта бадний асарнинг сўзма-сўз таржимасини ҳам пойтахтга олакетдилар. Ўша сўзма-сўз таржималар орасида Бозор Симобийнинг учта ҳикояси, менинг битта ҳикоям ҳам бор эди.

Оқорида айтганимдек, бу маҳалларда Бозор Симобий билан менинг ўртамдаги муносабат ўртача даражага, ҳатто ундан ҳам пастроққа тушиб қолган эди. Шунинг учун бўлса керак, олдинлари мени ўз ёнидан жилдирмайдиган муҳарриримиз Қашқадарё вилоятига ишсафарга юборди. Мен ўша вилоятдаги Ғузор районидан келган шикоят хатини бир ҳафта давомида текшириб қайтишим лозим эди.

Бир ҳафта ҳа-ху дегунча ўтиб кетди, таҳририятнинг топшириғини бажариб — ишсафарни ўринлатиб, душанба куни ишга чиқдим. Кўп ўтмай муҳаррир қақираётганини айтишди. Мен ёндафтарни қўлимга олиб (ишсафар ҳужжатларим ҳам унинг ичида эди), Бозор Симобий хузурига кириб бордим.

— Қашқадарёлик ўртоқлардан салом!— дедим муҳарриримиз билан сўрашатуриб баландпарвоз оҳангда.

— Қайси ўртоқлар? Кимлар экан?— деди муҳаррир менга шубҳали тикилиб.

— Маориф ходимлари, яна кўпдан кўп китобхонларингиз,— дедим мен ҳам ҳозиржавоблик билан. «Бозор Симобий ҳозир сафаримнинг қандай ўтганини сўрайди, шикоят хатининг тасдиқланган-тасдиқланмагани билан қизиқади», деган гап ҳаёлимдан кечиб турарди. Аммо мулоқотимизнинг давоми ўйлаганимдан бошқачароқ давом этди.

— Москвада танишларингиз борми, Боқижон?— деб сўради муҳаррир дабдурустан.

— Москвада? Йўқ, Бозорбой ака, қанақа танишларни сўраяпсиз?— дедим. Ишсафаримга, яъни Қашқадарёда бажариб келган ишларимга алоқаси йўқ савол мени гангиратиб, шошириб қўйган эди.

— Қанақа бўлсаям танишларингиз борми-йўқми?— Бозор Симобийнинг нигоҳи жуда жиддий эди.

— Танишларим йўқ, Бозорбой ака,— дедим ҳаёлан ҳеч кимни эсга келтиролмасдан. У шаҳри азимда ростдан ҳам менинг таниш-билишларим йўқ эди.

— Ундай бўлса,— деди Бозор Симобий,— тунов кунги москвалик таҳририят ходимларини меҳмонга чақирмаганмидингиз?

— Йўқ, меҳмонга чақирмовдим,— дедим. Гапнинг очиғи, муҳарриримизнинг нега бунақа саволлар бераётганига ҳали ҳам ақлим етмасди.— Меҳмонга чақирадиган шароитим ҳам йўқ-да, Бозорбой ака, уйим ҳали қорасувокда.

— Мехмондорчиликни ресторанда қилса ҳам бўлаверади, — деди Бозор Симобий.

Мен ҳали гаранг эдим, гапнинг қаёққа олиб бориб тақалаётганини билмасдим. Шунинг учун:

— Мен қаёқдан билай, ҳеч ким айтмади-ку менга, — дедим. — Агар бирон киши ўшаларни мехмон қилайлик, деса ёнига қўшилардим. Қўлимдан келганича харажатга ҳам ёрдамлашардим. Улар биздан хафа бўлиб кетишибдими, Бозорбой ака?

— Хафа бўлиш эмиш-а! Агар сиздан хафа бўлса мана бу сабилингизни босиб чиқаришармиди? — Бозор Симобий столи устидаги газеталардан бирининг охириги саҳифасини рўпарамга жаҳл билан ёзиб қўйди. — Қўнглини топгандирсизки, асарингизни чиқаришади-да, бошқаларникини қолдириб!

Газетага гаранг аҳволда кўз ташладим. Буни қарангки, Москвадаги йирик газетанинг бугунги сониди менинг ҳикоям босилибди! Бордию бошқача шароитда шу воқеадан хабардор бўлсам, қувончимдан бошим осмонга етиши, хурсандлигимга шерик бўлган одамни конъякка, арокка, ҳеч курса, пивога тўйдиришим мумкин эди! Аммо ҳозир хурсанд бўлолмасдим. Мухарриримнинг ичидан қиринди ўтиб кетаяптию, қандай қилиб хурсанд бўлай?!

— Чикибди-да, — дедим ўзимча ичиқоралигини мутлако яширмаётган муҳарриримнинг ғазабини бироз пасайтириш мақсадида. — Чикади, деб ўйламовдим.

— Чикади деб ўйламасангиз, нега уларга бериб юбордингиз?! — Бозор Симобийнинг товуши ҳам, нигоҳи ҳам ғоятда қахрли эди, пешонаси, юзлари ғазабдан лавлагидек қизариб кетган эди. Ишонасизми, қандайдир ютукка эришсангиз-у, табрикланиш ўрнига таҳқирланиб турсангиз, ғалати аҳволга тушар экансиз!

— Устозларники билан бирга чикса керак, деб ўйлабман-да, — дедим кечирин сўраш оҳангида. «Кечирасиз, Бозорбой ака», дедим ҳам бўлдим-у, аммо ғурурим йўл қўймади. Шу тобда тўла ҳис этиб ўтирдим: мен Бозор Симобийнинг кўзига ҳозиргина балчикка ағанаб чиққан тўнғиздан ҳам хунук махлуқ бўлиб кўринаётганим аниқ эди! Лекин, начора чидашга мажбурман-да! Гарчи тўнғиз бўлсам ҳам шу лаҳзаларда ғалаба мен томонда эди!

Мухаррир иккаламизнинг ўртамизда нокулай жимлик чўқди. Шу аснода олти ой аввал бўлиб ўтган бир гап миямдан ялт этиб ўтди... Ўринбосар иккаламиз муҳаррир хонасида суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, Бозор Симобий бир маҳал:

— Боқижон, сиз бирор ҳафтадан кейин Москвага борасиз, шунга тайёр бўлиб юринг, оилангиздагиларга ҳам айтиб қўйинг, — деди.

— Нима муносабати билан... Москвага? — деб сўрадим.

— Кеча марказқўмга борувдим, — деди муҳаррир. — Бўлимдагилар айтишди: масъул котибларнинг семинари бўлар эмиш.

Бахонада пойтахтни би-ир томоша қилиб келасиз. Бирор хафталардан кейин кетсаларингиз керак.

Уша куни уйга кетатуриб Москва сафарининг ўйлари билан банд бўлдим. Бозор Симобий айтган тайёргарлик хусусида ҳам ўйладим. «Тайёргарлик деганда кўп нарсани кўзда тутган бўлса керак муҳарриримиз,— дея хаёлландим ўзимча.— Ёнига ортиқчароқ пул олволишим керак кўни-кўшинидан қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам... Ундан кейин, хикояларимнинг сўзма-сўз таржималарини ҳам йиғиб, битта-папкага солиб олсам-у, Москвадаги нашриётлардан бирига топширсам».

Сўнги ўйдан ўзим ҳам қувониб кетдим, уйга бориб сўзма-сўз таржима қўлёзмаларини йиғишга тушдим. Шулардан кичикроқ бир тўплам чиқар, деган ниятда папкага солдим. Эргасига ўша папкани тахририятга олиб бордим-да, ўйлаганларимни Бозор Симобийга изҳор этдим. «Хар қалай, мени ўзининг шогирдидек кўриб юрибди, ниятимни айтсам у ҳам хурсанд бўлади», деган мулоҳазада эдим ўзимча. Аммо муҳарриримиз менинг ниятимни эшитиб, аллатарзи ахволга тушди: аввал кизарди, сўнгра ранги окарди. «Шундай қилсангиз ҳам бўлади», деди инграгандек.

Бир неча кундан кейин Москва сафарини Бозор Симобийнинг эсига туширдим. Аммо бу гал у ўзининг аввалги айтганига тескарироқ жавоб берди:

— Москвага боргингиз келаяпти жуда, билиб турибман, Бокижон,— деди.— Лекин, тахририятимиздаги ахволни кўриб турибсиз-ку. Сиз кетиб қолсангиз, бир ойгача ишларимиз ўлди-жўлда... дегандай...

Ё тавба! Гапнинг мантигини қаранг! Гўё Москва сафари ҳақида биринчи бўлиб мен гап очган эдим-у, муҳаррир тахририятдаги ахволни ўйлаб менга руҳсат этмаётган эди! «Ахир биринчи бўлиб ўзингиз айтувдингиз-ку», дейишга эса, менда тил йўқ эди. Итининг феъли эгасига маълум, дегандек Бозор Симобийнинг феъли атворини, зарур бўлганда қачондир ўзи айтган гапни ҳам бировга ёпиштириб юборишини яхши биламан-да! Аслида ишхонадаги ахвол ҳам, Бозор Симобий айтганидек, ёмон эмас эди: ҳамма жой-жойида ишлаётган эди. Битта масъул котибининг бир ой кетиши билан осмон ўйилиб ерга тушиб қолмасди. Гапнинг очиги, Москва сафаридан нега қолиб кетганим сабабини ўша қушлари чуқур ҳис этмаган эдим. Мана энди биттагина ҳикоям марказий матбуотда ёритилгани учун қаттиқ танбех эшитаётган онларимда масаланинг моҳиятига тўла етгандек бўлдим. Аслида мен Бозор Симобийдан эмас, ўзимдан хафа бўлишим керак экан! Қалламнинг ковоклигини қарангки, Москвада тўплам чиқарсам, устозим хурсанд бўлади, деб ўйлабман-а! Ахир, бу авлоднинг шу даражада бахиллигини қаёқдан ҳам билай! Эҳ, пишмаган хомкалла!

Марказий газетада чиққан ҳикоям учун Бозор Симобийдан

қаттиқ танбех эшитганимдан сўнг, унинг хонасидан қандай чиқиб кетганим эсимда йўқ. Аммо бир нарсани жуда яхши эслайман: муҳарриримиз ўша куни ҳам, ундан кейин ҳам Ғузорга қилган ишсафарим ҳақида, яъни таҳририят топшириғининг қандай бажарилгани ҳақида мендан ҳеч нима сўрамади. Икки гапнинг бирида, иш учун жонимизни жабборга бериб юрибмиз, дейдиган одам вақти келганда ишни эсидан ҳам чиқариб қўйиши мумкин экан.

Шу воқеадан кейин ўринбосар иккаламининг Бозор Симобий хонасида узок-узок ўтиришимизга ҳам барҳам берилди. Бир жихатдан шуниси яхши эди мен учун: ахир ўзингиз ёқтирмаган одам ҳузурда диккинафас кайфиятда ўтираверишнинг нима кераги бор? Шу бекор ўтган вақтда қандайдир мактубни ўқишингиз, таҳририят учун ё ўзингиз учун бир неча сатр нарса ёзишингиз ҳам мумкин-ку. Лекин, Бозор Симобий деганимиз ходимларнинг бемалол ўтириб бирор материал ёзишига ҳам, ижод қилишига ҳам имкон бермасди. Айниқса ёмон кўриб қолган одамининг жиғига тегаверишга жуда устаси фаранг эди барака топгур! Мабодо ўша одамнинг берилиб ишлаётганини сезиб қолса борми, йўлини топиб, кайфиятини пачава қиларди — ишининг белига тепарди, жуда иложини топмаса, ўша хонага кириб олиб, гап бошларди, хатто ишхонага бирор иш билан келганларни ҳам ўша ерда қабул қиларди, ярим хазил-ярим чин гаплар билан уларни қузатиб қўяверарди. Хонангизга муҳаррир кириб олиб аския-бозлик қилса ёки бачкана гаплар айтиб хингиллаб ўтирса, жуда бўлмаганда келган-кетганларни рўпарангизда кутиб олса, қани бирор сатр материал ёзиб кўринг-чи! Ҳар қандай афлотун ҳам ёзолмаса керак дейман.

Буниси ҳам майлию, Бозор Симобий ўша кунлари авваллари кўрилмаган рангларда товланиб-тусланиб борарди. У тез-тез мажлис чақирарди, исми шарифини аниқ айтмасдан кимларнидир савалаб танкид қиларди, таҳририятда асосий йўналишга қарши турган қандайдир гуруҳбозлик (группировка, оппозиция деган сўзларни қўлларди) борлигини жаҳл билан қайта-қайта такрорларди.

— Билиб юрибман, айрим ўртоқлар бирлашиб, кристаллашиб бораётдилар, редакциямизда группа шаклланаёпти, — даярди Бозор Симобий ғазабини қаерга сиғдиришни билмасдан. — Группа тузадиганлар билиб қўйсин, бизга қарши тузиладиган группанинг бошини шун-док қайириб узиб ташлаш қўлимиздан келади!

Бундай пайтларда ҳамма индамай ўтирарди, айримлар «группа тузганликда» гумонсираб бир-бирига қараб ҳам қўярди. Муҳаррир ўринбосари ва менга ўхшаганлар эса, Бозор Симобийнинг бекордан бекорга жаҳлига эрк бериб, ўзининг ҳам, бировларнинг ҳам асабига тегаётганидан ачинардик. Чунки таҳририятда асосий йўналишга ёки айтайлик муҳаррир-га қарши гуруҳ бор деб ўйлаш ўта қалтабинлик ва ман-



тиксизлик эди! Бизнинг жамоани қўяверинг-у, «куда томон»нинг одами, яна Шароф Рашидовнинг ишонган сўянчиқларидан бири бўлган Бозор Симобийга қарши гуруҳ тузолмасди...

Аслида, муҳарриримизнинг бундай сержаҳл бўлиб бораётганининг сабаби, менимча, ўзи белгилаган «агент»ларнинг садоқатсизлигида эди. Яъни Бозор Симобийга у ер-бу ердан бўлар-бўлмас гап «териб» келадиганларнинг камайиб кетаётгани уни тинимсиз безовта қилаётган эди. Мен анчадан бери ўз ихтиёрим билан ўйиндан чикиб кетдим, муҳаррир ўринбосари ҳам, иккаламиз хуфя маслаҳатлашиб олганимиздан кейин, виждонига хилоф иш қилмай қўйди. Бошқалар билан бу ҳақда гаплашганимиз йўғ-у, ҳар ҳолда, Бозор Симобийга садоқат билан «хизмат» қилаётган одамлардан асосан Воҳиджон Бакиров қолган эди.

Бозор Симобий навбатдаги йиғилишлардан бирида шундай деди:

— Мен бир нарсага хайронман, ўртоқлар! Нима учун редакция ходимларининг барчаси бир жойда тушлик қилиши керак? Нега бўлиниб-бўлиниб кетиш керак эмас? Нима, ҳаммаларингизнинг ошқозонларингиз бир хилми? Бугундан эътиборан буюраман: ҳар ким ҳар хил жойда овқатлансин — биров ошхонада, биров чойхонада, яна биров лағмонхонада ва ҳоказо. Гурпуна бўлиб овқатланишга чек қўйилсин! Ходимларнинг бир-бирлари билан кристаллашишларига, ошна-оғайни бўлиб кетишларига йўл қўйилмасин! Бу иш редакциямизни чиритишга...

Муҳарриримиз шу сўзларни айтаётганда ўзимни тутиб туролмадим, Бозор Симобийнинг овозига таклидан:

— Йўқолсин аҳиллик! — деб юбордим.

— Жуда тўғри айтасиз, ўртоқ Бокижов, йўқолсин аҳиллик! — Бозор Симобий менинг овозимдаги кинояни жуда яхши англаган эди ва, ўз ўзидан маълумки, танасидаги ғазаб алангаси яна ҳам ловуллаб ёнабошлади. — Аммо, билиб юрибман, ана шу аҳилликнинг бошида, кристаллашишнинг бошида сиз турибсиз!

— Нималар деяпсиз, Бозорбой ака?

— Лўттибозлик қилмай қўяқолинг! Бизнинг лақиллатишга ҳали ёшлиқ қиласиз! Ҳозирги шиорни сиз энг аввало ўзингизга айтинг-да, сўнгра бошқа ҳамфикрларингизга тарқатинг! Очироқ айтиб бўлмай, биз билан ишлаганингиз келмаса, ариза ёзинг-да кетаверинг! Ўзи аслида маъсул котибликни ҳам қойиб қилаётганингиз йўқ! Командировкада ҳам бир тийинлик иш қилмай қайтиб келдингиз!

— Ахир мендан бир оғиз ҳам сўраганингиз йўқ-ку, — деб юбордим муҳаррирининг мутлақо ноҳақ, ёлғон гапирётганига чидаёлмасдан, — топшириқни қандай бажариб келганимни қаёқдан биласиз?

— Хавотирланманг, жуда яхши биламиз! — Бозор Симобий энди кесатикли, кинояли сўзларди. — Борган жойингиздан

шикоят хати ҳам келди аллақачон! Бемаъни ишлар қилиб келган экансиз!

— Кўрсатинг ўша шикоятни! Тухмат қилманг!

— Кўрсатамиз, парво қилманг, керакли жойда кўрсатамиз!

Бозор Симобий яна анча гапирди, устимга ёлғонлар, уйдирмаю бўхтон гаплар ёғдирди. Йиғилишда иштирок этаётган айрим ходимлар эса, муҳаррир билан масъул котибнинг ораси шунчалик тез кунлар ичида бузилиб кетганидан хайрон эдилар.

\* \* \*

Шунча тортишув, борди-қелдидан кейин Бозор Симобий билан битта жойда ишлашим мумкин эмасди. Ўйлаб-ўйлаб ҳикояларимни таҳририй жиҳатдан кўриб берадиган устозим Саҳоб Дўстматовнинг ёнига маслаҳатга бордим.

— Бизнинг редакцияда кичикроқ бир ўрин бор,— деди устозим.— Мен муҳарриримизга айтиб кўраман, йўқ демас. Лекин, масаланинг бошқа томонини ўйлаб турибман. Сиз ҳозир қаерга жойлашаётганингизни билдирмайсиз, ариза ёзиб ишдан кетаверасиз. Чунки, Бозор Симобийнинг аблаҳлигини мен ҳам биламан-да. Бизга қираётганингизни унга билдириб кўйсангиз, қандай қилиб бўлса ҳам йўлингизга тўғанок бўлади. Гапимга тушундингизми?

— Ҳа, тушундим.

Ҳамма иш устозим Саҳоб Дўстматов айтганидай бўлди: Бозор Симобий ишдан кетиш ҳақидаги аризамга имзо чеккан куни янги таҳририятга ишга кириш учун ариза ёздим. Устозим Саҳоб Дўстматовнинг ёнида ишлаб юравардим.

Йиллар ўтиб борарди. Бозор Симобий ҳақида, унинг ишхонасидаги қийин-қистоклару бир нечта ходимнинг юқорига шикоят хати ёзганлари ҳақида миш-миш гаплар юрарди. Кунлардан бир куни Симобийнинг ишдан бўшатилигани, қандайдир қилмиши учун суянчиғи Шароф Рашидов ҳам уни ёқтирмай қолгани ҳақида гап тарқалди. Гўёки ҳозир Бозор Симобий бекор юрган эмиш. Лекин, гапнинг очиги, бундай хабарларни эшитиб хафа ҳам бўлганим йўқ, хурсанд ҳам бўлганим йўқ. Аммо уни ҳар замонда — йилига бир мартами, икки мартами кўриб қолардим. Шундай пайтларда худонинг қарз саломини бериб ўтиб кетаварардим.

### ЕМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ

Кунлардан бир куни кекса ёзувчи Нажим Зуфаровнинг бетоблигини эшитиб, уйига кўргани бордим. Сўнги йилларда Нажим оға ёшларга меҳрибонлиги, йиғинларда уларнинг ёнини олиб гапириши, айримларнинг асарларини ўқиб, яхши маслаҳатлар бериши билан ном чиқарганди. Шахсан менинг Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб қираётганимда ҳам шаънимга

илик сўзлар айтганди Нажим оға. Ҳар қалай, бошқалар қатори мен меҳрим тортиб онда-сонда бўлса-да, у киши билан учрашиб турардим. Бугун ҳам домлани зиёрат этишни, агар тузалиб қолган бўлса, бироз суҳбатини олишни кўнглимга тугиб қўйгандим...

Дарвоқе, бир нарсани айтиб қўяй. Ҳурматли китобхонлар, энди бу одамнинг Бозор Симобий хусусидаги гаплари тамом бўлибди, шекилли, бошқа мавзуда сўз бошлаб юборди, деб ўйламасинлар. Мен мавзудан бутунлай чекинганим йўқ ҳали ва бу бобдаги воқеалар ҳам қандайдир тарзда Бозор Симобийга бориб такалади. Яна бир мулоҳаза шуки, Бозор Симобий билан иккинчи марта бирга ишлашгунимизгача ўтган ўн уч-ўн тўрт йиллик оралик давр ҳақида бир оғиз ҳам сўзламасам инсофдан бўлмас. Ахир Бозор Симобий ҳам тирик юрган жонку, инсон-ку, шунча йил давомида бирор ишга қўл ургандир. Қисқаси, ваъда бераман: бу бобдаги ҳикоя ҳам Бозор Симобийга алоқадор бўлади.

Шундай қилиб, Зуфаров домланинг ҳовлисига кириб бордим. Нажим оға худди ўзим ўйлаганимдек бир неча кунлик муолажадан кейин анча ўзига келиб қолган экан. Ҳовлида мени келинойи кутиб олди, кираверинг, домлангиз уйдлар, деди. Эшик чертиб, хонага кирганимда Нажим оға креслога суйанганича телевизор кўриб ўтирарди. Томошага қизиқиб кетгани туфайли жилмайганича, ўрнидан кўзгалмасдан қўл узатди.

— Келинг, Боқижон!

— Яхшимисиз, устоз? Бироз тобингиз қочибди, деб эшитдим. Энди дурустмисиз?

— Яхшиман, раҳмат!— деди домла.— Мановини кўриб олайлик, кейин гаплашамиз.

Нажим Зуфаров телевизорга эътиборимни тортди-да, ёнидаги креслога ишора қилиб, ўтиришга таклиф этди. Экранга тикилганимча уй эгаси кўрсатган жойга чўкдим. Ҳажвий миниатюраларнинг биттаси тугаб, навбатдагиси бошланди... Институтнинг кекса домласи сиртки курс талабаларидан имтиҳон оларди. Жавоб беришга тайёрланиб ўтирганларнинг сўнггиси — ёш аёл домланинг қаршисига келди. Аммо жавоб бериш пайтида гапи гапига қовушмади. Домла толибанинг билимини синаб кўриш мақсадида бир нечта савол берди. Саволларнинг жавоби ҳам пойма-пой бўлди, домлани қониқтирмади. «Энди сизга қанака баҳо қўйсам экан-а, қизим?» деди боши қотиб қолган домла. «Беш қўясиз-да, домлажон», деди аёлгина. «Баҳонгиз беш ҳам, тўрт ҳам эмас, икки, қизим». Домла синов дафтарчасини олиб, баҳо қўйишга чоғланаётганда аёл сумкасидан миҳ ва болғача олди-да, миҳни деворга қоқа бошлади. Домла хайрон бўлиб ундан сўради: «Нима

килаяпсиз, қизим?». «Ўзимни ўзим шу ерда осмоқчиман, домла». «Нега?» «Менга икки баҳо қўймоқчи бўлаяпсиз-ку». Домла хавфсираб, қўрқиб қолди. Бу орада аёл сумкасидан ингичка аркон чиқариб миҳга илабошлади. «Бу шаштингиздан қайтинг, қизим, ўз жонингизга қасд қилманг. Мен сизга уч баҳо қўйиб бераман». «Ўзимни осаман, уч баҳонгиз ҳам, тўрт баҳонгиз ҳам керакмас. Фақат беш қўйсангиз, шаштимдан қайтаман». Домла афсус билан бош чайқади-да: «Майли, қизим, мени ҳам, ўзингизни ҳам маломатга қолдирманг, на илож, сизга беш қўйишга розиман. Туф, туф, фалокатингиз ўзингиз билан кетсин-е! Сизни деб бирон балога гирифтор бўлиб юришга кимнинг тоқати бор?!» Домла айтилган баҳони қўйиб, синов дафтарчасини аёлга узатди. Аёл уни олди-да, миҳга боғланган арконни ечиб, болғача билан сумкасига жойлаштира бошлади. «Арконни ташлаб, кетаверинг, қизим, беш қўйиб бердим-ку», деди домла. «Ҳо, зарил кептими, ҳали учта имтихоним бор», деб жавоб берди аёл домланинг хузуридан чиқиб кетаркан.

Креслода ўтирган Нажим Зуфаров ёйилиб қолди-да, менга ўгирилиб:

— Оббо қурғур-ей, худди Симобийга ўхшаб ўзини осмоқчи бўлди-я,— деди.— Суллохлигини каранг-а. Бунақалар ўз фойдасини деб ҳеч нимадан қайтмайди.

— Ие, Симобий ҳам шунақа иш қилганмиди?— деб сўрадим хайрон бўлиб.

— Ҳа, анча йиллар бўлиб кетди бу гапга. Ишдан бўшатилиб, бекор юрган пайтлари эди. Ҳозир эсига солсангиз, жириллаб аччиғи келади.

— Уялса керак-да?

— Э, уят борми унда. Ўз манфаати учун ҳар қанақа пасткашликка ҳам боради у фалокат.

Мен кимсан Бозор Симобийнинг ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганини тасаввуримга сиғдиролмасдим. Ахир, ўзини шу қадар яхши кўрадиган одам қандай қилиб? Мен воқеанинг ахдодига етмоқ учун ўсмоқчиланганнамо гап қилдим:

— Худо бир асраган экан-да бечорани. Бўлмаса ҳозир ўзбек маданияти Симобийсиз қолар экан-да.

— Бе, қаёқда... Ҳалиям содда экансиз, Бокижон.— Нажим Зуфаров телевизорни ўчириб, креслосини мен томонга озгина буриб ўтирди.— Унақалар икки дунёда ҳам ўзини ўзи осмайди. Бу ишларнинг ҳаммаси — унинг тулкилиги, ҳа. Таъмагирлик билан ўйналган ўйин. Аввал ўзи сценарийсини ёзган-да, кейин ролга кирган. Менинг раҳимини келтириш учун қилганини ўша пайтдаёқ кўнглим сезувди.

— Нега раҳмингиз келиши керак эди унга?— дедим сабабини тушуниб олиш мақсадида.

— Ҳозир айтиб бераман,— деди домла ва келиннинг дамлаб киритган бир чойнак чойни шопиратуриб во-

кеани бир бошидан сўзлади. — Уша куни ишга жўнаш олдида соколимни қираётган эдим. Тўсатдан дарвозанинг кўнғирогига чалинди. Чиқиб қарашга улгурмасимиздан дарвозанинг кичкина эшиги очилиб, қандайдир хотин сочлари бироз тўзғиган ҳолда ховлига кирди.

— Тезроқ юринг, домлажон, Бозорбой укангиз ўзини ўлдирмоқчи, — деди аёл ҳаллослаганича югуриб ёнимга келар экан. Сочлари тўзғиб кетган аёлни яқин келганида аранг танидим, Симобийнинг хотини эди. Бейхтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

— Ҳа, нима бўлди, келинпошша? — деб сўрадим аёлдан.

— Тезроқ юринг, укангиз ўзини осмоқчи, — Симобийнинг хотини хўнграб йиғлашга тушди. — Вой, худо-ей, энди бу кун ҳам бормиди менинг бошимга. Домлажон, тезроқ юринг, сиздан сал ҳайикади. Гапимга кирмаяпти. Юринг, ўзини бир бало қилиб қўймасин, кечикиб қолмайлик.

Шу пайт янгангиз ошхонада сут пишираётувди, ичкарида турганича овоз берди:

— Ҳадеб суриштиравермасдан тезроқ боринг-да энди. Боргунингизча ўзини ўлдириб қўймасин. Тириги ҳам бир бало, ўлиги ҳам, дегандай бўлмасин. Мунчаям бепарвосиз?!

Шу гапни эшитдим-да, саволу мулоҳазани йиғиштириб йўлга тушдим. Мен олдинда, Симобийнинг хотини орқада, қатор ховлилар ёнидан лўкиллаб кетаяпмиз. Ўзингизга маълум, Симобий шу маҳаллада, ўнтача уй нарида туради. Кўнғим алағда: Симобийнинг осилиб турган гавдаси кўз олдимга келади. Ҳарсиллаб бораёпману бот-бот ўрқамда югуриб келаётган хотинига савол ташлайман:

— Ҳали ўзини осиб қўймаганмикин?

— Билмайман, домла.

— Қаерга осмоқчи ўзини?

— Дарахтга осмоқчи. Қанча йиғласам ҳам сўзимдан қайтмайман, дунёга тўйдим, деяпти.

— Аркон қўлида туриптими, дарахтга илинганми?

— Бир учини дарахтга боғлаган, бир учи қўлида. Вой, худойим-ей, шарманда бўламанми-а?

— Пичоқ борми?.. Пичоқ юзадами, келинпошша? — дейман хаёл билан. Бордию хозиргина ўзини осган бўлса, арконни кесиб юбормоқчиман-да ўзимча.

— Пичоқни нима қиласиз, домла? — деб сўрайди Симобийнинг хотини ўпкаси оғзига тикилгудай ҳарсиллаб.

— Ахир, келинпошша, осилиб ётган бўлса, арконни кесиб юборишга пичоқ керак бўлади-да.

— Аввал етиб олайлик, пичоқ топиб бераман, домлажон, — дейди бояқиш аёл.

Нихоят Симобийнинг дарвозасига рўпара бўлдим. Темир дарвозанинг кичкина эшиги очик экан. Ишонасизми, дарвозанинг тўппа-тўғрисида, ховлисининг этагида ўсган олма тагида турарди Симобий деганимиз. Арконнинг бир

учи, хотини айтганидай, дарахтга боғланган, иккинчи учи қўлида. Бамисоли ўзини осишга киришиш учун бировнинг ёрдами кутаётган одамга ўхшаб кўзлари жовдираб турарди. Аниқроғи, Симобий менинг келишимни кутарди. Хотини билан Симобий орасида борди-келди гаплар ҳам бўлган шекилли, бир ёнидаги қўшнисининг икки боласи «антика амаки»нинг ўзини ошишини томоша қилмоқчи бўлишгандек, девор ортидан бош чиқариб туришарди. Симобий мен билан хотинининг олдинма-кейин кириб бораётганимизни кўрди-да, хотинига ўшқирди:

— Сен мегажиннинг дастидан ўзимни ўзим осолмайман ҳамми? Ҳа, ярамас! Нега ховлига одам тўплайсан?— Унинг туришида, гап-сўзларида қандайдир сунъийлик, атайинлик, бачканалик сезиларди.

— Тезрок бориб, таъзирини беринг, домлажон,— деди менга Симобийнинг хотини соддалик билан.— Хайрият, ҳали ўзини осмабди. Арконни қўлидан тортиб олинг-да, би-ир уришиб беринг.

Мен, худди унинг хотини айтганидай, ҳаллослаганимча бордим-да, қўлидан арконни тортиб олиб, ўзини ён тарафга итариб юбордим. Аркон дарахтга яхши илинмаган экан — юқори қисми ҳам пастга шалоплаб тушди.

— Нима жин урди сизни, Бозорбой?! Ҳе, одам бўлмай кетинг. Емоннинг бир қилиги ортик дегандай, бу нима номаъкулчилик? Сизни қутқараман деб ўпқадан ўпка қолмади, ўзим эндигина тузалувдим. Ҳе, садқаи одам кетинг!

Симобий йиқилгудек гандираклаб кетдию ўзини аранг тутиб қолди. Лекин, ҳали ҳам ниятидан қайтмаган одамга ўхшаб арконни қайтадан қўлга олиш учун атайин чиранарди:

— Халакит берманг менга, Нажим ака. Барибир ўзимни ўлдираман! Илтимос, менинг ишимга аралашманглар. Дунёдан тўйган одамман,— Симобий мендан орқарокда нима киларини билмай турган хотинига юзланди.— Сен мегажинга, ховлига одам йиғма, демабмидим? Ҳали ҳам ўша гапим: ҳаммани чиқариб юбор-да, дарвозани қулфла. Мен, барибир, ўзимни ўзим ўлдираман. Нега Нажим акамни чакириб чикдинг бу ёққа, ярамас?

Хотини бояқиш соддалик билан сўзларди:

— Ахир ўзингиз... айтдингиз-ку, домлани...

— Мен айтдимми? Ҳа, калланг қурсин! Содда бўлмай ўл! Мен айтдимми, домлани чакиргин, деб?— Симобий хотинига ғазабини сочиб, кўзидан ўт чакнаб ўдағайлар эди.— Ҳа, ярамас нусха!

Бу ишда қандайдир лўттибозлик борлигини кўнглим сездида, асабим кўзиб, жаҳлим, чикди:

— Менга каранг, Симобий!— дедим.— Хотинингизга ўдағайлашни бас қилинг! Ўзи нима гап?!.

— Ҳаммасига мана шу мегажин айбдор,— дея яна хотинига жаҳлдор кўзларини қадади Симобий.— Мени жонимдан тўйдирди шу ярамас.

Хотини бояқиш шармандалигу таҳқирларга чидай олмасдан кўзида жикка ёш билан бурилиб, уйга кириб кетди.

— Яхшимас, мулла Бозорбой,— дедим овозимни бир бахя пастга тушириб. Бу орада бир-икки одим ташлаб унинг ёнгинасига бордим-да, сўзимни давом эттирдим.— Одам ҳам шунча енгилтак бўладими? Шундай мунис, мунглиг хотинингиз сизга қандай қилиб азоб бериши мумкин? Шундай гапирингки, эшитган одам ишонсин, ука.

— Э, Нажим ака, билмайсиз-да буни,— деб яна хотинини яний бошлади Симобий қурғур кўзларини ўйнатиб.— Кўриниши содда бўлгани билан жонимнинг эгови бу!

— Қанақасига эгов экан у? Соддаин сабил бўлиб йиғлаб турибди-ку? Хўш, нима дейди ўзи? Қандай қилиб азоб беради сизга?

Симобий қурғур артистлик билан кўзларини ерга қадади-да:

— Э, айтгани уяламан, номус қиламан, Нажим ака,— деди.

— Шундай пайтда айтмасангиз қачон айтасиз? Менга айтмасангиз кимга айтасиз?— дея қаттиқ туриб олдим мен ҳам.— Ахир номус қиладиган даражада эмасдир-ку. Нима дейди ўзи?

— Биласизми, Нажим ака, ишдан бўшаганимдан бери кулоғим тинчмайди.— Симобий ўзини ҳасратидан чанг чиқадиган одамдек кўрсатишга уринарди.— Ҳар кунги гингир-гингир, мингир-мингирлардан безор бўлиб кетдим. Безор бўлганингиздан кейин, ўлсам ўлиб кетаколай деркансиз-да. Шундай қарорга келсам-у, мана кўрдингиз, тинчгина ўлишга ҳам кўймайди бу ярамас.

— Нима дейди ўзи?— деб сўрадим яна тоқатим тоқ бўлиб.— Мингир-мингирлари нимадан иборат?

— Э, ака, билмайсиз-да, бу ярамаснинг кўриниши содда бўлгани билан гапларига илон лўст ташлайди.— Симобий ўзини дўзах азобида кийналаётган мурда қиёфасига солиб бошини чайқаганча гапини давом эттирди.— Бекор юриверасизми, дейди. Баландрок иш сўранг, министрға чиқинг, ундан каттароғига чиқинг, Шароф Рашидовга чиқинг, дейди. Ахир мени, эплолмадинг, деб ишдан бўшатишди, десам ҳам кўнмайди. Бекорчи эр билан яшамайман, дейди. Ҳа, ишонасизми, ака, худди шундай дейди.

— Наҳотки?

— Ҳа, рост, Нажим ака?— дея гапини давом эттирди Симобий. Биз гап орасида охиста одимлаб, ошхона ёнида турган иккита курсига ўтириб олдик.— Министр ҳам, бошқалар ҳам менга энди мартабали иш бермайди, десам ҳам кўнмайди. Сизнинг номингизни ўртага солиди. Нажим доғлага чиқиб айтнинг, танишлари кўп, Шароф Рашидович

хам ҳурмат қилади у кишини, дейди. Ўзингизга яраша иш топиб берадилар. дейди. Ҳой, ноинсоф, хадеб у кишига чиқавераманми, юзим чидамайди, десам ҳам, қаёқда... Ҳе, хотиннинг ёмони — жоннинг азоби экан, Нажим ака. Дўзах десангиз ҳам бўлаверади.

Симобий курғур ўзини ғариб-ғурабо кўрсатиб ух тортиб қўйди. Мен унга бир муддат тикилиб турдим. Унинг устидан кулишимни ҳам, ундан хафа бўлишимни ҳам билмасдим.

— Дардингизга тушундим. Бозорбой,— дедим ниҳоят жилмайганимча.— Бунақа аркону дов-дастгоҳ қилиб, ўзингизни осийингизни маҳаллага эълон этиб, келин бечорани ёмонотликка чиқармасдан ҳам шу ниятингизни айтаверсангиз бўларди-ку. Бўпти, яна бир марта ўртага тушамиз, ўртоқларга айтиб, мартабалирок иш топтириб берамиз.

Шу гапимдан кейин Симобийнинг чиройи очилиб, чеҳраси ёришди. Юзсизлигини қарангки, дарҳол мени кази-картаю конъяк билан меҳмон қилмокчи ҳам бўлди. Мен узр айтиб уйга қайтдим.

Нажим ака ҳикоясини тугатиб, ўрнидан турди. Иккаламиз олдинма-кейин ҳовлига чикдик. Ток сўриси остидаги стол атрофида суҳбатимизни давом эттирдик.

#### ЧУЧҚАДАН БИР НУСXA

Баъзан ўзимча хаёлга берилиб, ваҳима билан мушоҳада юритаман: яхшиямки Бозор Симобий ўшанда ўзини бир бало қилиб қўймаган экан! Агар ўзини осиб қўйганида шу воқеа туфайли жамиятимиз жуда катта зарар кўрарди-да! Ҳа, ишонаверинг. Ишонмасангиз, гапимни исботлашга ҳаракат қиламан. Аввало, бир бандаи мўъмин ўз ажалидан беш кун олдин нариги дунёга жўнаворарди. Айтайлик, замондошлар бу кўргуликка ҳам чидашлари мумкин эди, ахир ҳар қандай инсон ҳам қачондир ўлади, шундай бўлгандан кейин Бозор Симобий деганимиз ҳам ўшаларнинг бири-да! Аммо у одамнинг тирик қолганига шукрона айтаётганимнинг яна бир энг муҳим сабаби бор. Гап шундаки, мабодо Бозор Симобий ўша — ўз жонига қасд қилган ажойиб кунда ўзи ўйлаган сценарийдан чиқиб кетиб ёки эҳтиётсизлик қилиб, бўйнига аркон солсаю оёғи остидаги тошними, ғиштними ёки курсичаними тепаиб юборса борми, хай-хай, худо кўрсатмасин, Сталин даври етиштириб берган ноёб нусхалардан бирининг ҳаёти чўлтоқ бўлиб қолардия! Ва, қасам ичиб айтишим мумкинки, у ҳолатда мазкур асарни ёзиш менинг хаёлимга ҳам келмасди. Ҳа, ишонаверинг, Бозор Симобий фалокат босиб дорилбакога барвақтроқ кетиб қолганида, ушбу китобнинг ёзилмаслиги аниқ эди! Яхшиям ўлиб қолмага-



ни, акс ҳолда менга ҳам, хурматли китобхонларимга ҳам кийин бўларди. Айниқса мен икки тарафлама — ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан зарар кўраддим. Очқирок айтиб кўяколай: фалончи шундай асар ёзибди, деган шухратдан ҳам, анча-мунча қалам ҳақидан ҳам махрум бўлардим! Китобхонларим эса, шу ёруғ оламда Бозор Симобий деган бир бандани мўъмин яшаб ўтганидан бехабар қолаверардилар. Олдо таолонинг марҳаматини қарангки, ҳаммамизнинг бахтимизга Бозор Симобий омон колди!

Аммо-лекин, бошқа бир гапни ҳам айтиб кўяй. Ҳаётда масаланинг иккинчи томони, таъкинийг иккинчи учу, дейиладиган нозик нуқталар ҳам бор. Яъни, масалан, таъкидламоқчиманки, феъли-атворингиз келишолмай қолган, бора-бора жонингизга тегиб, ўз аризангизга мувофиқ аранг қутулганингиз раҳбарга қачондир яна дуч келсангиз-у, қайтадан унинг кўли остида ишлаган бўлсангиз, менинг аҳволимни тушунишингиз мумкин! Ҳа, ишонаверинг, қодир худо мени Бозор Симобий билан яна бирга ишлашга мушарраф этди! Қадимги машойиқлар, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам кўша-кўша келади, деб хўп билиб айтган эканлар-да.

Устозим Саҳоб Дуъматов ишлаётган таҳририятга ўтиб кетганимни олдинроқ айтган эдим. Уша ерда ишлаб, кўлимдан келганича бир нималардан беш-чазиб, қисқаси, ўз аравамни ўзим тортиб юравердим. Йиллар ўтаверди. Бу орада Бозор Симобий, қандайдир қилмишлари учун мансабидан мосуво бўлди, сўнгра яна кимларнингдир кўмагида (эхтимол Нажим Зуфаров домланинг ҳам ёрдами теккандир) мартаба эгасига айланди. Тагин бир-икки йилдан кейин қарабсизки, бизнинг муҳарриримиз бошқа ишга ўтиб кетдию, ўрнига Бозор Симобий тайинланди. Уша кунлари айрим таниш-билишларим: «Ана, ҳар қанча қочсангиз ҳам Бозор Симобий орқангиздан қувиб келадиган бўпти-да», деб менинг ҳардамхаёл аҳволимдан қулиб юришди. Мен эса, ўзимча юқори идоралардаги раҳбарлардан хафа бўлардим. Ахир бирор ташкилотга бошлиқ тайинлашдан аввал ўша жойдаги иқлимни, ходимларнинг фикр-мулоҳазасини наҳотки жиндаққина ўрганиш мумкин бўлмаса?! Мени-ку кўяверинг, орқаворотдан эшитилган гаплар бўйича бўлса-да, билардимки, Бозор Симобийни таҳририятимиздагиларнинг аксарияти ёқтирмасди. Бироқ ҳеч ким бу вазиятни ҳисобга олмади. Марказ-қўмдан бир вакил келиб, янги муҳаррир Бозор Симобийни жамоамизга таништирди, гап орасида: «Шароф Рашидович таҳририят аҳлига салом йўлладилар», деди. Шу билан Бозор Симобийни бизга раҳбар этиб — кўнқайтириб кетди! Партиямиз раҳнамолигида шу тарика янги раҳбарга эга бўлдик!

Тахририятимиздаги барча ходимлар катори мен ҳам янги мухаррирга рўпара бўлганимда жилмайганимча сўрашиб юравердим. Чунки, ҳар қанча ёмон кўрган одамнинг билан ҳам сўрашганимда чет эл дипломатларига ўхшаб тиржайгин, деган қоидага амал қиламан-да! Бу қоида менга, илгари бирга ишлашганимизда Бозор Симобийнинг ўзи ўргатган! Аммо, гапнинг очиғи, оғзим, тиржайгани билан кўлим ишдан совуган эди, ўз кўнглимда дов-дастгоҳимни, тахта-ўқлоғимни йиғиштириб — бу тахририятдан бошқа томонга жуфтак ростлашни мўлжаллаб юрардим...

Бозор Симобий мухаррирлигининг учинчи куни унинг хузурига ариза кўтариб кирдим.

— Ҳа, нима бўлди, биз билан ишлашгингиз келмаяптими, Бокижон? — деди у аризамни ўқийтуриб.

— Районга кетмоқчиман, Бозорбой ака, — дедим ёлғондан, — чол-камбирнинг ёнига. Улар қариб қолишди...

— Йўқ, ишонмайман, бахона қилаяпсиз, — деди у. — Сизга жавоб бермайман. Мен бу ерга келаётганимда, сизга ўхшаган кадрдонларимга суяниб ишлайман, деб ўйлаганман. Эски гапларни унутинг, мен сизнинг ёмон одам эмаслигингизга амин бўлганман. Ўзингиз ўйланг, келганимга бирор ҳафта бўлмасдан масъул котиб кетиб қолса (бу жойда ҳам шу вазифага ўтган эдим яқинда) мен нима деган одам бўламан? Кетмайсиз, жавоб йўқ!

Ноилож аризамни қайтариб олиб чиқдим. Ўз хонамга кириб борар эканман, қачондир эшитганим киноявий-мажозий ҳикмат эсимга тушди: илоннинг ёмон кўрган ўти уясининг оғзида ўсармиш. Ўзимча жилмайдим. Ким билади дейсиз, агар Бозор Симобий илон бўлса, мен унинг уяси олдида ўсган ўт эдим. Еким аксинча — мен илон эдим-у Симобий менинг ёмон кўрган ўтим эди! Лекин на илож, ҳаётий мантикка қарши бориб бўлмас экан-да: илон ҳам яшайвериши керак, ўт ҳам ўсавериши керак.

Шу мулоҳазаларни кўнглимдан кечирдим-да: «Қани кўраверайлик-чи, бу ёғи қандоқ бўларкин», дедим ўзимча. Дастлабки ҳафталарда одатдан ташқари гаплар юз бермади, десам бўлади. Янги мухаррир жамоамиздаги одамлар билан танишди, тахририятимизнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганди. Ҳамма билан мўътадил гаплашарди, давлат ҳисобидан бўлса-да, қимларгадир меҳрибонлик, сахийлик ҳам кўрсатарди. Бунақа муомалаю иш юритишнинг вақтинчалик рўе эканлигини мен савқи табиий равишда ҳис этардим. Бу ўринда Симобийнинг анча кексариб, беда-набозлар ибораси билан айтганда, ростакам туллакка айланиб қолганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керақ. Эҳтиёт бўлиб, ҳамма нарсанинг ҳисобини олиб ҳаракат қилиш лозимлигини билади-да у тулки!

Мухаррир бўлиб келганининг иккинчи, учинчи ойлариди Бозор Симобий устозим Саҳоб Дўстматовни ишдан кетказди. Улар кўпдан бери бир-бирларини ёқтирмас эканлар (Жамоамизда Саҳоб Дўстматовдек ракиби борлиги учун ҳам менинг кетишимга руҳсат этмаган бўлса ажаб эмас). Шу боисдан бўлса керак, Саҳоб Дўстматов мардона иш тутди: муҳаррир билан олишиб-тортишиб юрмади, аризани ёздию бошқа таҳририятга ўтиб кетди. Бозор Симобий унинг ариза кўтариб кирганини кўриб, ғоятда хурсанд бўлди, дарҳол имзо чекди. Аслида Саҳоб Дўстматовдек уста таҳрирчи қаламкашнинг таҳририятимизга жуда зарурлигини жамоамиздаги ҳамма ходимлар яхши билардилар. Бозор Симобий иш манфаатини, таҳририят манфаатини кўзлаганида Саҳоб Дўстматовдек уста таҳрирчини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиларди. Кўрдингизми, бу авлод ўзи шунақа-да, хамиша шахсий манфаат, шахсий хусумат билан иш тутади.

Дарвоқе, шахсий манфаат... Бозор Симобий менга бир рассом ҳақида мақола ёзиб келишни буюрганида икки ўртада шахсий манфаат борлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Қандайдир арзир-арзимас бир масалада йиғилиш бўлдию (бунақа йиғилишларни Бозор Симобий тез-тез ўтказиб турарди), ҳамма тарқалаётганида муҳарриримиз мени бир дақиқага тўхтатди.

— Негадир ҳозир хаёлимга келиб қолди, Бокижон,— деди Бозор Симобий,— Имомали Зокиров деган рассомни биласизми?

— Ҳа, яхши биламан, у киши — анча таниқли рассом-ку,— дедим мен.— Нима эди, Бозорбой ака?

— Жуда тўғри айтдингиз, анча таниқли рассом. Аммо ниҳоятда камтар, камсуқум одам. Агар унинг ижоди бошқа рассомларда бўлганида ҳамма ёққа жар соларди. Шу одам билан бир қизиқмайсизми?

— Қизиқиш қайси маънода, Бозорбой ака? Асарларидан нусха кўчириб босиш керакми ёки ўзи ҳақида мақола уюштирайликми?

— Иложи топилса иккалови ҳам бўлсин: асарларини ҳам ёритайлик, мақола ҳам берайлик. Бир яйрасин бечора, савоб бўлади. Ҳаммага холис кўз билан қараётганимизни, олижаноблигимизни бошқалар ҳам бир кўриб кўйсин. Тўғрими?

— Тўғри, Бозорбой ака. Асарларини сураткашга айта-миз, мақолани кимга буюрсак бўларкин?

— Мақолани бировга буюриб, яна қачон олиб келишни кутиб юрамизми, ўзингиз ёзақолинг-да. Санъат ҳақида унча-мунча ёзиб юрасиз-ку...

Мен рози бўлдим. Рассом Имомали Зокировнинг телефон номерини топиб гаплашдим. Эртасига ишдан кейин унинг устахонасида учрашдим. Ҳақиқатан жуда камтар,

самимий, бунинг устига сермахсул рассом экан. Устахонасидаги катта-кичик асарларининг барини бирма-бир кўрсатди. Мен ҳам эринмай томоша қилдим. Баъзилари тугалланган — мукамал асарлар, баъзилари эса мусаввирнинг озгина хафсалаю вақтини кутиб турибди. Ўзиям роса мехнаткаш рассом экан-да, кўп ишлайверганиданми, қулоғи ҳам оғирлашиб қолибди — каттиқ-каттиқ гаплашишга мажбур бўлдим.

Ёндафтаримга талай маълумотларни ёзиб олдим-да, хайрлашатуриб:

— Мабодо қандайдир гаплар етишмай қолса, бирор ҳафталарда қўнғиратарман,— дедим.

— Қўнғиратиб юрманг, бир ҳафтадан кейин бир кириб ўтинг,— деди Имомали Зокиров илтимосли оҳангда.

— Нега?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Бир арзимас совға бор эди,— деди рассом,— шунисиздан бериб юбормоқчи эдим.

— Канақа совға?— дедим ҳайронлигим ошиб.

— Мухаррингизга бир совға бор эди. Хозир у кишига ҳеч нима деб юрманг-у, бир кириб ўтинг, балки ёзган мақолангизни ҳам ўша кунни менга ўқиб берарсиз.

Ҳайронлигим яна ҳам ортдию, қайта-қайта савол бераверишдан ўзимни тийдим. Хайрлашиб кетдим.

Бирор ҳафтадан кейин рассомнинг устахонасига яна ташриф буюрдим. Салом-алигу қискагина сўрашишдан сўнг ҳали кўлёзма ҳолидаги мақоламни Имомали Зокировнинг ўзига ўқиб бердим. Ёзганларим маъқул бўлди. Шу пайт рассом менга: «Ўтиратуринг», деб ишора қилди-да, ўзи ўрнидан туриб, устахонанинг бир бурчагига тескари қилиб қўйилган ромни рўпарамга олиб келди ва олди тарафини ўгириб, менга жилмайди. Ром ичида аллакимнингдир мойбўёқда ишланган портрет-тасвири менга тикилиб турарди.

— Қалай?— деб сўради рассом.

— Янги асарингизми бу?— дедим қулоғи оғир рассом яхши эшитсин учун овозимни баланд кўтариб.— Қимнинг портрети?

— Танимадингизми?— деди мусаввир.

Тасвирга тикилганимча ўйланиб қолдим: кимнидир эслатардию, ўша одамни хаёлимга келтиролмасдим.

— Симобийга олиб борарсиз деганим совға шу,— деди Имомали Зокиров. «Ах-ҳа, Бозор Симобийнинг укаси бўлса керак,— деб ўйладим ўзимча.— Савдо ташкилотида бир укам ишлайди, дегувчи эди. Кўзлари Симобийнинг кўзларига ўхшар экан, аммо юз тузилиши акасиникидек чўзинчок эмас...»

— Майли, олиб бориб топшираман, Имомали ака,— дедим тасвирга тикилганимча.— Бозорбой аканинг хабари борми бундан?

— Албатта хабари бор. Менинг тасвиримни ҳам эсдалик сифатида бир чизинг, деб илтимос қилувди.

Мен ҳайронлик билан рассомга қарадим. Чунки тасвирдаги сиймо, кўзларини ҳисобга олмаганда, Симобийга унчаям ўхшамасди. Мусаввир ҳам менга жиддий тикилиб турарди.

— Тахминийроқ қилиб, тасаввур билан чизганга ўхшайсиз-да, Имомали ака?— дедим.

— Йўқ, тахмин эмас,— деди рассом хиёл ранжигандек,— Симобийнинг фотосуратига қараб чизганман. Ишонмасангиз...

Имомали Зокиров ёзув столи ёнига бориб тортмаларни титкилади-да, Бозор Симобийнинг кичкина суратини келтириб кўрсатди.

— Мана, Симобийнинг ўзи берувди. Шундай одам илтимос қиладию, сўзини қайтариб бўладими. Текин, укажон, мутлақо текин, меҳнатимга розиман,— деди рассом кичик суратни яна стол тортмасига қўятуриб.— Ижодим ҳақида, мана, ўқиб бердингиз, мақола ёзибсиз. Яна, асарларимдан кўчирма ҳам берамиз, деяпсизлар, шунинг ўзи етади менга. Симобийнинг ўзи ҳам шундай деган. У кишига мендан салом айтасиз.

Имомали Зокиров ромни эски рўзномага ўраб, устидан ип билан боғлаб кўлимга тутқазди... Мен муҳарриримизга берилган совғани кўтариб ишхонага кириб борганимда Бозор Симобий ходимлар билан қисқагина йиғилиш ўтказаётган, ҳатто йиғилиш тугаётган пайт экан. Эшикни очишим билан кўлимдаги нарсани кўриб, хиёл жилмайди Бозор Симобий.

— Э, ана Бокижон ҳам кўриндилар. Билишимча, рассомнинг устахонасидан келаяпсиз, тўғрими?— деди у.

Мен қоғозга ўралган ромни кўтарганимча муҳаррир томонга ўтар эканман:

— Имомали ака сизга салом дедилар, мана бу совғани ҳам бериб юбордилар,— дедим.

Бозор Симобий мен билан сўрашишу рассомнинг совғасини олиш жараёнида ўрнидан туриб кетди.

— Оббо, сизни ҳам хизматга қўйибмиз-да, Бокижон,— деди у ром устига ўралган ипларни шоша-пиша ечиб ташлар экан.

— Йўғе, шу ҳам хизмат бўлдими,— дедим мен кўнгил учун.

— Имомали Зокиров бечора — жуда камтар рассом-да, ўзи. Бир учрашганимизда илтимос қилиб колди,— деди Бозор Симобий кўпчиликка қараб.— Устахонамга боришга вақтингиз бўлмаса, битта фотосуратингизни топиб беринг, деди. Қап-катта рассомнинг илтимосини қайтариб бўладими...

Мен бир нарсага хайрон эдим. Рассом боягина: «Симобийнинг ўзи илтимос қилиб, суратини берди», деган эди. Бозор Симобий эса: «Рассом илтимос қилиб, суратини олди», деяпти. Қимнинг гапи тўғри экан-а? Лоакал бирор томон: «Мен илтимос қилувдим» деса, обрўси тўқилиб қолармикин-а?

Бу орада ип ешилиб, ромга ўралган эски рўзнома олиб ташланиб, совға-тасвир кўпчиликнинг назарига тушди. Бозор Симобий уни хона бурчагидаги темир сандиқнинг устига қўйиб, жойига қайтиб ўтирди. Тахририят ходимлари тасвирга тикилиб қолдилар.

— Бу ким, ўзингизми, Бозорбой ака?— деди ходимлардан бири. Симобийнинг ўзи ҳам ром ичидаги тасвирга тикилиб турарди. Рассомнинг совғасидан кўнгли тўлмаётган қилиниб турарди унинг.

— Унча келтиролмапти-а?— деди у бироз сукутдан сўнг.

Бўлим мудирларидан бири муҳаррирнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди ёки: «Асли ўзингиздан кўра чиройлироқ қилиб ишлабди», дейишга тили бормади:

— Анча ёшартириб юборибди сизни, Бозорбой ака,— деди. Бошқа ходимлар унинг гапини маъқуллашди. Шу гаплар давомида хиёл кўнгли ёришди шекилли:

— Мен Зокировни зўр рассом деб ўйлаган эдим,— деди.— Ҳа, майли-да, тураверсин, чўчкадан бир тук, деган мақол бор-ку...— Бозор Симобий кулимсиради.

Айрим ходимлар муҳаррирга бўла енгилгина қулиб қўйдилар. Шу қулги асносида мен хаёлчанлик билан:

— Тўғри, чўчкадан бир нусха,— деб юбордим. Яхшиямки бу гапга ҳеч ким, ҳатто Бозор Симобий ҳам аҳамият бермади. Аслида беихтиёр айтиб юборган бўлсам-да, бу гап тўғри эди. Чунки Бозор Симобий лутфан унга яхшилик қилиб, текинга заҳмат чеккан рассомни чўчкага, унинг ишлаган тасвирини чўчканинг тукига ўхшатди. Яхшилик қилган одамни шундай сийлайдиларми?.. Гарчи халқ мақолини келтирган бўлса ҳам адолатсизлик-да, бу! Фақат адолатсизлик эмас, чўчкалик деса ҳам бўлаверади! Фақат чўчкагина ўзига ем берган одамни тегиши ёки сузиши мумкин! Шу боис: «Чўчкадан бир нусха» деган гапни ноҳосдан айтган бўлсам ҳам тўғри айтганга ўхшайман.

## ЭХТИЁТКОРЛИК ҚАЛҚОНИ

Эхтиёткорлик фазилатми ёки иллатми— нималигини яхши билмайман. Бироқ худди шу хислатдан Бозор Симобийда ҳам анча-мунча борлигини биламан. Ўз манфаати учун зарур бўлиб қолса у ҳар қандай кўринишдаги

одамгарчиликни ҳам, инсоний бурчни ҳам «эҳтиёт-корлик» деб аталмиш ажиб аломатга қурбон қилиб юбориши мумкин. Менимча, Бозор Симобийни бунинг учун айблаб ҳам бўлмайди. Ўз муҳитидан, ҳамфикр тенгқурларидан қочиб қаёққа ҳам борарди у шўрлик! Ўз авлодининг типик вакили бўлиш шунини такозо этади-да унга!

Кунлардан бир куни эрталаб жумҳурият пойтахтида шум хабар ўрмалади, овознигор ёки ойцаижаҳон орқали эмас, оғизма-оғиз тарқалди. Одамлар бу хабарни бир-бирларига ваҳимаю ҳаяжон билан, шивирлаб сўзлардилар, ўзлари айтаётган гапнинг ёлғон чиқишини хоҳлардилар. Биринчи бор эшитаётганлар эса ўз қулоқларига ишонмасдилар: «Эшитдингизми, Шароф Рашидов вафот этибди». «Йўғ-ей, наҳотки? Кеча кечқурун телевизорда кўрдик-ку, Хоразмда юрувди», «Менинг ҳам ишонгим келмаяпти, лекин... самолёт билан олиб келишаётганмиш». «Олиб келишаётганмиши, олиб келишиптими?» «Анигини билмайман, қулоғимга чалингани шу!»

Бу машғум хабар тахририятимизга етиб келган пайтда биз Бозор Симобийнинг хонасида тўрт-беш киши бафуржа сўзлашиб, кундалик иш хусусида маслаҳатлашиб ўтирардик. Қўшни тахририят ходимларидан бири гапимиз қизгин кетаётган лаҳзада ногаҳон эшикдан бош суқиб қараб турди-да, журъат қилиб ичкарига кирди. Кўзлари олазарак эди унинг. Бозор Симобий эшик олдидаги одамга ёқтирмай нигоҳ ташлади. Ҳамиша унинг одати шунақа — биров билан сўзлашиб ўтирганида кирган одамни ёмон кўради. Аммо қўшни тахририятнинг ходими бошлиғимизнинг қанақа назар билан қараётганига аҳамият ҳам бермади. Ҳаммамизга бирма-бир кўз ташлади-да:

— Хабарларнингиз борми, отамизни бериб қўйибмиз, — деди. Биз — Бозор Симобийнинг столи олдидаги кичик стол атрофида ўтирган тўрт киши безовталаниб бир-биримизга қарадик. Муҳарриримизнинг қулоқлари хабарчи йигитнинг гапини яхши илғаб ололмаган экан:

— Нима ҳақда гапираяпти? — деди у тўнғиллаб. — Озгина кутиб турса асакаси кетар эканми? Сўхбатимизнинг белига тепди-я.

— Янги хабар олиб келибди бу киши, — дедим мен Бозор Симобийга.

— Қанақа хабар?

— Отамиз вафот этибдилар.

— Отамиз? — деб сўради Бозор Симобий ҳайронлик билан.

— Шароф Рашидович вафот этибдилар, — дедим, сўнгра эшик олдида турган хабарчи ходимга бурилиб сўрадим. — Ростдан ҳам шунақами ўзи?

— Ҳа, — деди у бошини кимиралатиб ва хизматини ўтаб бўлгандек хонадан чиқиб кетди.

раҳбаримиз оҳиста. Мен беихтиёр сизми, бамисоли ичак буруғи билан ариб кетганди муҳарриримизнинг. Иб колганди.

— деди у бир лаҳзалик сукутдан ансиз эди. Ҳаммамиз ўрнимиздан эканмиз, секингина тайинлади.— турсин, Бокижон, зарур ишларим

дурилиб караганамда Бозор Симо-логига тутиб, бутун қадди билан абошлаганди. Коридорда эса алла-иб кетганди, уч киши-тўрт кишидан коридорнинг у ер-бу ерида мотам ташарди, одамлар бир-бирларининг бошқа қаватлардан тушганларнинг ки, мархумнинг жасади аллақачон келтириб кўйилган эмш. Мархум иккида бошланармиш ва эртага

им ходимлар ўзаро маслаҳатлашиб лжалладилар, раҳбарга бир огиз га юзландилар. Соат миллари ўн Мен Бозор Симобийнинг хонаси ишларини бажариб улгурган бўлса, окчи эдим унга. Агар у, кейинрок дегудек бўлса, биз ўзимиз йўлга ишига тикилашганимда билдимки, о ишлари ҳали тугамапти. Эшик ириб, қолдим. У телефонда ким би-ри аниқ-тиник эшитиларди:

— банд бўлди, Ортик Муслимович?.. ингизми?.. Ҳеч ишонгиси келмайди.. А?.. Ўшани айтаман-да... Атрофи-планаверсак, кейин ўзимизга қийин ири, тўғри... Менинг ҳам фикрим га олиб туришамиз керак, бунинг йди... Эртага... вазиятга қараймиз... Муслимович, ҳозирча хайр...

— тарақлаб тушгани эшитилди. Мен, ишлари тугади шекилли, деган ўйда эдим. Бозор Симобий эса, гашакни ермоқчи бўлиб турган экан. Негадир ров кўриб колгандек ғалати аҳволга қайта ўрнига кўйди.

— нима гап?— деди у.

— гапларимни — ҳадемай видолашиш, р йўлга тушишмоқчи,— дедим га.

пимни давом эттириб.— Ҳозирда майдонда... Мабодо сиз биз бил ака?

Симобий хиёл ўйланиб ўтирд — Майли, сизлар бораверинг кейинрок, ўртоклар билан масла

Биз бошқа таҳририятлардан роҳлигида видолашувчилар сафи лиги майдони атрофидаги барча ли. Одамлар, машиналар, милиц каси, кўп ҳаракату уринишларда ларда видолашувга кириб чик, кайфиятда ҳар ёкка тарқалиб и тўртларда ишхонага қайтиб келд бийдан бўлак ҳеч ким йўк эди. ганимда уни қандай кўрган бўл дай ҳолатда — телефонда қанд эди. Гўёки мен ҳозиргина коридо эдим. Симобий мени кўрдию, те кўйди.

— Ҳа, келдингларми, Бокижон

— Ҳа, одам жуда тикилинч, ҳ унга жавобан.— Сиз ҳам ўтиб к

— Йўк, ҳали чиколмадим,— ерда эмасдию, аммо менинг юз атрофидаги девор бўйлаб безов чикиб бундок қарасам, ҳамма э ҳеч ким колмапти. Мен ҳам ке дедим-да яна хонага кириб ўтир

Мен нима деяримни билмади лаган бўлдим:

— Вилоятлардан келган ваки лигида кириб чикишаяпти.

— Ростданми? Ҳа, дуруст...— ки.— Боя Нажим оқсоқол келув барвактрок кириб чикишган бўл ухлагандек бўлиб ётибди», дед кўрдингизми, қарадингизми, Бок

— Ҳа, Нажим Зуфаровнинг

Мен билиб турардим: Бозор С гапини келтириш билан: «Биров ман», деб таъкидламоқчи эди. курук таъкиднинг нима кераги ўша тобда.— Ахир Шароф Раш азиз киши эди-ку!»

Муҳаррир ҳузуридан ўз хон Бозор Симобийнинг бундан салк олтмиш йиллик тўйи манзаралар залга анча-мунча одам йиғилган



манзара намоён бўлди: бир тарафда Бозор Симобий билан унинг хотини, иккинчи тарафдаги хайъат курсиларида таникли каламкашлардан ўн-ўн беш киши жой олишганди. Тантанали кеча очилганидан сўнг биринчи бўлиб марказқўмнинг вакилига сўз берилди. Вакил қўлида кип-кизил папкани очиб, қутлов сўзларини ўқиб берди-да, папкани ёпди, бир лаҳза жим туриб, залдагиларнинг диққатини ўзига жалб этган бўлди.

— Бу ерга келишимдан ярим соат олдин ҳурматли Шароф Рашидовичнинг ҳузурларида бўлдим, — деди у ниҳоят. — Бозор Симобийнинг олтмиш ёшлик тўйи муносабати билан чақирдилар у киши. Ва ўз номларидан юбиляримиз Бозорбой акани кизгин табриклаб қўйишни топширдилар менга. Каламкашларимиз жуда катта иш қилишаяпти, шу жумладан, Бозор Симобийга ҳам ҳурмат ва ишончимиз яхши, шу гапларимни етказинг, дедилар.

Залдагиларнинг анъанавий қарсақлари остида Бозор Симобий билан марказқўм ходими кучоқлашиб ўпишишди. Барча мактовлару табриклардан сўнг, гулдасталар, эсдалик папкалар ва совғаларни топширишлардан сўнг шундай тантанага сабабчи бўлган одамнинг ўзига сўз берилди. Бозор Симобий бир неча варақли ёзувини кўтариб ўртага чикди, микрофон олдида ёзганларини ўқиб берабошлади. Охири — ёзганларининг ҳаммасини ўқиб бўлганидан кейин қоғоз варақларини йиғиштириб буклади. Қарсақлар янгради. Аммо Бозор Симобий ҳадеганда микрофон ёнидан жилмади. Қарсақлар тинганидан кейин ҳам бир муддат залга тикилиб турди. Сўнгра, негадир чўнтагидан дастрўмолини олиб кўзларини артди. Залда — мenden орқарокда ўтирганлардан кимдир: «Ҳаяжонланганидан йиғлаяпти шекилли», деди. «Э, қаёқда, артистлик қилаяпти-да», деди бошқа бир овоз.

— Ҳурматли дўстлар! — деган сўзлар чикди Бозор Симобийнинг бўғзидан. — Мана ҳозиргина эшигдиларингиз азиз марказқўмимизнинг ҳурматли вакили... сўзладилар. Муҳтарам, азиз инсон Шароф Рашидовичнинг сўзларини ҳам бизга етказдилар. Раҳмат марказқўмимизга! Шундай кунларда эслаганлари, табриклаганлари учун жонажон партиямизга, ҳукуматимизга, шахсан ҳурматли отамиз Шароф Рашидовичга бекиёс ташаккур билдираман! Ҳурматли дўстлар, пайдан фойдаланиб кўнглимдаги бир гапни айтиб кўяқолай. Шахсан мен Шароф Рашидовични отамдай яхши кўраман, у кишини отам деганман. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлсинлар! У киши туфайли отам қилабилмайдиган яхшиликларга мушарраф бўлганман. У кишининг менга яна шунчалик ишончлари бор экан, партия ва ҳукуматимизга яна ҳам сидқидилдан хизмат қилавераман, етмиш ёшимда ҳам, саксон ёшимда ҳам ишлайвераман!..

Залда — менинг орқа тарафимда ўтирган халиги кишилар яна чидамсизлик қилишди. Йиғилганларнинг ҳаммаси тинимсиз қарсақ қилишаяптию, улар гап билан овора эдилар: «Атиги уч ёш катта одам бунга қанақасига ота бўлиши

мумкин?» «О, тулки-ей, саксонгача ишлайман, дейдия. Шу гапи билан ўзини яна мустаҳкамлаб олди чоғи». «Столда ўлиб колгунича ишлайверса керак-да?..»

Бозор Симобийнинг ўша — ўзининг олтмиш йиллигида айтган гапларини эслаб, ҳозирги ҳолатидан ҳайрон эдим. «Ўшанда Шароф Рашидовни отам деган эди-ку! Ўз отасининг ҳам жанозасига бормайдами одам?! Еки... ўшанда ёлғон гапирганмикин-а?»

Эртасига ҳамишагидек ишга келдим-да, сўрашиб чиқиш учун Бозор Симобийнинг хонасига йўл олдим. Эшикни очиб ичкарига кирсам, муҳарриримиз ўз хонасидаги ойнаи жаҳонни бураб, видолашув маросимини томоша қилиб ўтирган экан. Сўрашиб бўлиб унинг ёнидаги курсида ўтирдим, ойнажаҳонга нигоҳ ташладим.

— Чарчаб-ҳориб, толикиб юргандан кўра телевизорда кўриб кўяколган ҳам яхши бунақа маросимларни, — деди Бозор Симобий ўзини ғоят бафуржа ҳолатга солиб. — Қаранг, ҳамма нарса рўпарангизда тургандай равшан. Шундай экан, овора бўлиб бориб юриш шартми ўша ёкка?

Муҳарриримиз бу гапларни чин дилдан айтаётганмикин ёки мени синаб кўрмоқчимикан, деган ўйда юзимни буриб унга қарадим. Унинг жиддий ўтириши дилидагини изҳор этаётганини билдириб турарди. Уртага чўккан бирор дақиқалик жимликдан сўнг:

— Ходимлар келишиптими, Боқижон? — деб сўради.

Мен унга жавобан дедим:

— Хабарим йўк. Хоналарни қараб келайми?

— Боя мен қаровдим, ҳеч ким йўк эди.

— Қани, қараб келай-чи, — дедим-да, коридорга чиқиб, хоналарнинг эшик тутқичини бирма-бир тортиб кўрдим. Фақат бўлим мудир Чори Ашуров ўз хонасида экан. У ҳам ишсафардан эндигина келиб турганлигини, видолашувга кетмоқчи эканлигини билдирди.

Муҳаррир хонасига кириб бояги жойимда ўтирдим-да, Ашуровдан бўлак ҳеч ким келмаганини айтдим.

— Менга учрашиб кетар эканми ёки учрашмай кетаверар эканми? — деб сўради муҳаррир.

— Сўрамадим, Бозорбой ака, — дедим. — Бориб сўраб келайми?

— Йўк, ўтираверинг. Оддий саломни ҳам сўраб оладиган бўлаяпмиз ўзи! Ўз фаросати билан кирмаганидан кейин етаклаб келасизми уни.

Мен тушликдан кейин Халқлар дўстлиги саройига кетдим. Мархум билан видолашувга яна бир қарра кириб чикдим. Дафн маросими учун йўлга чиқилишидан сал аввал ишхонага қайтдим. Бу орада тахририятимизнинг аксарият ходимлари видолашувдан келиб, ўз жойларида ўтирардилар. Бозор Симобий эса, дафн маросимига ҳам бормапти. Хонасига кирсам, ҳали ҳам эрталабқидек ойнажаҳонга тикилиб ўтирарди.

— Дафн маросимини ҳам охиригача кўрсатадиганга ўхшайди,— деди Бозор Симобий.— Ковланган қабрни ҳам кўрсатди. Ҳозир етиб келишади тобут кўтарганлар...

Мен муҳаррирнинг ёнида ўтираверишни ўзимга эп билмадим-да, хонамга чиқиб кетдим. Орадан бирор соат вақт ўтиб-ўтмай барча ходимлар Бозор Симобийнинг ҳузурига чакирилдилар. Ҳаммаиш бирин-кетин кириб бордик: Бозор Симобий одатда мажлис ўтказиладиган узун стол атрофига ўтирғизди ходимларни. Ҳамма йиғилиб бўлганидан сўнг томоғини бирикки кириб қўйди-да, сўз бошлади:

— Ўртоқлар! Бу ерга сизларни йиғишимдан мақсад шулки, тахририятимизда аҳвол жуда чаток. Фақат чаток эмас, жуда таҳликали. Жамоамизда тартиб-интизом бузилиб кетди.— Мен охишта муҳарриримизнинг юзига разм солдим: нимадандир жаҳли чиққан эди унинг. Кўп ҳолларда йиғилиш олдидан мени чакириб, фалон масалада гаплашиб оламиз, деганга ўхшатиб маслаҳат соларди. Бу гал йиғилишдаги масаладан мен ҳам бехабар эдим. Рангидан қони қочган, юйқа лаблари заъфарон тусга кирган Бозор Симобий сўзида давом этди.— Икки кундан бери тахририятимизда бир чакалик иш бўлмади, бирон киши ҳам хонасида ўтирмади! Қани айтинглар-чи, ойликни нима учун оламиз биз? Бекор ўтирганимиз учунми?!. Ҳар ёқларда санғиб юрганимиз учунми? Шу икки кун учун оладиган маошимиз ҳаром бўлмайди, ўғирлик билан тенг эмасми?!

— Ахир санғиб юрганимиз йўқ, видолашувга бордик-ку,— деди кекса машинкачи аёл.

— Мен ҳам билиб ўтирибман қаякка борганингизни?— дея ўша оҳангда гапини давом эттирди Бозор Симобий. Аслида бунақа жаҳли чиққан пайтда уни унча-мунча гап билан енгиш қийин, сўз қайтарган, важ кўрсатган одамни қозоқи ит сингари силталаб-силталаб ташлайди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.— Видолашувга бордим деб икки кунгача қозони сувга ташлаш керакми?! Шунча одам икки кунгача ўлганининг орқасидан шаҳид бўлиши шартми?! Қани, ўзларингиз айтинглар-чи! Бунақада иш бўлмайди, тахририятни тарқатиб юбориш керак! Эҳтимол мен бўшлик-баёвлик қилаётгандирман, жамоани қўлга ололмаётгандирман.. Мени назарларингиз илмай қолдими?! Йўқ, мен бунга йўл қўёлмайман! Бунақада айрим ўртоқлар билан хайрлашишга тўғри келади! Биз билан битта кемада боришни истамаганлар аризасини бераверсин, тугиб турмаймиз!

Бозор Симобий гапирган сари оташинлашиб, юзлари қизарди, лабларида билинар-билимас кўпик ҳам кўринди. Аслида кўпчилик унинг бу хатти-ҳаракатидаги моҳиятни билиб ўтирарди: муҳарриримиз ишни, ишдаги тартиб-интизомни баҳона қилиб, яъни иш учун ўзини жонкуяр қилиб кўрсатиш орқали видолашувга мутлақо бормаганини оқлаб олмоқчи эди. Ўзини оқласа оқлайверсин-у, лекин бунинг учун ҳаммага дағдага

килиш, тош отиш шартми? Стол атрофидагилар индамай ўтиргани сари Бозор Симобий авжига чиқабошлади:

— Қани, Чори Ашурович, ўзингиз айтинг-чи, командировкадан келган одам нима учун мундоқ бир кўринмайсиз, куёндек қочиб қоласиз?! Бир оғиз саломлашишни ҳам билмайсиз, командировканинг қандай ўтгани ҳақида ҳисобот ҳам бермайсиз? Қани жавоб беринг-чи, қулоғим сизда!

Чори Ашуровнинг ғалати феъли бор: ўзи жуда камгал, ишини доим кўнгилдагидек бажаради, унча-мунча ҳазил-хузил гапларга ҳам хиёл жилмайиб кўяқолади; аммо онда-сонда бўлса-да, ҳамиятига тегадиган ёки адолатсиз гап эшитса, жаҳли чиқиб лаблари пирпирайди, бундай пайтда унга бас келиш қийин. Мана ҳозир ҳам жаҳли чикди шекилли, шартта ўрнидан турди:

— Сиз, Бозорбой ака, шундай мотам кунда нима учун ҳаммани қийин-кистокқа олаяпсиз?!

— Ўтириб гапираверинг, мен ўтирибман-ку, — деди муҳаррир.

— Мен ўтирмайман, туриб гапираман, сиз шунга мени мажбур қилаяпсиз. Мен командировкага борган бўлсам, мана келдим, бугун келдим. Ҳисобот беришга улгураман, агар мен ўлиб қолмасам, сиз ўлиб қолмасангиз бу ишларга улгурамиз.

— Менинг ўлишимни истайсизми? — дея лукма ташлади Бозор Симобий. — Ниятингиз...

— Гапимни бўлмай туринг, сиз гапирганингизда биз эшитдик! Сиз савол бердингиз, мен жавоб берайман.. Сизга ҳисобот беришдан аввал видолашувга борган бўлсам, бу менинг фуқаролик бурчим! Қани айтинг-чи, нима учун сиз ўзингиз борасиз-у мен бормаслигим керак видолашувга?! Сизда бор виждон мендан йўқми?! — Бозор Симобий индамай ўтирарди. Аввало, гапирётган Чори Ашуровнинг сўзини бўлиб қўёлмасди, қолаверса: «Видолашувга мен борганим йўқ, ойнаижаҳон орқали кўрдим», деб ҳам айтолмасди, айтса ўзини яна ҳам шарманда қилган бўларди. — Агар-Бозорбой ака, шу улуғ бир одамнинг маросимига кетган вақтимизга ачинсангиз, ўшанинг ҳиссасига уйимизда ишлаб берайлик... ҳе!.. Майли, шахсан мен ўн баробар қилиб ишлаб берай агар сизга шу керак бўлса! Одамни шунча ҳам хўрлайсизми? Инсоф керак-да!.. Нима, сиз билан биз ўлмаймизми? Биз ўлганда ҳам кимлардир бориши керак-ку! Нахотки шунга ўйламасак! Агар шу савоб иш учун, одамийлик бурчимизни бажарганимиз учун ишдан бўшатсангиз бўшатиб юборақолинг! Шахсан мен тайёрман. Лекин буйруқда: «Марҳум Шароф Рашидов билан видолашувга боргани учун» деб ёзасиз! Қани, ким шарманда бўларкин!

Чори Ашуров жойига ўтирди. Ҳамма жим эди. Ходимларнинг бошлари эгик бўлса ҳам нигоҳлари муҳаррирда эди. Бозор Симобий қип-қизариб, лойдек бўлиб ўтирарди. Бемавруд чакирилган дағдағали йиғилиш унинг обрў-хурматига путур етказганлиги ҳаммага аён эди.

— Бўпти, мажлис тамом, — деди Бозор Симобий ва ўрнидан туриб ҳеч кимга карамасдан ўз жойига йўналди. Эшикдан чиқиб бораётганимизда ногаҳон Чори Ашуровга кўзим тушиб қолди. Бечоранинг лаблари ҳали ҳам калтираб, учиб-учиб турарди. Росаям жаҳли чиққан экан-да.

\* \* \*

Бозор Симобийнинг эҳтиёткор кимсалигини авваллари ҳам яхшигина билардим. Аммо-лекин эҳтиёткорликни ўзига қалқон қилиб бир вақтлари отам деб юрган одамнинг ўлими маросимига бормагани мени ғоятда ҳайратга солди. Мен, бу тоифадаги хатти-ҳаракатни эҳтиёткорлик чегарасига сиғмайди, деб ўйлайман. Бундай қилмишни нима деб аташни китобхонларимнинг ихтиёрларига ҳавола қиламан.

Муҳарриримизнинг шу тахлитдаги хатти-ҳаракатини биров билиб-бирова билмай юрган эди. Бироқ унинг ўша эҳтиёткорлиги ҳам ҳолва экан... Орадан бирор йил ўтар-ўтмас мамлакатимизда ҳам, жумҳуриятимизда ҳам «турғунлик йиллари» деган атама тез-тез кўзга ташланадиган, кулоққа чалинадиган бўлиб қолди, марҳум Шароф Рашидовни ҳам шу атамага боғлаб танқид қилиш бошланди. Ана шундай алғов-далғовли, лойқали кунларда Бозор Симобий ҳам бир четда қўл қовуштириб турмади, рўзномалардан бирида «Адолатнинг балқиб чиқиши» сарлавҳали мақоласини чоп эттирди. Унда сўнги ўн йилликлар давомида адолатнинг пайхон этилгани, Шароф Рашидов ҳокимлиги даврида ўзининг, яъни Бозор Симобийнинг ҳам озор чеккани — бир неча бор мансабдан ҳайдалгани (ишдан қувилган одам ҳеч маҳал ўзини айбдор ҳисобламайди, ўз айбини марҳумларга тўнкаш эса имонсизлар учун ҳамиша одат бўлиб келган. Бозор Симобий ҳам шу эски усулдан яхши фойдаланган эди) изҳор этилиб, ҳозирги раҳбарлар адолатпешаликда кўкларга кўтариб макталган эди.

Ана шу мақола сабабидан жумҳуриятимизнинг саводхон аҳли Бозор Симобийни яхшигина таниб олди. Айниқса, у менинг кўзимга аввалгидан ҳам ёмон кўриниб қолган эди. Гапнинг очиғи, шундай имонсиз, виждонсиз кимса билан битта идорада ишлаётганимдан уялар эдим. Ўзимча ўйлаб-ўйлаб, шу таҳририятдан кетишга қарор қилдим. Ўшандай кунлардан бирида эрталаб ишга пиёда келатуриб битта фикр миямга ярқ этиб урилди: «Бозор Симобий билан кўп йиллар бирга ишлашган одамман, унинг ҳақида биронта асар ёзсам бўлмасмикин?»

Тасодифан пайдо бўлган бу фикрдан ҳайратга тушдим, юраётган йўлимда бир лаҳза тўхтаб ҳам қолдим. «Бўлди, энди кетмайман, Бозорбой акам билан бирга ишлашаверман, — дедим ўзимга-ўзим. — У кишини яна ҳам чуқурроқ ўрганаман».

Шу тариха Бозор Симобийни синчковлик билан кузатишга тушдим. Энди уни кўрганимда олдингидек жирканиб, ижирганиб юрмасдим, ёнида, рўпарасида бемалол ўтираверардим. Чунки ёмон кўриш ёки жирканиш баҳона бўлиб ундан узоқлашиб кетсам, қахрамонимни яна ҳам чуқурроқ ўрганолмасдим. Урганганим сари унга кизикишим ортарди. Эндиликда Бозор Симобий бамисоли менинг бебаҳо бойлигимга айланган эди. Ариза бериб ишдан кетиш, яъни Симобий раҳбар бўлган ишхонадан бошқа ёққа силжиш менинг учун тенгсиз бойликни кимларгадир ташлаб кетиш билан баробар эди! Яхшиси, бундан буён Бозор Симобийга нисбатан бўлган нафратни ичга яшириш, унинг номаъқул кирдикорларини кўриб-эшитиб турганда ҳам бепарво юравериш — менинг ўз-ўзимга юклаган қарорим шундай эди. Акс ҳолда, биринчидан, ҳақ гапни айтиб, орани бузиб кўйишдан чўчисам, иккинчидан, Симобий деганимиз, устоз қаламкашлардан бири таърифлаганидек, бамисоли ноқулай жойда орқаси билан ётиб қолган қовоғари эди. Бордию сиз ўша қовоғарига раҳмингиз келиб, кутқариб юбормоқчи бўлсангиз-у ўнглаб кўйсангиз, худди ўша ўнгланиш жараёнида сизни чакиб олиши тайин эди. Яъни, Бозор Симобий мабодо бир ноҳўя иш содир этсаю шу муносабат билан ҳатто унга дўстлик қилмоқчи бўлиб насиҳат-маслаҳат берсангиз, у сизни ўзининг ашаддий душмани деб биларди. Бас шундай экан, уни фақат ўрганиб юравериш керак-да!

Бозор Симобий битта латифанамо гапни тез-тез такрорларди:

— Бир куни жиннилар шифохонаси бош врачининг оғайчилари унинг ҳузурига кирибдилар. Биргаликда шифохона ҳовлисини айланибдилар, ҳар хил тоифадаги жинниларга дуч келибдилар. Шунда меҳмонлардан бири бош врачга юзланиб: «Сизларнинг ишинглар жуда яхши-да, хилма-хил жинниларни кўриб турасизлар, ҳеч зерикмайсизлар», дебди. Бош врач ҳам жилмайиб кулибди-да: «Сизлар ҳам ҳеч зерикмасаларингиз бўлади. Чунки жинниларнинг фақат ўн фоизигина жинниҳоналарда яшайди, қолган тўқсон фоизи кўчада юради», дебди. Қойил-а, кизик гап-а? Ишонса бўлади шунга...

Бозор Симобий бу гапни кимнингдир бирор камчилиги, қилиғи муносабати билан айтардию, ўзи ҳузур қилиб куларди. Унинг кўзига кўчада юрган одамларнинг аксарияти жинни ёки ярим жинни бўлиб кўринарди, ўзи шундай деярди. Ўзини эса, ақл-заковат бобида кўпчиликдан анча юқори кўярди. Мен баъзан ўйланиб қолардим. Дангал айтишга одамнинг тили бормайдию, аммо... Бозор Симобийнинг ўзи ҳам ўша «тўқсон фоиз»га мансуб эмасмикин, деган хаёлга борардим баъзан.

Тасаввур қилинг, Бозор Симобий аллақайси коридорда кетаяпти. Коридор ўртасида бир йигит билан бир қиз ёки

икки йигит ўзаро суҳбатлашиб туришибди. Суҳбатга кизиқиб кетишганидан ўтган-кетганларга ҳам аҳамият беришмайди. Симобий уларнинг ёнидан — коридорнинг ўнг томонидан ёки чап томонидан бемалол ўтиб кетиши мумкин-ку, лекин у тўппатўғри суҳбатлашаётганларнинг рўпарасида тўхтайтиди-да, уларга жаҳл билан тикилади. Суҳбатдошлар ҳайрон бўлиб қарашади.

— Ўтиб кетишга йўл берасанларми, йўқми? Сенларнинг дастингдан юриб ҳам бўлмайдимиз энди?!— дейди қаҳрамонимиз уларга дўқ қилиб.

— Ўтиб кетаверинг, марҳамат,— дейишади суҳбатдошлар ҳайрон бўлиб ва хиёл бир тарафга сурилишади.

— Ҳўкизга ўхшаб туриб олгансанлар, яна ўтиб кетаверинг, дейсанлар,— Бозор Симобий шу гаплар асносида юрабошлайди.— Тарбиясизлар!

Тинчгина, секингина, ҳеч кимга ҳалақит бермай суҳбатлашаётганларнинг қутилмаганда асаби бузилади. Улар тўнгиллаганича кетаётган Симобийнинг ортидан асаблари қанчалик қақшагани даражасига қараб гап отадилар:

— Ўзинг тарбиясизсан! Ўзинг ҳўкизсан, имонсиз!..

Еки:

— Қизиг-а, биз ҳалақит бермадик-ку унга... Соғ эмас шекилли, жиннихонадан қочганга ўхшайди...

Гоҳида Бозор Симобий катта кўчанинг ёнидаги йўлкада ўзига рўпара бўлиб ўтиб кетган йигитга ўгирилиб уни чакиради:

— Ҳо, акаси, тўхта!

Халиги йигит тўхтаб унга бурилиб қарайди.

— Менми?

— Ҳа, сен. Бери кел,— дейди Бозор Симобий ва овозини биров кўтаради.— Берирок кел деяпман!

Йигит шўрлик ҳайронлик билан унга яқинлашиб сўрайди:

— Ҳа, амаки, нима дейсиз?

— Нега салом бермай, сўрайиб ўтиб кетасан?— дейди Бозор Симобий асаби ҳолатда.

— Мен ахир сизни танимасам...— дейди йигит кайфияти бузук одамга дуч келганини ҳис этиб.

— Танимайсан? Нега танимайсан?! Ўзингдан каттани ҳам танимайсанми, кўрмайсанми, кўзинг кўрми? Катталарни хурмат қилгин, деб ўргатмаганми ота-онанг?! Еки оғилхонада ўтираманми?!

Бесабабдан бесабаб дакки эшитган йўловчи бояқиш ҳар хил хаёлга бориши мумкин: «Жағига солворсам бўлади-ку, ўзи кекса экан-да». «Жиннига ўхшайди, шу билан тенг бўлиб ўтираманми?»

Мен бу гапларни ичимдан тўкиб чиқараётганим йўқ, худди шу хил тортишувларга ўнлаб марта гувоҳ бўлганим учун ёзаяпман.

Бундан икки йилча мукаддам ишхонамизда Ботир Салимов

деган йигитча ишларди. Ўрта мактабни битириб, институтнинг сиртки бўлимига киргаң Ботир энг оз маош билан энг кичик вазифада ишларди. Бироқ ҳеч нимадан нолимасди, ёшлик беғуборлиги, самимийлиги билан яшарди. Жуссаси ихчамгина, мўйлабчаси ҳам ўзига ярашиб турарди. Еши катталар унга майда-чуйда иш ҳам буюриб туришарди.

— Ботиржон, бир чойнак сув обкелинг!

— Ботиржон, чой қўйиб юбор!

Чинакам ўзбек оиласида ўсган Ботир дастёрлик килишдан эринмасди, мўйла-чуйда ишларни бажаришни ўзига ор деб билмасди. Шу боисдан Ботирни ҳамма, жумладан, тахририя-тимиздаги қизлару келинчаклар ҳам хуш кўришарди. Ботир уларнинг энг кичик укаси сифатида ошхонага ҳам қиз-жувонлар билан бирга тушарди. Бозор Симобий эса бу ҳолатни кўнгли қинғирлик билан таърифларди:

— Жуда учар болага ўхшайди-я? Сиз нима дейсиз? Ишхонамизда бирор корихол юз бермасмикин?

— Ботирни айтаяпсизми?— деярдим атайин билмаганга олиб.

— Ҳа-да. Кўрмаяпсизми, ҳамиша аёлларнинг атрофида ўралашгани-ўралашган.

— Ҳали ёш бола-ку, она сути оғзидан кетмаган.

— Шундай дейсиз-у билиб бўлмади-да. Биронтаси билан борди-келди килиб қўядими, деб одам чўчийди-да.

— Йўк, унақа кўнгилга борманг, Бозорбой ака,— дейман бамайлихотирлик билан. Шу аснода ўзимча ўйлайман: «Хой нодон одам, сенинг нима ишинг бор бировнинг боласи билан?! Ҳамма нарсани ўз қаричинг билан ўлчайверасанми?..»

Вақти-соати етиб Ботир Салимов ҳарбий хизматга жўнади. Ҳар икки ойда, уч ойда ишхонамиздаги қизлардан биронтасига ундан хат келиб турадиган бўлди. Хатда, одатдагидек, тахририят ходимларининг ҳаммасига, шу жумладан муҳарриримизга ҳам салом йўлланар эди. Ўзига салом йўлланганидан хабар топган Бозор Симобий хурсанд бўлиш ўрнига фигони фалакка ўрларди:

— Буни қаранг, Бокижон, шу болани-ку ўзимиз тарбиялаётувдик: иш сўраб келди — йўк демадик, бағримизни очдик, қаватимизда ишлаб юриди... Энди унинг сурбетлигини қарангки, ишга қабул қилган биз бу ёқда қолиб, анови қизларга хат ёзаяпти! Ахир бу нонкўрлик эмасми? Қани, ўзингиз бахосини беринг-чи?..

Мен унинг китмирлик билан билан юритаётган мулоҳазаси оловини (китмирлик деяётганимнинг сабаби шуки, Бозор Симобий ўзи бош бўлган ишхонада қанақанги ижобий гапу моддий-маънавий рағбатлантириш бўлса, ҳаммасини фақат ўзиники деб ўйлайди. Ўтакетган худбинлик десак жуда ошириб юборган бўлармиз-у, ҳар ҳолда, шунга яқин туради-да унинг бунақа одати) бироз — пасайтиришга уриниб, ўз муносабатимни билдираман:



— Бозорбой ака, ҳар нарсага асабингизни исроф қилавера-сизми? Ботир деганимиз ёш йигит, қизларга хат ёзса ёзибди-да. Менимча, сизга хат ёзмагани унинг тортинчоқлигидан бўлса керак. Ёши улуғ одамга хат ёзиб, уларнинг вақтини олиб юраманми, деса керак-да.

Бозор Симобий эса ўшанда ҳам бўш келмайди — ўз сўзида туриб олади:

— Йўк, сиз билмайсиз, Боқижон, ҳозирги ёшлар жуда қув бўлиб кетишган, сиз билан бизни назарига илмайди, яхшиликни ҳам билмайди. Мана, кўриб турибсиз-ку, биз уни ишга олдик, йўк демадик...

Бозор Симобий узоқ юртда — ҳарбийлар сафида юрган Ботир Салимов бояқишни шу тариқа ёзғиради, жағи чарчагунча ёмонлайди:

— Сиз билмайсиз-да, Боқижон...

Аслида унинг ўзи ҳарбийда хизмат қилиш ёки ҳарбийдаги фарзандини орзиқиб кутиш нималигини билмайди! Бошидан ўтмаган-да. Ўзи уруш йиллари аллақанака идоралар билан боғланиб хужжат тўғрилагани ёки биронта касалликка чалинди, деб дўхтирлардан қогоз олгани, ҳар қалай, узоққа кетмаган. Вақти-соати етиб якка-ёлғиз ўғли вояга етганда яна амал-тақал қилиб, уни ҳам ҳарбийдан олиб қолган. Худди шунинг учун ва ўзининг феъли атвори туфайли Ботир Салимов ҳарбий хизматдан бир ойлик таътилга келганида гоёта кўрслик билан кутиб олди уни Бозор Симобий...

Ботир энг аввало мен ўтирадиган хонага кириб қолди. Тўсатдан ҳарбий кийимда пайдо бўлган таниш сиймони кўриб, кўзларим эканчдан қачнаб, ўрнимдан турдим. Қучоқлашиб кўришар эканман, бамисоли укам ёки жиянимни кўргандек, меҳрим тобланиб, елкаларини силаб, юзларидан ўпдим.

— Яхши келдингми, укажон. Хизматлар билан чиниқиб юрибсанми? Ҳе, баракалла! Кўринишинг яхши, туф-туф, кўз тегмасин. Ҳарбий кийим жуда ярашибди-да.

Ботир курсилардан бирига чўкди. Озгина гаплашдик.

— Қачон келдинг, таътил беришдими? — дедим.

— Хизматни яхши ўтаётганим учун бир ойга жавоб беришди. Қеча келдим, ака.

— Кўп яхши иш бўлибди-да. Уйингдагилар ҳаммаси соғсаломат эканми?

— Раҳмат, ака. Уларни ҳам, сизларни ҳам соғинувдим. Шунинг учун кўргани келдим.

— Кўп яхши иш қилибсан. Муҳаррирга кириб чиқдингми?

— Йўк, биринчи сизга кирдим. Бозорбой ака яхши юриптиларми ўзи? Ҳозир кирсам бўлармикин?

— Ҳа, аввал у кишига кириб чиққин, бошқаларни кейин кўрарсан. Бозорбой ака сал-пал гина-кудурат қилиши мумкин, лекин кўнглингга олма.

— Нега? Мендан хафами у киши?

— Менга ҳеч хат ёзмади, дегандек бўлаётувди. Қизларга хат ёзаётганингда у кишига ҳам бир оғиз бир нималар битмабсан-да?

— Кап-катта одамни овора қилиб юраманми, деганман-да.

Ботир Салимов Бозор Симобийнинг хузурига кириб кетди. Кейин эшитиб-аниклашимга кўра, Ботир эшикни очиб, ичкарига кирибди-да, Бозор Симобийга салом бериб, кучок очиб бора-верибди. Бозор Симобий эса, хонасига алвасти кириб келаётгандек (Асли улардан қайси бирининг алвасти эканлиги ёлғиз Олло таолонинг ўзига аён) ваҳимага тушибди, ўрнидан туриб ўнг кўлининг панжаларини ёзиб:

— Тўхта! Меъ сеъ билан кўришмайман!— дебди. Бечора харбий бола ҳафсаласи пир бўлиб хона ўртасида тўхтабди. Буни карангки, Бозор Симобий Ботир билан кўл бериб ҳам сўрашмабди, бисмилло демасдан дакки беришга тушиб кетибди:

— Сен бола нима учун бировларга хат ёзасану бизга ёзмайсан?! Сени ишга биз олганмидик ёки бировлар олганмиди?! Энди сенга биз бегонаю бошқалар якин бўлиб қолдимиз? Бунақа қилигинг бор экан, харбий хизмат эмас, Маккаи Мадинага бориб хожи бува бўлиб келсанг ҳам кўришмайман!..

Мен бироз вақт ўтказиб, Бозор Симобий билан харбий йиғитча қандоқ суҳбатлашаётган эканлар, деган ўйда муҳаррир хонасига кириб бордим. Не кўз билан кўрайки, Симобий тушмагур кип-қизариб — жазавага тушганича хонанинг ўртасида Ботирга танбех бериб турган экан.

— Мана, кўрдингизми, Боқижон, бу киши бизни кўргани келибдилар! Яна кучокларини очиб мен билан кўришмоқчилар! Кўришмайман, дедим, тўғри қилибманми?

Мен индамадим, нима ҳам деб бўлади бунақа вазиятда. «Нотўғри иш қилибсиз», десам душманга айланиб қоламан. Муҳаррирни қувватлаб, Ботирга дакки берсам, адолат ва инсофни бой берган бўламан. Охири ўрталикни олиб сўзлаган бўлдим:

— Бирга ишлашган одамларини бир кўриб кетай депти-да.

— Йўқ, бошқаларни ҳам кўрмайди!— деди Бозор Симобий.— Иш пайтида бировларни кўришга рухсат этмаймиз!

Бозор Симобий ниҳоятда қаҳр билан сўзларди. Унинг бунақа муомаласидан кейин Ботир мулзам бўлганича хонадан чиқди, мен унинг ортидан қузатдим. Ғоятда раҳмим келди унга. Не-не хуш чехраларни кўриб яйрайман, кадрдонларим билан суҳбатлашаман, деган умидда келган харбий йиғит хомуш ҳолда коридорга кетиб борарди. Коридорнинг икки тарафидаги эшиклардан биронтасига бурилиб ҳам қарамади.

Қани ўзингиз айтинг-чи, шунақа муомалаю муносабатни, хурмача қилиқларни кўрганингиздан кейин ҳам Бозор Симобийни рисоладагидек одам деяолабсизми? Беихтиёр унинг ўзи айтган «тўқсон фоиз» деган сўз ёдингизга келмайдими?..

Бозор Симобий бир таҳририятнинг муҳаррири сифатида эрталаб уйдан ниҳонагача сўнгил машинада келарди, кеч-

курун уйига яна машинада кетарди. Машиналар гаражи барча мухаррирларга умумий бўлгани учун ҳар куни ҳар хил ракамли машина ва, табиийки, турли-туман ҳайдовчилар ташриф буюришарди. Мухарриримиз гоҳи-гоҳида, ҳамият кўрсатган бўлиб, мени ҳам энгил машинада кетишга таклиф этарди, мен ҳам йўқ демасдим. Енгил машинада мухаррир билан бирга юриш менга икки тарафлама яхши эди: ҳам Бозор Симобийдан кейин осонгина уйимга етиб олардим, ҳам шу бахонада қахрамонимни янада теранрок ўрганардим.

Одатда мен олдинги ўриндикда, ҳайдовчининг ёнида кетардим, мухарриримиз орқа ўриндикда бемалол ўтириб оларди. Бозор Симобийнинг ҳайдовчилар билан қиладиган муомалаю муносабати ҳам алоҳида ўрганишга арзишлик эди. Анигини билмайман-у, мухарриримиз, тахминимча, ўзига хизмат қилдиган ҳайдовчиларни пастрок назарда кўрарди ёким уларнинг кўпчилигини, юқорида айтилганидай, «тўқсон Фоиш»га тааллуқли деб ўйларди. Ва шу туфайли икки ўртада нари-бери гаплар ҳам бўлиб турарди.

Бир куни ишдан қайтатуриб мухаррир иккаламиз ҳайдовчи билан сўрашиб, машинага ўтирдик. Ҳайдовчи орқа тарафдан келаётган кўпдан-кўп машиналарни ўтказиб юбориш мақсадида бир муддат ўт олдирмай турди. Сўнгра олдиндаги кичик ойначани кўли билан у ёк-бу ёкка хиёл бурди ва машинанинг калитини бураб, ўт олдириди.

— Ҳа, биздан жирканаяпсизми, акаси?— деб қолди Бозор Симобий машинамиз юрабошлаганда.

Ҳайдовчи — тахминан қирк-қирк беш ёшлардаги тўлагина йигит: «Менга гапираяпсизми?» дегандек хиёл бурилиб қаради. Мен ҳам ҳайрон эдим.

— Мендан жирканаяпсизми, деяпман!— дея овозини баландроқ кўтарди Бозор Симобий.— Менинг юзимни кўрмаслик учун ойначангизни буриб қўйдингиз!?

— Бу ойнача сизни кўриш учун эмас, орқадан келаётган машиналарни кўриш учун қўйилган, ака,— деди ҳайдовчи.— Сизни кўрдим нимаю кўрмадим нима, ҳаракат пайтида машиналарни кўришим керак мен.

Бозор Симобий таслим бўладиганлар хилидан эмас-да:

— Ҳа, ана ўзингизга келдингиз. Емон кўрган одамим машинамга чиққанда ойначани буриб қўяман, деявермай-сизми тўппа-тўғри?!

Биз аллақачон катта йўлда кетиб борардик. Ҳайдовчи йигит роса аччиғи келдию жавоб бермади, индамай кетаверди. Унинг жим кетиши ҳам Бозор Симобийнинг нафсониятига тегди.

— Бунақа тўнглик қилаверсангиз, машинангизга чиқмаслигимиз ҳам мумкин.

Мухарриримизнинг бу гапидан кейин ҳайдовчи ҳам жим туролмади:

— Э, кизиқ одам экансиз-ку! Мен қачон тўнглик қилдим

сизга, нима деб тўнглик қилдим?.. Хе... Машинамга чиқмасангиз, менга нима?! Чикинг, деб ялинаманми?

Бозор Симобий чинакамига сен-сенлашга ўтиб кетди:

— Мунча кекиртагингни чўзасан? Директорингга айтиб кўяман, овозингни пасайтиради!

Ҳайдовчи ҳам чидаб туролмади, жаҳл устида Бозор Симобийни сенлаб юборди:

— Қўлингдан келса ишдан бўшатиб юбор-е, номард! Хе, ўз хурмати билмаган!..

Индамай ўтиравериш мен учун нокулай бўлди-да:

— Э, кўйинглар энди,— дедим.

Икки тараф ҳам жим бўлди. Бозор Симобийнинг кўчасига етгунимизча чамаси, беш дақиқа давомида жим кетдик. Шу беш дақиқа мен учун беш кундек туюлиб кетди — сабабсиз жанжал чиқарганларнинг гап-сўзларига гувоҳ бўлиш қийин экан... Бирок Бозор Симобий ўз кўчасига етганда ҳайдовчига яна бир қарра ниш урди. Машина катта йўлнинг чеккасида тўхтади. Мухарриримиз ўша заҳоти паст овозда:

— Машинани хув анави ёкка ҳайданг, мен кўчанинг нарига тарафида яшайман!— деди.

Ҳайдовчи йигит оғир ух тортдию, лекин вазминлик қилди, машинасини ярим доира шаклида юргизиб, кўчанинг у тарафида тўхтатди. Бозор Симобий тушиб қолди. Ҳайдовчининг ёнида кетар эканман, ўзимча ўйлар эдим: «Қаҳҳорлик ҳам эви билан-да, ўттиз-қирқ метрли йўлни кесиб ўтиш қийин эмас-ку ахир!»

Яна бир гал Бозор Симобий ҳамроҳлигида кетаётганимизда бошқа ҳайдовчига дуч келдик. Машина ичкарасидаги овознигорда мақом концерти берилаётганди.

— Радиони бироз пасайтириб кўйинг,— деди Бозор Симобий машина энди йўлга тушаётганида. Ҳайдовчи — маллатоб, сочлари сийрак козоксифат йигит муҳаррирга бир қараб олди-да, овознигорни хиёл пасайтирди. Мухарриримизнинг негадир кайфияти бузилдими:

— Яна бироз пасайтиринг,— деди.

Ҳайдовчи яна ҳайронлик билан ўгирилиб қаради-да:

— Мақомни ҳам эшитмайдими одам?— деди ва яна мурватни буради.

— Хоҳласак эшитамиз, хоҳламасак йўқ!— деди Бозор Симобий кўрслик билан. Ҳайдовчи ҳам унинг айтганига яраша иш тутди:

— Мана бўлмаса,— деди-да овознигорни ўчириб кўяқолди. Эссизгина, шундоқ ёқимли, баҳор шабадасидек сарин тўлкинли ашула узилиб қолди. Шу тариқа машина ичда ўтирган уч нафар ўзбек мақом эшитишдан махрум бўлдик. Лекин, мен ҳам ҳеч нима демадим, мабодо десам, ўша заҳоти Бозор Симобийнинг душманига айланардим ва уни ўрганишдан махрум бўлардим. Ашуласиз, гап-сўзсиз — жимгина кетавердик.

Аммо ўша жимгина кетишимиз ҳам катта давлат экан. Ма-

шинамиз битта светофорнинг қизил чироғи ўчишини кутиб, эндигина кўзғолаётган пайтда ногаҳон муҳарриримиз ўтирган жойида ҳай-ҳайлаб қолди:

— Хой, номард, нима қилаяпсан? Мени аварияга учратиб ўлдирмоқчимисан? Қасдинг борми менда?! Тўхтат деяпман машинани!

Ҳайдовчи боякиш чорраҳа, кўчани кесиб ўтиб, нариги йўлнинг бурчагида тўхтатди машинани.

— Ха, нима бўлди, оксокол?— деб сўради у. Йўл ҳаракати қондаларини унча-мунча биладиган мен ҳам хайрон эдим, нима қорихол юз берганини тушунолмасдим.

— Нима учун рулни қўйвориб машина ҳайдайсан?— деди Бозор Симобий ҳайдовчига пишқириб. У ростдан ҳам кўрққан эди шекилли, ранги ўчиб кетган эди.

— Ўпкангизни босинг, домла, рулни ҳеч ҳам қўйворганим йўқ,— ҳайдовчи анча бамайлихотир сўзларди, лекин муҳарриримизнинг ташвишидан хайрон эди.— Тавба! Бир ниманинг шамоли текканмикан десам, ҳаммамиз машинада ўтирибмиз...

— Ахир чорраҳадан ўтаётганимизда ўнг кўлинг билан рулни ушламадинг-ку, номард, устозинг ким ўзи?! Кимдан топширик олгансан мени ўлдиришга?!

Ҳайдовчи йигит, муҳарриримиздан ўн беш-йигирма ёш кичик бўлса ҳам, анча босиклик қилди:

— Хой, инсон, тушунсангиз-чи, ўнг қўл билан тезликни ўзгартириб-турмасан, машинани ҳайдаб бўлмайди!— деди у яна хотиржамлик билан хиёл қулмсираб.— Ўнг қўл пастга тушганда ҳам чап қўл билан рул бошқарилаверилади...

Шу гапдан кейин Бозор Симобий хиёл ниманидир тушунгандай бўлдию, барибир отдан тушса ҳам эгардан тушгуси келмасди.

— Сен чап кўлингни ҳам қўйвординг, бўлмасан бунчалик кўрқмас эдим.

Ҳайдовчи йигит машинани қайта ўт олдириб юргизар экан, бошини ажиб бир тарзда кимирлатиб қўйди. Унинг бу ҳаракатидан: «Сен билан бирга яшаётган хотининг-у бола-чаканнинг жони темирдан экан-да...» деган маънони уқиб олиш мумкин эди.

Бозор Симобий шу хилдаги муомалаю муносабат туфайли гаражда ишлайдиган ҳайдовчиларнинг олти-етти нафари билан бирга юрмайдиган бўлди. Муҳарриримиз уларнинг устидан тўрт варақлик хат ёзиб, гараж мудирига топширди. Ўша хатда Бозор Симобий бир ҳайдовчини «рулда министрдек кеккайиб ўтиради», иккинчисини «тинимсиз эснайверади», учинчисини «ҳамиша дастрўмолига бурнини қоқади» ва ҳоказо деб айблаган эди.

Орқаворотдан эшитишларга қараганда, гараж мудирى Бозор Симобийнинг хатини бутун жамоасини йигиб ўқиб берибди. Роса қулги бўлибди. Муҳарриримиздан ҳеч ким хафа бўлмабди. Ҳатто танқид қилниган ҳайдовчилар ҳам: «Хайрият,

энди, ўша одамнинг юзини кўрмайдиган бўлибмиз», дебдилар...

Муҳарриримизнинг исмишарифи Бозор Симобий бўлгани учунми, бозор оралаб бирор нарса харид қилиши ҳам жуда ўзига хос. Бу борада нўноқ десам кўполроқ бўлар-у, ҳар қалай, маҳорати пастроқ. Бир-икки бора у билан бозорга тушиб хайрону лол қолганман. Масалан, у тарвузфурушлар олдига боради-да, энг улкан тарвузларни кўрсатиб сўрайди:

— Мана шу тарвузларингиз неча пулдан, акаси?

Тарвузфуруш озгина ўйлангандек бўлади-да:

— Сиз танлайверинг, ўшанга қараб айтамиз,— дейди.

Симобий ўзича иккита улкан тарвузни танлайди.

— Мана шу иккалови неча пул?

Тарвузфуруш бир тарвузларга, бир Бозор Симобийга қарайди-да:

— Ҳар қайсига ўн сўмдан берасиз,— дейди.

Мабодо бозор қилиб юрган харидор бунақа нархни эшитса, хафа бўлиб бошқа тарвузфурушлар тарафга кетиб қолади. Лекин Бозор Симобий бошқача иш тутади. Тарвузларнинг нархини пасайтириш, анови йигит билан савдолашиш ҳақида ўйламайди ҳам. Менга ҳам бир оғиз маслаҳат солмайди. Тарвузфурушдан сўрайди:

— Шу тарвузларингиз яхши чиқадими ўзи?

— Яхши чиқади, кип-кизил,— дейди сотувчи.— Хоҳласангиз чакмоқлаб бераман...

— Дори емаган тарвузми ўзи?

— Рангини кўрмаяпсизми, топ-тоза,— дейди сотувчи муғом-бирлик билан,— дори еган тарвузнинг ранги бунақа тоза бўлмайди.

— Аммо-лекин, айтиб қўяй,— дейди Бозор Симобий сотувчини огоҳлантириб,— тарвузингиз ёмон чикса, ўзингизга қайтариб обкеламани!

Сотувчи ҳам бунақа муомалаларни кўравериб қирриқ бўлиб кетган эмасми, бу гапга ҳам рози бўлади.

— Обкесангиз ўзимизга тан, ака.

Бозор Симобий кўнгли жойига тушиб:

— Бўпти, майли,— дейди-да, икки дона тарвузга йигирма сўм санаб беради. Тарвузларнинг биттасини машинагача кўтаришиб боратуриб ўзимча ўйлайман: «Бозорбой акамнинг одати қизиқ-да, ахир дурустроқ савдолашилса, шунақа тарвузларни уч сўмдан харид қилиш мумкин эди-ку. Хе, аттанг...»

Эртасига гапдан гап чиққан пайтда кечаги тарвузларнинг катталигини атайин мақтаб қўяман. Бозор Симобий эса, бир нима эсига тушиб қолгандек сўзлайкетади:

— Биттасини суовдик, яхши чиқмади. Турган-битгани селитра экан.

— Эгасига оббориб бермадингизми?

— Э, кап-катта сўйилган тарвузни ким кўтариб юради.

Шунақа гаплар асносида ўзимча ўйлайман: «Кўчада юрган тўксон фоиз жиннилар устидан бўлар-бўлмас қулиб юрган»

дан кўра, ҳар бир одам ўзини ҳам ҳар хил ўлчовлар билан баҳолай билиши керак экан-да».

### ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ХОТИНБОЗЛИК

Бозордан ул-бул нарсалар харид қилиш бобида ҳар қанча очиккўл бўлгани билан Бозор Симобий бошқа кўп масалаларда пул сарфлаш бўйича анча пишиқ-пухта эди. Кундалик ҳаётда майда-чуйда бўлиб кўринган айрим нарсаларга текин ёки қарийб текин эришарди у. Масалан, айтайлик, сиз ўзингиз гоят кизик, кўлма-кўл бўлиб юрган бир китобни ўқиб юрибсиз. Симобий ўша китобни кўриб қолади-да:

— Менга шу китобни икки кунгинага бериб турунг, эртадан кейин кўлингизда бўлади,— дейди. Бир тарафи муҳаррирлик ҳурмати бор, иккинчи тарафи сиз унинг гапига ишонасиз-да, ҳали ўқиб тугатмаган бўлсангиз ҳам китобни бериб юборасиз. Қолган қисмини Бозор Симобийдан кейин ўқирман, дейсиз ўзингизча. Бирок, амин бўлингки, у китоб энди сизга қайтиб келмайди, ҳа, икки кун у ёқда турсин, икки йилда ҳам қайтмайди. Агар уни Симобийдан қайта-қайта сўраверсангиз, у ўйланиб туради-да:

— Ҳа, дарвоқе, менга қанақадир китоб бергандек бўлдингиз-а?— дейди. Шундай оҳангда гапирадикки, гўёки китобни унинг ўзи илтимос қилиб олмаган, аксинча сиз ўзингиз унинг кўлига тутқазгансиз.— Майли, мен уйни бир кидириб кўраман, топсам келтириб бераман.

Келтириб бериш қаёқда, тушингизда ҳам кўрмайсиз энди у китобни!

Яна, айтайлик, Бозор Симобийнинг ўзига ёки хотинига, кизига ёки жиянига бирор хил дори-дармон керак бўлиб қолади. Шунда у ходимлардан биронтасига мурожаат қилади:

— Дорихоналарда танишларингиз кўп деб эшитувдим, фалончи,— дейди у,— писмадон хил доридан бир қути топтириб беринг. Пули қанча бўлса тўлаймиз.

Муҳаррир ҳурмат қилиб илтимос этаётгани учун ҳалиги ходим ҳам ўйлашиб қолади, гарчи дорихоналарда таниш-билиши бўлмаса ҳам, номус кучли, ҳаракатга тушади. Суришти-ра-суриштира Бозор Симобий айтган дорини топади, устига кўшимча нарх қўйиб бўлса ҳам қўлга киритиб, муҳаррирга келтириб беради.

— Э, катта раҳмат сизга,— дейди Бозор Симобий хурсандлик билан.— Бу яхшилигингизни унутмаймиз.

Кўнгли тўқ бўлсин хизмат қилган ходимнинг, дорининг пули ҳақида гап очилмайди! «Катта раҳмат» деганига ҳам шукур қилаверсин ўша одам, чунки Симобий ҳеч нима демаслиги ҳам мумкин эди-ку!

Булар-ку, аслида майда-чуйда нарсалар. Лекин бошқа бир муҳимроқ гап ҳам борки, агар ўша бўлмаса бу ҳақда сўз очиб ўтирмасак ҳам бўларди... Мен авваллари соддалик қилиб

унча билмай юрар эканман, Бозор Симобийда хотинбозлик касали ҳам бор экан ва у одам бунақа ишни теппа-текин — мутлақо пул сарфламай амалга оширар экан. Мутлақо текин деса бўлмайдию, ўз ёнидан сарф-харажат қилиб юрмас экан. Бошқачароқ айтганда, Бозор Симобийнинг хотинбозлиги давлат ҳисобига амалга оширилар экан. Ахир, қаранг, ишнинг кўзини биладиган одам учун бу ҳам ўзига хос кашфиёт-да!

Тахририятимизда Танзила исмли бир қиз бор эди. Еши каттароқ эди. Ўзи машинкачи эдию, унча-мунча мақола, кичик хикоялар ҳам ёзиб юрарди. Ғоятда маҳмадона бўлгани учун жамоамиздагилар унча хуш кўришмасди уни. Бозор Симобий муҳаррир бўлиб келганидан кейин бир-икки йил ўтиб, бошқа тахририятга кетди ўша Танзила. Бозор Симобий, ўз одатига кўра, уни роса ёмонлаб юрди. Бошқа тахририятда ишлаётган Танзилага чапланмаган қора бўёқ қолмади. Мен-ку Бозор Симобийнинг ишдан кетган одамнинг орқасидан ҳамшиша ёзғириб юришини аввалдан билардим. Бирок бошқа ходимлар раҳбаримизнинг бу одатидан ҳайрон бўлишарди: «Қап-қатта мансабдор одам ишдан кетган кичик бир ходимнинг ортидан гапириб юриши қизиг-а,— дейишарди баъзилар.— Еши каттароқ бўлса ҳам майли эди. Танзила унинг кизи тенгги-ку ахир...»

Орадан биров вақт ўтди, бу гаплар ҳаммининг эсидан чиқиб кетди. Бир йилдан кейин Танзила яна бизнинг тахририятимизда пайдо бўлди. Ҳа, рост айтаяпман, худди ўша — Бозор Симобийнинг қаҳрига учраган Танзила яна ишга келди, аввалги ўрнида машинкачи бўлиб хизмат қилабошлади. Синчковроқ одам унинг хатти-ҳаракатида, кайфиятида қандайдир ўзгаришлар борлигини пайқаши мумкин эди: авваллари кўпроқ нохуш кайфиятларда юрадиган Танзила анча хушчакчак эди. «Инсон ўзини қайта тарбиялаши, эзгуликка йўл тутиб, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам яхши кайфият бағишлаб юриши мумкин экан-да», деб ўйладим ўзимча ўша кунлари.

Танзила ишхонамиз ҳаётида ҳам аввалгидан кўра фаолроқ бўлиб қолганди. Материалларни машинкада ёзиб беришдан ташқари гоҳо корректурадаги ходимларга ҳам қарашиб юборарди. Тахминан ярим йил давомида иккита хикоясини чоп эттирди. Хикоясини чоп эттириш — ижодкорнинг яхши нияти-ку аслида, аммо Танзиланинг иккала хикояси ҳам мантқан бўш, ўргамчикка ёзилган асарлар эди — Бозор Симобийнинг турткиси билан дунё юзини кўрди. Танзила тушмагур тахририятимизнинг йиғилишларида, яъни летучкаларда ҳам дадил гапирадиган бўлиб қолганди. Ўзи аввалдан ҳам бидир-бидир гапираверадиган, сўзамолгина эдию, бироқ бу қадар бошқаларнинг энсасини қотирмас эди. Раҳбариятимизга хуш ёқиш учун бўлса керак, ҳар бир гапида Бозор Симобийнинг номини камида уч мартадан такрорларди. Бунинг устига узок йиллар ишлаб қалами чархланган, тажрибали қаламкашларни ҳам менсимасдан гапираверарди.

— Кейинги вақтда, Бозорбой ака, тахририятимизда мате-



риаллар бўш тайёрланадиган бўлиб қолди, Бозорбой ака,— дея сўзлаб қолди у бир куни.— Бу ишга чек қўйиш керак, Бозорбой ака. Мана, масалан, айтсак, Бозорбой ака, бўлим мудиримиз Чори Ашуровнинг «Омонатга хиёнат» сарлавхали мақоласини олайлик. Бозорбой ака, бу мақола бўш ёзилган. Мен уни шундай баҳолайман, Бозорбой ака. Бу мақола, Бозорбой ака, мавзуси ёмон эмас, Бозорбой ака. Лекин у, Бозорбой ака, жуда шошма-шошарлик билан ёзилган. Бунақа бўш мақолаларни ўтказмаслик керак, Бозорбой ака...

Йигилишда ўтирганлар Чори Ашуровнинг ноҳақ танқид қилинишидан бир хафа бўлсалар, жамоа бу ёқда қолиб Бозор Симобийнинг номи тинимсиз такрорланаётганидан яна ҳам ранжиб, бетоқатланиб ўтирардилар. Шу сабабли Танзила уст-ма-уст танбеҳлар эшитди:

— Аввал ўзингиз Чори Ашуровчалик мақола ёзинг!

— Наҳ уриш осон, яхши ёзиш қийин!

— Сиз нега летучка бу ёқда қолиб фақат муҳаррирга қараб гапирасиз?

— Хушомадгўйлик ҳам эви билан-да!..

— Гапиришдан олдин бир ишни қойил қилиб қўйиш керак!

Бирок Танзила тушмагур бунақа гапларга парво ҳам қилмасди:

— Қойил қиламиз хали! Биз ёшлар билан ҳисоблашишга мажбурсизлар, тўғрими, Бозорбой ака?— деб жавоб берди у бир йўла барча танбеҳларга. Бозор Симобий эса, унинг гапини маъқуллагандек от юзли бошини силкиб қўйди.

Йигилиш тамом бўлганидан кейин ҳамма таркалаётган пайтда муҳаррир мени чақирди, жойига ўтириш баробарида мени ҳам курсига таклиф қилди.

— Летучка қандай ўтди, Бокижон?— деб сўради у.

— Ёмон эмас, одатдагидек,— дея бепарво жавоб бердим.

— Бу... жуда бало экан-ку, а?— деди у жилмайиб.— Мен билмай юрар эканман. Ёшлар ўсаепти, Бокижон...

Бозор Симобийнинг одати шунақа: бировни мақтайман деса, мутлако ёпишмайдиган яхши сифатларни ҳам ўша одамга кийдираверади. Ҳозир тахминан билиб турибманки, Танзилани (ха, худди ўша Танзилани, бир-икки йил олдин ўзи балчиққа обдон белаган, канақадир ҳайвонларга тенг қилган Танзилани бугун оғзининг таноби қочиб мақтар эди) гапираётганди. Мен атайин билмасликка олиб сўрадим:

— Қимни айтаяпсиз, Бозорбой ака?

— Танзилани-да,— деди у менга синовчан тикилиб.— Эшитмадингизми гапларини?

— Эшитдим,— дедим бепарво,— бидир-бидир қилавериб ҳамманинг энсасини қотирди-ку!

Менинг тесқари гапираётганимни кўриб Бозор Симобий оғзининг танобини бироз йиғиштириб олди.

— Яхши эшитмабсиз, Бокижон. Танзила бугун анча дадил гапларни айтди. Ёшлар билан ҳисоблашиш керак, улар ўз устида ишляпти.

гаплар билан мақтарди Танзилани. Кап-катта одамнинг тили шу гапларни айтишга қандай айланаётганидан ҳайрон эдим мен ўзимча ва муҳаррирдаги бу ҳолатнинг сабабларини ҳам ўзимча таҳлил этардим. Ҳар бир гапига «Бозорбой ака» деб кўшиб сўзлагани учун эмасди албатта бундай тасодифий эъзоз! Қаранг энди, Танзила гўёки ўз устида ишлаётган эмиш! Ўз устида қандай ишлаганини тахминлаш, тасаввур қилиш мумкин!

Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг муҳарриримиз ўз муовини билан мени маслаҳатга чақирди.

— Маслаҳат шуки, Мунаввар Эшоновнинг ўрнига одам олишимиз керак,— деди у дастлаб.

Биз, тўғри айтаянсиз, дегандек бош кимирлатдик.

Тахририятимизда Мунаввар Эшонов деган кексарок ходим кўпдан бери ишларди. Қалайи жуда ўткир бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ўз ишини эплаб юрарди. Аммо ғоят камсуқум, беозор одам эди. Икки кун муқаддам, ҳеч қутилмаганда бошқа тахририятга ишга ўтиб кетди. Биздан кетишининг боисини факат ўзию Бозор Симобий билиши мумкин, бошқа ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Мана бугун муҳарриримиз ўша одамнинг ўрнига олинадиган ходим ҳақида гап очаяпти.

— Қани, маслаҳат беринглар: кимни оламиз?— деди Бозор Симобий иккаламизга бирма-бир қараб.— Ўрин бўш туравермаслиги керак.

Муовиннинг дилида ҳам, менинг дилимда ҳам бирорта одам йўқ эди. Эшоновнинг ўрнига мўлжалланган. Аслида янги ходим олиш ёки ходимларнинг ўрнини алмашириш бўйича факат менинг эмас, муовиннинг ҳам ҳуқуқи йўқ — бу масалада Бозор Симобийнинг айтгани-айтган, дегани-деган! Ҳозир у эски туллаглигини қилиб, гўёки бизни маслаҳатга чақирган эди. Аслида ўзи ўйлаб қўйган биронта одам борки, бу ҳақда гап очаяпти.

— Бошқа тахририятлардан суриштириб қўрайлик,— деди муовин мулоҳаза юритиб.— Ҳар қалай, муносиброқ одам бўлиш керак-да. Тасодифан танбалроқ одам келиб қолса: оғирлик ўзимизга тушади.

— Мабодо ўзингизга ҳеч ким келмадими, Бозорбой ака?— дедим мен ҳам жим ўтиравермаслик учун.— Бизда бўш ўрин борлигини эшитганлар йўқмикин?

Бозор Симобийга худди шундай савол керак экан шекилли, дарҳол тилга кирди:

— Ташқаридан ҳеч ким келгани йўқ. Лекин... шундай одамни ўзимиздан чиқарсак, нима дейсизлар?

— Ўзимиздан?— дея муҳаррирга қарадик иккаламиз ҳам. Симобий гапида давом этди:

— Ҳа, мен ўзимча шундай фикрга келиб турибман. Шунинг учун сизларни маслаҳатга чақирдим. Маслаҳат билан қилган

яхши-да хар бир ишни. Шу ўринга мос одам ўзимизда бор. Ташқаридан одам кутиб юргандан кўра...

— Ким экан, Бозорбой ака, сир бўлмаса эшитайлик,— дедим.

Бозор Симобий айни пайтда биз билан жиддий сўзлашаётган эдию, аммо ботинан жуда хурсанд эди, менинг гапимни эшитиб беихтиёр кулиб юборди-да:

— Киноянгизни тушуниб турибман, Боқижон,— деди.

— Киноя эмас, тўғрилиқча сўраяпман,— дедим мен.

— Айтгинг, эшитайлик,— деди муҳаррир муовини ҳам.

Бозор Симобий бирор лаҳза сукут саклади, чамаси, ички хурсандчилигини юзага чиқариб юбормаслик учун уринди, сўнгра бизга қаради:

— Шу... Мунаввар Эшоновнинг ўрнига Танзила Ҳамроевани ўтказсак, деган фикр бор. Ўзи ҳам анчадан бери айтиб юрибди, мени ижодий ишга ўтказинг, деб. Менимча, ёшларни кўллаб-қувватлашимиз керак.

Муҳаррир муовини ҳам, мен ҳам ерга қараб ўтирардик. Мен ўзимча ўйланардим: «Ёшларни кўллаш керак дейди-я! Ёшлар фақат шу Танзиладан иборат эканми? Бирор томонидан фойдаси тегаётгандир-ку, сен уни кўллаб-қувватлаяпсан! Бир йил аввал от билан эшакка тенг қилиб юрувдинг худди шу Танзилани. Билиб турибман, энди ўзинг худди ўша от билан эшакка айланиб қолганга ўхшайсан!..»

— Ҳа, биз айтган номзод ёкмаяптими?— деди ниҳоят Бозор Симобий.— Икқовинглар ҳам ер қизиб қолдинглар?

Мен Танзиланинг ижодий ходим бўлганидан кейинги ҳолатини ўзимча кўз олдимга келтирдим: аввало ўзининг битта-иккита мақоласини ёзиб-чиқариб юраверади, бошқа муаллифларнинг ёзганларини тайёрлаб беришга келганда эса, қўлини совук сувга урмайди. Иккинчидан, машинкада ишлаб турган айни пайтда шунчалик маҳмадона, юзгачопар бўлиб қолган бу аёл ижодий ходим бўлиб олганидан сўнг ҳаммамизнинг бошимизда ёнғоқ чақиши тайин.

Мен худди шу мулоҳазани ўртага ташладим.

— Сиз нима дейсиз?— деди муҳаррир ўз муовинига қараб.

— Менинг ҳам фикрим шунга яқин,— деди у.

— Энди биздан ҳам эшитинглар бўлмаса,— деди Бозор Симобий.— Хар бир масалада менинг ҳам қатъий фикрим бўлиши керак, тўғрими? Аввало, Танзиланинг дадиллигидан кўркмаслигимиз керак, ҳа, чўчимаслигимиз керак. Аслида биз дадилликни кўллаб-қувватлашимиз керак. Мажмағил бўлиб, юмшоқсупурги бўлиб юрганда кўра...

Мен ядидаб туролмадим:

— Дадилликда дадиллик бор-да, Бозорбой ака. Ишда дадил бўлса майли-ку, бўлар-бўлмас гапириб бидирлайвериш дадилликка кирмайди,— дедим.— Ижодий ходимликка иштиёқи бор одам ҳозиргача ўзини кўрсатарди-да!

— Сал ўзингизни босинг, Боқижон, бунча қизишасиз?—

деди Бозор Симобий. У аччиғи келиб кип-кизариб кетганди.— Мен аввал сўзимни тугатиб олай. Ахир, сиз гапирганингизда мен индамай ўтирдим-ку! Менимча, Танзилани ўша ўрнига кўйишимиз керак синов тарзида бўлса ҳам. Мабодо ишни бажаролмаса, яна олдинги ўрнига қайтариб тушираверамиз.

— Майли, Бозорбой ака, кўтарсангиз кўтараверинг-у, лекин уни қайтиб ўрнига туширолмайсиз,— дедим муҳаррирнинг гапидан энсам қотиб. Муҳаррир менга тикилди:

— Нима учун?

— Танзила Ҳамроева унақалар тоифасидан эмас. Бошқа хоҳлаган одамингизни туширишингиз мумкин. Лекин Танзила бўш келмайди.

— Бўш келмаса, дадил бўлса, яхши эмасми?— Бозор Симобий ўзим айтган сўзлар билан мени мот қилмоқчи бўларди.— Нега сиз дадилликка қарши тураяпсиз?

— Бўш келмайди дейилгани, ишни яхши бажаради, дегани эмас-ку, Бозорбой ака?

— Майли, Боқижон, тортишиб ўтирмайлик,— Бозор Симобий менинг гапларимга аранг чидаб турган бўлса-да, ҳозирги вазиятда жаҳлини босишга мажбур эди.— Менимча, Танзила бизга панд бермайди. Аввалги Танзила эмас, анча ўзгариб қолган, ҳа, яхшиликка ўзгарган. Ҳозирча буйрук бераверайлик, яна кўраверамиз-да... Бўпти, келишдик.

Муҳаррир муовини иккаламиз Бозор Симобийнинг фикри билан дилдан келишмаган бўлсак ҳам мажбуран келишган кишилар сифатида хонадан чиқдик.

Мен шу гаплардан кейин, Симобий билан Танзилани қандай сабаб шу қадар яқинлаштириши мумкин, деб кўп ўйладим, ҳар хил хаёлларга, тахминларга бордим. Бироқ, ҳеч қанака далилу ишончга эга бўлмайтириб, турли-туман тахминларга бориш ҳам гуноҳи азим эди. Аммо-лекин қутилмаганда далил десам тўғри келмас-у, бир ишончга эга бўлдим.

Кечагидек эсимда, шанба куни эди. Рўзгорга ул-бул нарса харид қилиш учун Чорсу бозорига тушдим. Харид қилганларим — саримсоқпиёз, булғор қалампир, помилдори, ош-қўкларни тўрхалтага солиб, зинадан тушабошладим. Улкан зинадан кимлардир пастга тушар, кимлардир юқорига чиқар эди. Тасодифан ёнимда бирга-бирга тушаётганларга назар ташлаб, Мунаввар Эшоновни таниб қолдим. Бу ўша — бирор ҳафта аввал бизнинг ишхонадан бўшаб, бошқа ёкка кетган Эшонов эди. У ҳам харид қилган нарсаларини катта қоғоз халтага солиб, бола кўтаргандек кўкрагига босиб олган эди.

— Ҳа, Мунаввар ака,— дедим.— Ассалому алайкум!

— Ва алайкум...— У ҳам жилмайиб қаради.— Э, Боқижон, қаранг-а, кўрмабман...

Сўраша-сўраша зиналардан пастга тушдик. Мунаввар Эшонов, шошилиб турганмиди ёки мени, шошилаяпти, деб ўйладими, хайрлашиш учун қўл чўзди. Мен ҳам қўл чўздим-у, аммо унинг қўлини қўйиб юбормадим.

— Манови ерда — эски хаммомнинг ёнида чойхона бор, ўзингиз мендан ҳам яхши биласиз,— дедим.— Ўша ерда бир чойнаккина чой ичайлик, йўқ демасангиз, беш дақиқагина суҳбатингизни олайлик.

Мунаввар Эшонов йўқ деёлмади. Бу одамни илтимос қилиб, суҳбатга олиб қолишимдан мақсадим унинг қанақа сабаб билан биздан кетиб қолганини билиш, қолаверса, одам ҳодис, мендан хафа эмасмикин мабодо, бордию ўзим билмай қачондир ранжитиб қўйган бўлсам, бироз кўнглини олиш эди.

Чой устида оилавий аҳволдан, ҳозирги иш жойидаги мавқеядан, машидан сўз очдим. Уни бироз сўзлатганимдан кейин:

— Ойлигида унча тафовут йўқ экан-ку, Мунаввар ака,— дедим.— Шунақа экан, ўзимизда ишлаб юраверсангиз ҳам бўларди.

— Ўзимнинг ҳам кетгум йўқ эди,— дея салгина кўнглини ёриб қолди собиқ ишдошим.— Иссиқ жойимни совутаман деб ўзим ҳам ўйламовдим. Ноилож қолгандан кейин одам мажбур бўлар экан-да.

— Қизик гап-ку, Мунаввар ака,— дедим ҳайронлик билан.— Нима мажбур қилди, мен билмайман-ку, ахир?

— Э, қўяверинг, айтишга ҳам арзимайди,— қўл силтади суҳбатдошим.

— Ўзи арзимайдиган нарса бўлсаю, сиздай тажрибали одамни ишдан кетқизса. Демак арзир экан-да.

— Энди фойдаси йўқ, ука.

— Мабодо мендан хафа бўлсангиз, айтинг ҳозир, ўзим билмай бирор гап айтиб юборган бўлсам, тиз чўкиб кечирим сўрашга тайёрман!

— Э, қизик экансиз, Бокижон, сиз ахир бировни хафа қиладиган одам эмассиз-ку.

— Бўлмаса нима, айтинг-да, одамни хижолат қилмай.

— Оббо сиз-ей, бир нарсанинг тагига етмагунча қўймас экансиз-да. Майли, айтсам айтай. Мен асли анови қанжик туфайли кетдим салкам йигирма йиллик иш жойимдан.

— Қимни айтаяпсиз, Мунаввар ака?

— Ўша-да, Симобий аблаҳнинг ўйнаши, Танзила!

— Ие, қандай қилиб кетқизади сизни? Ўзи кичик ходим бўлса. Нахотки у ўйнаши бўлса?

— Айтаяпман-ку, ўша туфайли, деб. Танзиланинг ўзи кетқизгани йўқ, ўша ярамас сабаб бўлди-да ишқилиб. Бир куни иш билан муҳаррир хонасига кириб, икковининг устидан чиқиб қолдим...

— Устидан чиқиб қолдингиз?

— Оббо сиз ҳам тушунмас галча экансиз-да, Бокижон... Симобий аблаҳ эшигини ичкаридан кулфлашни унутибдими ёки шошганми, э кап-катта одам, униси қизи тенгги, айтишга ҳам тил бормади, иккалови бир-бирига қапишиб туришибди — битта одамдек бўлиб қолишган. Кўрдим-у ижирганиб эшикни ёпдим.

— Епирай!.. Наҳотки?..

— Нима, ишонмаяпсизми?— Мунаввар Эшоновнинг хуноби ошди.— Ишдан кетдим-ку ахир, шунда ҳам ишонмайсизми? Сизга ўхшаганларни ишонтириш учун ўлишим керакми?!

— Йўғ-е, худо сақласин, ака. Лекин... ахир нима учун сиз ишдан кетдингиз керак шу иш учун? Ахир уларнинг ўзи уялиши керак-ку!

— Авваласи, уяти бор одамлар бундай номаъқул ишни қилмайди, Бокижон.

Барибир мен ҳали ҳам ҳайрон эдим.

— Хўп, ана, сиз шу ишни кўрибсиз, дарҳол эшикни ёпиб қўйибсиз, билишимча, ҳали ҳеч кимга айтмагансиз.

— Ҳа, айтганим йўқ, мана шу нон ҳақи биринчи бўлиб сизга айтаяпман.

— Ҳеч кимга айтмаган бўлсангиз, индамай ишлаб юраверсангиз бўлмасмиди? Ахир, ўша иблислар сизнинг олдингизда хижолат бўлишса керак?

— Э, ука, содда экансиз. Хижолат бўлиш қаёқда! Қайтанга: «Мени пойлаб юрар экансиз», деб зуғум ўтказаверди-ку. Ишим энди ўнганмаслигини билдим. Инфарк бўлиб колмасдан кетақолай, дедим. Бозор Симобийнинг кимлигини кўп эшитганман: ёмон кўрган одамни инфарк қилмасдан қўймайди. Шунақа гаплар, ука. Иккаласини ўша ҳолатда кўрганамдан кейин таҳририят, назаримда, наҳс босгандек бўлиб кўринаверди. Ўзим кал, кўнглим нозик, дегандек, ахир биз ҳам одаммиз-да, ука.

Мунаввар Эшонов сўзини тугатди. Мен лолу ҳайронлик ичра сукутга толдим. Бир муддатдан сўнг ҳаётнинг нотантилигидан нолигандек дедим:

— Худди ўша — ўзингиз қўлга туширган Танзила ҳозир сизнинг ўрнингизда ишляпти, бунисига нима дейсиз?

— Ҳаёт ўзи шунақа экан, ука, яшайверсангиз жуда кўп кизик ишларни кўраверар экансиз.

Ҳа, ҳаёт турфа рангларда кечаверар экан. Мана кўрдингизми, наҳс босганлар иззату эъзоздаю ҳалол-покизалар рухий азобда!

Танзила Ҳамроева машинкачиликдан ижодий ишга ўтиб олганидан кейин, худди мен ўйлаганимдек, кескин ўзгарди. Шунчалик ўзгардики, агар уч-тўрт ой муқаддам уни кўрган одам ҳозирги юриш-туришини, хатти-харакатини, муомаласини кузатиб, Танзилани бемалол танимаслиги мумкин эди. Энг аввало машинка олдида ўтириб, материал босишни мутлақо тарк этди. Ҳатто ўзининг майда-чуйда шахсий материалларини ҳам бошқа машинкачиларга берарди. Бўлимга келган хатлардан онда-сонда бир-икки материални нари-бери тайёрлаган бўларди-да, бошқа пайтларда қиладиган ишининг тайини йўқ эди.

Ҳа, қиладиган ишининг тайини йўқ эдию, яна бунинг устига эрка-танतिकлиги ортикча эди. Ўзини бамисоли уй бекаларидек

тутарди. Бамисоли тахририятимиз бир бутун оила эдию, эркак ходимлар Танзиланинг қайинлари, хотин-қизлар эса қайин-сингиллари эди! Ўзи-ку эрка-тантхликни хуш кўрарди, бирок ходимлар унга ижирғаниб қарашарди.

Бора-бора кўпчилик ўзини ёктирмаётганини сезган Танзила хар хил йўллар билан кўпчиликнинг жиғига тегадиган бўлди: летучкаларда ҳам, шунчаки хоналарга кириб-чикиб юганида ҳам гоҳ у ходимни, гоҳ бу ходимни менсимай гапираверарди. Бозор Симобий унга тўла эрк бериб қўйганди. Эрк бериб қўйиш билан чекланмасдан, баъзан Танзиланинг гапларини дастур қилиб кўтариб ҳам юрарди.

Ўша кунлардан бирида эрталаб сўрашиш учун Бозор Симобийнинг хонасига кирган эдим, ўтиришга таклиф этди. У ёқ-бу ёқдан озгина гаплашган бўлдик.

— Менинг муовиним хақида қанақа фикрдасиз, Бокижон?— деди бир маҳал гап орасида Бозор Симобий.

— Қандай фикрда бўлардим, рисоладагидек одам,— дедим.

— Сизнингча, шу одам ўз ўрнидами ёки шу ўринга номуносибми?

— Менимча муносиб. Нима эди, Бозорбой ака, бирор киши бир нима дедими?

— Танзила шунақа бир гап айтаяпти.

Жаҳлим чикиб миямга қон тепдию, аранг ўзимни босдим. Аччиғим келганини билдирмасдан тахририят «бекаси»нинг бошқа ходимлар хақидаги фикрини ҳам билиб олишим керак эди.

— Нега унақа деганикин Танзила? Қизиқ, муовинингизни ёмон кўрармикин? Еки бошқа ходимлар хақида ҳам шунақа гаплар айтадими?

— Хамма хақида гапиради.— Бозор Симобий ёкимсиз илжайиб қўйди.— Ўзича маслаҳат беради-да. Унинг гапига кирадиган бўлсам, тахририят бутунлай ўзгариб кетади. Лекин... баъзи гапларида жон борга ҳам ўхшайди.

— Кўрдингизми, менинг айтганим келди, Бозорбой ака.

— Қайси айтганингиз?— ўзини билмаганга олди Симобий.

— Хў ўша — Танзилани ижодий ходимликка кўтармокчи бўлиб маслаҳатга чақирганингизда айтувдим, ҳаммамизнинг бошимизда ёнғоч қақди, деб. Умуман олганда ким у Танзила ва нима учун муовиннинг тақдири хақида фикр билдиради? Маънавий ҳуқуқи борми шунга, Бозорбой ака?

Бозор Симобий менинг асабларимни яна бир қарра синаб кўриш учунми, яна бепарво жавоб берди:

— Хар кимнинг шахсий фикри-да, Бокижон.

— Шахсий фикрнинг падарига лаънат, ҳали бирор иш қилиб улгурмаган бир одам муҳаррир муовинининг ҳаётини ҳал қилса! Тегига пахта қўяверсангиз шу-да!

Бозор Симобий яна боягидек ёкимсиз илжайиб қўйди:

— Нега жаҳлингиз чиқади, Бокижон?

«Уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани, худо урсин

хўжани!» деган гап бор. Танзила деганимиз гарчи хўжа авлоди булмаса ҳам, тақдир тақозоси билан, ўшанақа кепатага келиб қолган эди. Агар яратган эгамнинг ўзи марҳамат қилиб бизга ёрдам бермаганида Танзила ҳаммамизнинг асабимизга қанчалик тегиб, бошимизга не кунларни солиши ноаниқ эди.

Кўпчилиكنинг дуосида ҳикмат бор-да. Вақти-соати етиб Танзила деганимиз кўп ухлайдиган одат чиқарди — столга бошини қўйганича куни билан ухларди. Таҳририят ходимларининг кулоқлари, асаблари, вақтинча бўлса ҳам, анча дам олволди. Ходимларнинг жонига оро кирган ухлаш жараёни тахминан икки ойча давом этди. Шундан кейин Танзиланинг қанақадир касалга чалиниб шифохонага тушганини эшитдик. Унинг қайси шифохонада қанақа касал бўлиб ётганини таҳририятимиздаги эркаклардан ҳеч ким билмади ҳам, кизикмади ҳам (БОЗОР Симобий бундан мустасно албатта).

Бир мунча вақт ўтганидан сўнг машинка бўлимида ишлайдиган икки қизнинг аллақанақа шифохонага бориб, Танзилани кўриб келишганини эшитдик. Маълум бўлишича, Бозор Симобий қизларни ўз хонасига чақирибди-да: «Битта жойда ишласаларингиз-у шифохонага тушган одамни кўриб келмасаларингиз уят бўлади», дебди-да харажат учун ёнидан йигирма беш сўм чиқариб берибди. Эсизгина, хотинбозликни давлат ҳисобига бажариб юрган бўлса ҳам барнбир йигирма беш сўм харажатга тушибди-да! Кўп жабр бўлибди Бозор Симобийга!

Машинка бўлимига бир гал кирганимда қизларни салгина гапга солиб сўрадим:

— Танзилани кўриб кепсизлар деб эшитдик, яхши эканми?

Қизлар бир-бирига қараб пиқиллаб кулиб юборишди. «Ҳа, шумтакалар!» деб қўйдим ичимда.

— Танзила опа сизга ҳам салом деб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар Танзилахон,— дедим.— Касали нима экан у кишининг?

Қизлар яна пиқиллаб кулишди, жавоб беришмади. Мен ҳам ҳазил-мутойибали гап қилдим:

— Шифохонага боришдан олдин бизга ҳам бундоқ учрашмабсизлар-да, бозор харажатига озроқ пул-мул берардик.

Қизлар бу гал шарақлаб кулиб юборишди.

## БУВАКИНИНГ ҚУВВАТИ

Баъзан Танзила билан Бозор Симобий ўртасидаги муносабатни ўйлаганимда бундан салкам ўттиз йиллар аввалги воқеалар эсимга тушади. Сокинахон билан ҳарбий хизматда юрган эрининг Бозор Симобийга давара қилиб келишганини, сўнгра, бироз вақт ўтганидан кейин, Инқилобхон исмли машинкачи жувоннинг: «Мухарриримиз, мен билан юринг», деяпти», деб кўзёш тўкиб нолиш қилганини беҳтиёр хотирлайман. Демак, ўша аёлларнинг шикояту нолишлари ҳам бежиз эмас экан-да.



Мен нодон ўшанда соддалик қилиб ўзимча Симобийни эмас, аслида озор чеккан аёлларни айблаб юрибман! Шамол бўл-маса теракнинг учи қимирламайди, дейдилар-ку ахир, пишма-ган хомкалла!

Майли, у гаплар ўтмишга айланиб кетди-ю, Бозор Симобий-нинг эндилик кунда — ёши олтмиш билан етмишнинг оралигида турган бир пайтда Танзила билан борди-келди қилиши, яъни ўртанчи кизи тенгги аёлга ёндашиб, шивир-шивир гапларга чалиниб юриши одамни ранжитади-да! Шахсан мен эркак билан аёл ўртасидаги муносабат масаласида анча демократ одам-ман. Қўлидан келган эркак, майли, бир йўла икки нафар хотин билан яшасин, бироқ иккаласини ҳам барча қулайлик-лар билан таъминлаб қўйсин — мардона иш тутсин. Жамияти-мизда эркаклардан кўра хотин-қизлар кўпчиликини ташкил қи-лаётган экан, инсоф ва шарият чегарасидан чиқмаган эркакни ҳам, аёлни ҳам кечириш мумкин. Бироқ Бозор Симобий сингари давлат ҳисобига хотинбозлик қилиш, ўзи хизмат этиб турган ишхонани (Ота-боболаримиз ишхонани пирхона деб ата-ганлар ва ишхонада бетаҳорат юрмаганлар!) нахс бостириб юбориш ҳеч қанака рисолага сиғмайди-да!

Бир эшитувдим, қадимги чорвадорларда шундай гап бор экан: тўрвадан ем еб ўрганган от тўрва кўринмай қолса, эгасининг қўйнига бошини тикармиш. Бу гап бир томондан: «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деган халқ мақолига ҳам ўхшаб кетади. Бозор Симобий — от эмас, унинг еб юрган емиши — ем эмас албатта. Аммо-лекин ўзи билмаган ҳолда ўшанака — емхўр отга ўхшаб қишнайверадиган бўлиб қолган экан шекилли, Танзила билан борди-келди қилиб, шивир-шивир гап-сўзга чалинганидан кейин ҳам тинч юрмади.

Таҳририятимизнинг машинка бўлимида икки киши ишлайди: Малоҳат билан Нигора. Малоҳат деганимиз эридан ажралиб бир боласи билан ота-онасиникига келиб қолган кўркемгина жувон. Ҳам кўркем, ҳам ақлли жувон. Шундай бир соҳиб-жамолнинг кадрига етмаган тўқимтабиат эрнини сўқиб юборгин-гиз келади. Иккинчи машинкачи — Нигора деганимиз ҳали қиз бола. Дорилфунуннинг кечки бўлимида ўқийди.

Бозор Симобий авваллари ҳам ўша хонага тез-тез кириб, Малоҳату Нигора билан қўл бериб сўрашиб, иш куни тугаган пайтларда алоҳида хайрлашиб юрарди. Хайрлашаётганида яна уларнинг қўлини оларди. Негадир раҳбаримизнинг бу қилиғи менга бачкана туюларди. «Бир тарафи муҳаррир деган номинг бор, ҳой инсон, иккинчи тарафи ёшинг бир жойга бориб қолган одам бўлсанг, бунака қилиб юриш сенга нима зарур ўзи?» деган гаплар кўнглимдан кечарди. Аммо ўша пайтларда Бо-зор Симобийдан хафа бўлмаслигим керак экан. Хафа бўлади-ган гаплар кейинроқ чиқди.

Малоҳат билан Нигора муҳаррирнинг топшириғи билан ши-фоҳонага бориб, Танзилани қўриб келганларидан кейин Бозор Симобий машинка бўлимига аввалгидан ҳам серкатнов бўлиб

колди. машинка бўлимининг эшиги гоҳо очик турганида коридордан кўриб ўтардим: Симобий оромкурсиди ўтириб олганича кизлар билан чакчаклашарди. Бундай ҳолат баъзан ярим соат, ҳатто бирор соат давом этарди. Мен ўзимча: «Бу кизларимиз Танзилага бориб келишлари муносабати билан Бозор Симобийга ҳамзабон, беғараз сирдош бўлиб қолишгандир-да, энди ота-болалардек гаплашиб ўтиришибди», деб ўйлардим.

Орадан бир-икки ойлар ўтиб, кутилмаганда Бозор Симобий машинка бўлиmidан негадир оёғини узди. Узок ўтириб чакчаклашиш у ёқда турсин, умуман ўша хонага кирмай кўйди муҳарриримиз. Ҳатто у иш куни тамом бўлиб, уйига қайтаётганида ҳам кизлар билан хайрлашмасди. Аксинча у иш пайтида Малоҳат билан Нигорани ўз хонасига тез-тез чақириб, битта-яримта ҳарфий хатоларни пеш қилар, машинка бўлимига бегоналарни киритмасликни, таҳририят материалдан бўлак нарсаларни сираям босмасликни зуғум билан таъкидлар эди.

Нега бунчалик жазаваси кўзиб юрганининг сабабини қани бир билиб кўяй, деган мақсадда бир куни машинка бўлимига кирдим. Бозор Симобий ҳамиша чакчаклашиб ўтирадиган ором курсига чўкдим-да, иссиққина чой бор экан, бир пиёла ичдим. Шу аснода, ҳеч қанақа гап эшитмаган бўлсам ҳам, ўсмокчилаб гап бошладим:

— Малоҳатой, нима бўлди ўзи, тақсирни хафа қилиб кўйибсизлар деб эшитдик?

Бозор Симобийни, гарчи соқол-мўйлов кўймаган бўлса ҳам, ёши бир жойга бориб қолганлиги учун, Малоҳатун Нигора тенги кизлар ҳам, ёши ҳали ўттизга бориб-бормаган йигитлар ҳам ҳурмат билан «тақсир» деб атайдилар. Замонасига қараб бўлаверар экан-да, Қуръони каримнинг биронта сурасини ёд билмайдиган, умрида ҳатто «бисмилло» деган сўзни ошқора айтишга юраги бетламаган одам қанақасига тақсир бўлсин?! Дунёда имонсиз одамлар кўпайиб кетгандан кейин таборик сўзлар ҳам хор бўлар экан-да ўзи!

Шундай қилиб десангиз, машинкачи кизларимизга ўсмокчилагандек юқоридаги саволни ташлаган эдим, улар аввалига кулиб кўйишди. Сўнгра Малоҳат:

— Тақсирингиз ўзларининг ҳурматларини билсинлар-да!?!— деди.— Ҳаммани ўзларига ўхшатиб гож деб ўйлама-синлар-да!.. Қариганда қилик чиқаргандан кўра, ёшларга тўғри йўл кўрсатсалар бўлмайдими? Қани, ўзингиз айтинг-чи, Боқижон ака, ахир мен ўша одамга тенгманми?.. У кишининг гапига кирсам...

Малоҳат, ҳа, ҳамишаги хушчакчак Малоҳат ҳозир кулмасдан, чинакам хафа бўлиб сўзларди. Унинг айтаётганлари менинг учун мутлако кутилмаган янгилик эди.

— Нима гап ўзи, Малоҳатой, бундоқ тушунтириброк сўзланг,— дедим.

Иккинчи машинкачи кизимиз Нигора, ҳали ёш бўлса ҳам жуда хушёр-да, ўрнидан турди-да, шиша кумфонни олиб, сув

келтиришга чиқиб кетди. Малоҳат Бозор Симобий билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган гапни сўзлаб берди.

Унинг айтишига кўра, Бозор Симобий ҳар кунги чақчақлашиб ўтириши давомида Малоҳатга кармоқ ташлайбошлабди. Малоҳат ҳам дастлаб: «Тақсирим шунчаки ҳазиллашаяптилар», деган ўйда унча парво қилмабди. Симобий кўпинча ҳингиллаб кулганича ундан: «Ҳозир ким билан юраяпсиз?» деб сўрайдиган бўлибди. «Мени унақа деб ўйламанг, тақсир, — деяр экан Малоҳат шундай пайтларда. — Турмушдан ажралган одамман, ўзимни тутиб юришим керак эмасми?» «Ўзимни тутиб юраман деб гулдек умрингизни ўтказиб юраверасизми? Шундай ҳусну шундай кадди-комат билан-а? Ишонмайман». «Ишонмасангиз ўзингиз биласиз, тақсир». «Сиз барибир ким биландир юрасиз, кўнглим сезиб турибди. Мен барибир ўша одамни топаман». Бозор Симобийнинг гаплари ғоятда бачкана туюлганидан бўлса керак, Малоҳат шарақлаб кулиб юборибди-да: «Топсангиз нима бўлади? Сизга нима қизиғи бор, тақсир?» дебди. «Топсам қулоқ-чаққасига битта ураман-да, сизни ундан тортиб оламан», дебди ҳурматли тақсир! Малоҳат бечора зўрма-зўраки бўлса ҳам яна кулибди: «Сиз-а? Сиз тортиб оласизми, тақсир?» дебди. Наҳотки шу даражага борсангиз, аҳир қариб мунқиллаб қолаяпсиз-ку, демоқчи ҳам бўлибдию, тағин ҳам андиша қилибди. «Йўк, сизнинг айтганингиз бўлмайди, тақсир. Билиб қўйинг, мен — Танзила эмасман!» дебди.

Яхши отга — бир қамчи, ёмон отга — минг қамчи, дейдилар. Малоҳатнинг шу гапидан кейин тақсирим ими-жимиди эсларини жойига тушириб, этакларини ёпсалар бўларди! Аммо, у киши осонликча чекинадиганлар тоифасидан эмаслар-да! Ўша кунларнинг бирида хонага Бозор Симобий кириши билан кичик машинкачи Нигора кечки машғулотга бориш учун дорилфунунга жўнабди. Шу пайт Бозор Симобий шартта ўрнидан турибди-да, эшикнинг калитдоида турган калитни бураб, хонани ичкаридан кулфлабди. Машинка олдида ўтирган Малоҳатнинг устига бориб энқайибди. Шу баробар жувоннинг юзидан ўпиш учун лабини чўзибди, қўлтиғидан қўлини ўтказиб кучоқламоқчи бўлибди. Тақсирнинг бу даражагача боришини кутмаган Малоҳат дастлабки онларда хиёл довираб қолибди.

— Э... тақсир, бу нима қилик?.. Қочинг! Э... уятсиз! Чикинг хонадан!..

Тақсир эса, коридордан ўтиб қайтаётганлар ногаҳон эшитиб қолмасинлар, деган ўйда бўлса керак, шивирлагандек паст овозда, аммо шоша-пиша сўзлармиш:

— Жоним... Сизсиз туролмайман... Ижодий ходимликка кўтараман сизни. Сиз шунчаки Малоҳат эмассиз, чиндаки маликалардек гўзалсиз. Сизни журналистлар союзига ўтказдираман! Хўп дейқолинг...

Ана, кўрдингизми, Бозор Симобийнинг хотинбозлик услуби мутлақо ўзига хос, бутунлай янгича, яъни оригинал! Бу жи-

хатдан у бошка хотинбозлардан анча устун турса керак! Бошка оддий хотинбозлар бунақа лахзаларда, айтайлик: «Жоним, сизга бир кийимлик атлас олиб бераман, чет эл туплисидан совға қиламан, қулоғингизга тилла зирак такаман», сингари ваъдалар бериши мумкин. Бозор Симобий эса, унақа харажатлардан гап очмайди, аксинча, севгилисини ижодий ҳодимликка кўтаришни, журналистлар уюшмасига аъзо қилиб кўйишни ваъда беради! Ахир у шунчаки оддий хотинбозлардан эмас-да, маъмурий-буйрукбозлик даврининг мукамал вакили бўлган ижтимоий-сиёсий хотинбоз-да!

Майли, хикоямизга қайтайлик. Дастлабки онларда бироз довдираб қолган Малоҳат бундок қараса, аҳвол ташвишли — салгина бўшлиқ қилса, шаъни булғанади! Шунинг учун ўтирган жойидан бир амаллаб турибди-да, ҳар қалай, ёш-да, билагиди кучи бор, таксирни итариб бориб хамишаги ўтирадиган жойига — ором курсига ўтиргизиб кўйибди. Вақт ўтказмай эшикдаги қалитни бураб олибди-да, қайтиб ўз жойига келиб ўтирибди.

— Уялмайсизми, таксир?— дебди Малоҳат сочларини бироз тартибга келтиратириб.— Ахир шу идоранинг бошлиғи бўлганингиздан кейин ҳаммамизнинг отамизсиз-ку! Ўзингиз ўйланг, кичик қизингиз тенгиман-ку мен! Наҳотки шу даражага борсангиз. Ўзингизнинг кичик қизингизга сиздек кекса одам ёпишса, шунақа ишни раво кўрармидингиз?..

Малоҳатнинг бу гапидан кейин, агар Бозор Симобий чинакам виждонли одам бўлса, мулзаму лол аҳволда ўтириб қоларди ёки ўтиришга юзи чидамай хонадан чиқиб кетарди. Чунки унинг ўша — Малоҳат эслатган кенжа қизи бир эмас, иккита эрдан чиқиб, иккита боласи билан бева ҳолда ўтирарди, бошка бир идорада ишлаб юрарди. Буни қарангки, Малоҳат таксиримнинг ўша қизини эслатганидан кейин ҳам Бозор Симобий бўш келмабди. Малоҳатга нима дебди денг:

— Менинг кенжа қизим ҳам ўзи ишлаётган жойда «ризикни» териб еб юргандур-да. Сизга ўхшаб бунчалик асов бўлмаса керак...

Мана сизга бир мусулмон бандаи мўминнинг ўз фарзандининг шаъни-номуси ҳақидаги фалсафаси! Ҳа, ишонаверинг, Бозор Симобий ҳам эътиқод нуктаи назаридан мусулмонлар сирасига киради ва ўлганидан сўнг, албатта ислом динининг сунний маҳзаби кавмида унга жаноза ўқилиб кўмилади!

Бирок, Бозор Симобий шунча ёшга қираётган бўлса ҳам ўлим деб аталмиш даҳшатли ҳодисани ҳали умуман эсига келтирмайди. (Ўлимни ҳар замон-ҳар замонда ёдга олиб туриш дини исломнинг мўминларга берадиган уқдирмаларидан биридир. Зеро, бу нарса ҳар бир одамни инсоф ва диёнатга, ҳақиқат ва адолатга чорлайди, ноқис ва ҳаром ишлардан тийилишга олиб боради). Агар бир йилда бир марта эсига келтирганида ҳам бунчалик ноинсофликка бормасди-да!

Биз — тахририят ходимларидан уч-тўрт киши гоҳо чойхонада, гоҳо ошхонада суҳбатлашиб қолганимизда ўзимизча бир нарсага хайрон бўлардик: Бозор Симобийнинг ёши-ку етмишни қоралаб қолди, уйда ўзининг ҳаққи-ҳалол хотини бор; ўзи шунча ёшга кириб ҳам ёш-ялангларга жилва қилишини қўймайди — шунга яраша куч-қувватни қайдан оларкин?

Майли, куч-қуввати бошидан қолсин унинг-у, тахририятимизни наҳс бостираётгани алам қилади-да одамга. Лекин ўшанақа суҳбатлардан бирида тақсиримнинг куч-қувватини синайдиган бир гап чиқиб қолди. Тахририятимизда анчадан бери ишлайдиган Эсон Қирғиз — ўзи ичкиликка бироз қизиқиб юргани учунми — чойхонада «Буваки» деб аталган винонинг хосиятини сўзлаб қолди. Унинг айтишига кўра, Тошкент меҳмонхонаси ёнидаги озиқ-овқат дўконида сотилаётган шу хил рангли винони ёш-яланглар эмас, аксарият қари-қартанглар талашиб-тортишиб обкетишаётганмиш. Сабаби: шу хил винодан ичган отахонлар қувватга энармишлар ва... уларнинг кампирлари ҳам чолларидан хурсанд эмишлар...

Эсон Қирғизнинг бу гапи кичкина даврада кулгига сабаб бўлди.

— Ўша винодан тақсирим ҳам ичиб турсалар бўлар эканда, — деди кулги асносида суҳбатдошларимиздан кимдир.

— Тўғри айтасиз, гап келиб қолганда тавсия қилсак бўлади, — дедим мен. — Эсон Қирғизнинг гапини тақсир воситасида синовдан ўтказсак бўларкан...

Чиндан ҳам Бозор Симобийга бу ҳақда сўзлаш биз учун қийин эмасди. Бўлар-бўлмасга тез-тез мажлис чақириш одати бор эмасми, ўшандай йиғилишларнинг охири кўпинча худди шунақа бачкана гапларга уланиб кетарди. Бозор Симобий баъзан-баъзан — оғзи қизиқиб кетган маҳалларда ўзининг бундан ўттиз-қирк йил аввал бошидан кечган «ошиқлик» тажрибаларидан ҳам сўзлаб қоларди.

Навбатдаги йиғилишларимиздан бири яна худди шу тарзда яқунланди. Кўпни кўрган тақсир эркак билан аёл ўртасидаги дийдиёларидан анча-мунчасини қалаштириб ташлади-да, нимадандир афсуслангандек:

— У даврлар бошқа эди, ёш эдик, — деди, — куч-қувват бисёр эди. Энди қаридик...

— Ҳали бақувватсиз, чунки кўнглингиз ёш, — дедим хиёл мактаган бўлиб. — Ҳар бир инсонда кўнгли ёш бўлиши керак.

— Кўнгли ёшу, Боқижон, қувват йўқ-да. Қувват бўлмагандан кейин қийин-да.

— Куч-қувват пайдо қилишнинг йўли бор экан, Бозорбой ака, — дедим буваки виноси ҳақида гап очиш пайти келганлигидан фойдаланиб.

— Қанақа йўли? — дея ҳушёр тортди тақсир.

— Аллақанақа вино бор экан, — бўлим мудури Чори Ашуров таътилда бўлгани учун унинг ўрнида вақтинча ишлаб турган ёш ходим сўзлади —...одамни қўзғайдиган...

Бозор Симобий, нимадандир шубҳалангандек бир менга, бир бошқа ходимларга кўзларини ўйнатганича кулимсиради:

— Бу гап Бокижоннинг навбатдаги писмиқликларидан биттаси бўлса керак?

Мен таксиримнинг бу гапидан хафа бўлмадим: эҳтимол, шунака хислатдан бир чимдимгина бордир менда, колаверса, Бозор Симобий учун писмиқ бўлсам бўлибман-да. Лекин ҳозир таксиримга сир бермадим, бу гап мендан чикмаганлигини айтдим.

— Мен ҳозир эшитганимни айтдим, Бозорбой ака,— дедим.— У винонинг қанақалигини ҳам билмайман, тусини ҳам кўрганим йўқ. Бизлар бу гапни Эсон қирғиздан эшитдик.

— Эсон Қирғизнинг ўзи ичиб кўрибдими?— деб сўради Бозор Симобий.

— Эсон Қирғиз-ку нима бўлса ичаверади, лекин шу гапни биринчи марта Эсон Қирғиз айтди-да бизгаям.

— Қайси гапни?

— Шу... ўша винонинг... фойдали эканини... чолларга қувват беришини...

— Эсон Қирғиз шу ердами ўзи ҳозир?— сўради муҳаррир.

— Боя ўз хонасида газета ўкиб ўтирувди,— дедим.

— Эсон акангизни чакириб келинг,— деди Бозор Симобий Чори Ашуровнинг ўрнида ишлаб турган навқирон ходимга.

Ҳаял ўтмай Эсон Қирғиз хонада пайдо бўлди, курсилардан бирига чўкди. Муҳаррир унга буваки виноси ҳақида савол берди. Эсон Қирғиз бизга қандай сўзлаган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай батафсил айтиб берди. Бозор Симобийнинг юзида қандайдир мамнунликми, қизиқишми, нимадир зоҳир бўлди.

— Узингиз ичиб кўрдингизми, Эсонбой?— деб сўради таксирим.

— Ичиб кўрганим йўқ,— деди Эсон Қирғиз ва енгилгина қулиб қўйди.— Ҳали у ёшгача етмадик-ку, уч-тўрт йилдан кейин ичсак бўлар...

Бозор Симобий шу гапдан кейин яна бир нимадан шубҳалангандек (аслан ўта даражада шубҳачи-да) ҳаммамизга аланг-жалаңг қараганича кулимсиради-да, деди:

— Мени қариди деб ўйлаяпсизларми-а? Мени алдаб кулгига кўймоқчи эмасмисизлар? А, Бокижон?

Ҳозиргина Бозор Симобийнинг ўзи айтганидек, озгина писмиқлигим тутди:

— Ҳаёт учун керак нарсанинг нимаси кулгили, Бозорбой ака?— дедим ғоят жиддий киёфада.— Керак одам олиб ичаверади-да. Мен ҳали ишдан қайтаётганимда ўша винодан уч-тўрт шиша обкетмоқчиман уйга. Яхши ният билан олиб қўяман. Вино деган нарса айнинамайди, ўн-ўн беш йилгача бемалол тураверади. Баъзи одамлар учун кулгили туюлару, аммо вино, қрняк деганлари ҳам табиатнинг неъматидир.

Бундай жиддий гапдан кейин Бозор Симобийнинг кўнгли-

даги шубҳа тарқади шекилли, йиғилишни тугатди. Шу аснода менга, бир дақиқага қолинг, дея имо килди-да, эшикдан чиқиб кетаётган навқирон ходимга деди:

— Корректор Аъзамжонни чақириб юборинг, ишим бор,— сўнгра бир кўзини қисиб қўйди.— Эксперимент ўтказамиз-да.

Аъзамжон хаял ўтмай хонага кириб келди.

— Чақирдингизми, таксир?

— Агар кўлингизда ишларингиз кўп бўлмаса, сизга кичкина бир хизмат бор,— деди муҳаррир.

— Майли, таксир, ишим кўп эмас.

— «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги гастронимга бора-сиз,— Симобий менга қаради.— Тўғрими, Бокижон?— Мен маъқуллаб бош қимирлатиб қўйдим.— Ўша дўконга кириб, «Буваки» деган винодан уч шиша оласиз.— Муҳаррир яна менга қаради.— Нархи қанақа экан, Бокижон?

— Анигини билмайман, Бозорбой ака. Рангли вино эмиш-ку, уч сўм-уч ярим сўм турса керак. Катта, етти юз грамлик шишада бўлади-да.

— Ҳа, етти юз грамлик шишада,— деди Бозор Симобий ёнидан пул чиқаратуриб. Аъзамжоннинг кўлига битта ўнтаклик, иккита бир сўмлик узатди.— Уч шиша оласиз. Агар бу пул етмаса, мен яна бераман.— Эшикдан чиқиб кетаётган корректорга яна уқтирди.— Эҳтиётдан тўрхалта олволлинг, қўлингиздан тушиб, синиб-нетиб юрмасин!

Бозор Симобий ўша куни ҳаммишагидан бир-икки соат барвақтроқ гараждан машина чақирди. Бунгача у Аъзамжон келтириб берган шишаларни алоҳида-алоҳида қоғозга ўраб тўрхалтага солиб қўйган эди. Муҳарриримиз бир қўлида кичикроқ папка, иккинчи қўлида шишалар жойлаштирилган тўрхалта билан таҳририятдан чиқиб борар экан, ходимлар бир-бирларига қараб қулиб қўйдилар.

— Буваки синовдан ўтадиган бўлди-да.

— Эрта-индин натижасини эшитиб қолармиз?

Аммо натижасини билиш сал қийинроқ бўлди. Чунки Бозор Симобий эртасига ҳам, индинига ҳам ғоят жиддий тутди ўзини, вақтида ишга келиб, вақтида кетди. Бир куни ойлик режамизни тузиб олдик, иккинчи куни летучка ўтказдик. Барибир буваки виносининг қуввати бўйича олиб борилган тажрибанинг натижаси номаълумлигича қолаверди. Бунақа гапни дабдурустдан сўраш ҳам ноқулай-да, оиланинг ички ишларига аралашгандек бўлиб қолади одам.

Ниҳоят, учинчи кунимиди, тўртинчи кунимиди, аниқ эсимда йўқ, мавруди келди Бозор Симобийдан ўша гапни сўрашнинг. Одатдагидек таксиримнинг хонасида уч-тўрт киши суҳбатлашиб ўтирардик. Муҳарриримиз гапга қизиқиб кетиб айрим қарияларнинг саксон-тўксон ёшларда ҳам фарзанд кўришларини айтиб қолди.

— Тўксонбой исмли одамлар бўлади-ку,— деди Симобий бизга алоҳида уқтириб,— ўшалар, демак, тўксон ёшли чолдан тугилган бўладилар.

Мен мавруди келиб қолганини ҳис этиб, секингина гап қўшдим:

— Уша отахонлар ҳам буваки виносидан ичиб турсалар керак-да?

Хафсала билан гапириб турган Симобий бирданига жимиб қолди. Аввалига қизариб кетди, салдан кейин, уялгандек, юзига табассум югурди, бошини хиёл сарак-сарак қилди:

— Хе, бувакингиз қуриб кетсин! Бўлмади...— деди таксирим афсус билан.— Аввалги бори ҳам йўқ бўлиб қолди...

— Қанақасига йўқ бўлди?— дедим мен ўзимни соддаликка солиб.— Ахир диалектик материализмда, мода бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, дейилган-ку?

— Диалектикангиз ўз йўлигаю, Ғокижон, мактаган бувакингиздан иш чиқмади. Қайтага кеннойингиздан гап эшитдим. Товба, ўшани ичганимдан бери уйқудан бош кўтаргим келмайди.

Мен Бозор Симобийнинг аҳволига ачингандек унга тикилдим, хаёлимдан шундай сўзлар кечди: «Ҳолингиз шу экан-да, тақсир! Булокбошига бориб сув тўлдириб келиш қўлингиздан келмас экан, бир йўла уч-тўртта кумғонни кўтариб юрганингиз нимаси?»

#### ҚЎРҚИНЧЛИ СЎЗЛАР

Оббо лаънати маъмурий-буйрукбозлик даври-ей! Одамларни не-не куйларга солмадинг-а! Сен бадбахт давр туфайли инсонлар фақат бир-бирларидан эмас, ҳатто жонсиз нарса бўлган оддийгина ҳарфлардан, яъни айрим сўзлардан ҳам кўрқадиган бўлиб ўсдилар. Фикрлар шу қадар тўмтоқ ва беўхшов, мулоҳазаю мушоҳадалар шу қадар қисқа ва ғайритабиий бўлиб қолдики, Амрико ёки Жобарко сингари мамлакатларда ўсган маймунлар бемалол бизнинг устимиздан кулсалар арзирди!..

Турмуҳаммад исмли шўринг қурғур бир журналистни яхши биламан, «очлик», «очқолиш» деган сўзлардан ўлардай кўрқарди. Нега деб сўрасангиз:

— Ҳай-ҳай, эҳтиёт бўлинг, укажон, шу сўз «совет кишиси» деган сўзнинг ёнига тушиб қолса борми, сиёсий хатога учраб (Ичингизда: «Оғзингдан чиқиб ёкангга тармашсин!» деярдингиз албатта), асфалософил бўласиз,— деб жавоб берарди жиддий.— Бу сўзни оғзаки нутқда ҳам зинҳор базинҳор ишлатманг! Ахир, «очлик», «очкаш» деган сўзлар совет кишиларига мутлақо ёт нарса! Чунки у социализм жамиятини қурган совет кишиси!

Ваҳоланки совет кишининг салкам етмиш йил давомида қанақа социализм қуриб, қандай бадавлат яшаганини бошқаларга таққослаб энди жуда яхши билиб турибмиз!

Шермуҳаммад исмли яна бир одам «турли-туман» деган сўзни ёмон кўрарди. Ўзим гувоҳ бўлганман, «Марксизм-лени-



низм турли-туман оқимларга қарши курашда чиникди», деган гаптадаги «турли-туман»ни ўчириб, «хилма-хил» деб тузатиб қўйди. Сабабини сўрасам:

— Шу сўз менга ёкмайди. Марксизм-ленинизмнинг ёнида «туман» деган сўзнинг туриши яхшими?— деди. Агар худди шу тарздаги фикр мабодо бирор чаласавод ақидапарастдан чикса, сира ҳам хафа бўлмасдим. Ваҳоланки Шермухаммад дуппа-дуруст файласуф — фалсафа фанлари доктори эди! Ҳа, ҳазилакам одам эмасди-да у, ўзи айтганидай, «чиниккан марксизм-ленинизмнинг» ашаддий тарғиботчиси, аниқроғи, карнайчиларидан биттаси эди, чунки шу таълимот туфайли қорни тўқ, усти бут, яна бинойидек мансабнинг ҳам эгаси эди!

Худди шу айтганларим сингари Бозор Симобий ҳам оддий харфлардан — сўзлардан кўркиш касалига мубтало кимсалардан эди. Аслида у бечорага ҳам осон тутиш керакмас! Бутун мамлакат фуқаросини безгак тутгандек ҳаяжону титроқда саклашга асосланган бир даврда сўяги қотган бўлсаю, бунинг устига феъли-атворида эҳтиёткорлик, кунгабоқардек тез ўзгарувчанлик, ўта худбинлик ва хоказо аломатлар бириқиб, унинг ўзи одамсевмаслик қиёфасининг тимсоли сифатида ном чиқарган бўлса! Ҳа, осон эмас унгаям! Ўз вақтида «Ленин», «Сталин» деган сўзларни икки-бўлиб, яъни икки сатрда ёзгани учун жавобгарликка тортилган одамларни кўрган-да ахир у! Шундай бўлгандан кейин Симобий ҳам айрим сўзлардан кўрқади-да.

Эҳтиёткорлиги, кунгабоқарлиги сабаб бўлиб Бозор Симобийнинг талаффузидаги кўркинчли сўзлар вақти-вақти билан кўпайиб туриши ҳам табиий эди.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам ходимларимиздан бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони ҳақида «Шараф» сарлавҳали мақола ёзди. Мақола бўлимдан, котибиятдан, муҳарририятдан ўтиб, босмаҳонага туширилди. Саҳифаланиб қайтадан ўқилди ҳамма томонидан. Саҳифа нусхаси босиш учун босмаҳонага қайтариб юборилаётган пайтда Бозор Симобий «Шараф» деган сарлавҳани ўчириб, «Қаҳрамонлик» деб ёзиб қўйди. Ҳаммамиз хайрон бўлдик. Тайёр саҳифада бунақа ўзгариш қилиш босмаҳона учун ҳам ортиқча ташвиш эди-да.

— Ўзи яхши эмасмиди, Бозорбой ака?— дедим мен.— Ҳозир сиз қўйган сарлавҳа оддийлашиб қолаётгандай туюлапти-да. Менимча, ўзгартирмаслик керак.

— Сабаби бор, кейин айтаман,— деди муҳаррир сирли қараш қилиб. Бошқа ходимлар чиқиб кетишганидан кейин у сарлавҳани нима мулоҳаза билан ўзгартирганини айтиб берди.— Нима учун олдинги сарлавҳани ўчирганимни билмадингизми, Боқижон? Мен сизни жуда хушёр одам деб биламан. Лоқайд бўлмаслигимиз керак! Хаёлингизга келмадими, «шараф» сўзи Шароф Рашидовни эслатиб қолади-ку! Ҳатто рус тилида Шароф Рашидов деб ёзилади. Шу нарса эсингизда йўқми?

— Айтганингиз тўғрию, Бозорбой ака, биринчидан, мақола ўзбек тилида ёзилган, иккинчидан, бордию шу сўз Шароф Рашидовни эслатса, осмон ўйилиб ерга тушадими? Нима бўпти? У шўрлик нима гуноҳ қилган ўзи халқимизга? Шароф Рашидовни айтаяпман.

— Сизнинг ҳам гапингиз тўғри, Боқижон.— Бозор Симобий ўзининг аблаҳона эҳтиёткорлигини мендан яшириш учун бўлса керак, бошмалдоғи билан марказқум тарафга ишора қилди.— Лекин, ановилар ёмон кўради-да Шароф акани..

— Ёмон кўрса кўраверсину, лекин бу мақолада гап Рашидов ҳақида эмас-ку? Нахотки, ўша одамни эслатади деб юрагимиз шунчалик пўкилласа?!

— Эҳтиёткорлик қилишимиз керак, Боқижон...— Билиб турардим, ёпишқоқлик қилиб унга тескари гапираётганим сари жаҳли кистаётган эди Симобийнинг. Аммо мен ҳам унинг шу қадар эҳтиёткорлик қилаётганидан хуноб эдим-да!

— Эҳтиёткорлик ахир бунчалик бўлмаслиги керак-да, Бозорбой ака. Бировлар эшитса кулмайдими ахир?!. Латифага айланиб кетиши мумкин бу гап...

— Латифа бўлсак ҳам майли!— деди Бозор Симобий кескин овозда. У аччиқланиб, лаблари оқариб кетди.— Зато тинч ишлашимиз керак! Бизга ҳеч ким таъна қилолмасин! Қани айтинг-чи, мен муҳаррирманми ёки йўқми? Муҳаррирлик хукуким борми, йўқми?

— Нега бунақа деб сўраяпсиз? Биров шак келтираяптими муҳаррирлигингизга?

— Муҳаррир бўладиган бўлсам, менинг гапим сўнгги гап дейилгани! Все! «Шараф» деган сўз сарлавҳада турмайди! Гап тамом!

Унинг айтгани бўлди албатта. Чунки у муҳаррир-да! Маъмурий-буйруқбозлик дейилган системанинг нодир намунаси-да у! Маъмурий-буйруқбозлар атайлаб шунақа — ўз соясидан ҳам кўрқадиган одамларни танлайди раҳбарий ишларга!..

Юкорида келтирилган мисол Бозор Симобийнинг вақтинча кўрқадиган сўзлари сирасига қиради албатта. Эҳтимол, вақти келиб Шароф Рашидовнинг номи окланиб кетса, муҳарриримиз бу сўздан зиғирча ҳам чўчимаydi. Ҳатто у, кимларгадир ёкиш учун, атайин бўрттириб ёки бир неча бор такрорлаб ёзиши, ёздирishi мумкин!

Бозор Симобийнинг умр бўйи ёмон кўриб келаётган сўзлари ҳам бор. Улар бир нечта. Раҳбаримизнинг касал бўлган одамни ёқтирмаслигини аввалроқ айтган эдим. Шунга кўра у «касалик» деган сўзни ҳам ёмон кўради. Ўзи ҳам касал бўлгиси келмайди, ходимларининг касал бўлишига ҳам, иложи борича, йўл қўймаydi. Бирор сабаб билан касал бўлиб қолган одамни тузалиб ишга чиққанидан кейин жонига теккунича гапираверади. Ахир касал бўлиш ҳам йўталиш ёки акса уриш сингари инсоннинг ихтиёридан ташқарида бўлади-ку, десангиз ҳам ишонмайди. Ўзи атайлаб касал бўлган, деяверади. Уни бу

фикридан қайтараман деган одам овора бўлади!

Бозор Симобий «таътил», яъни «отпуска» сўзини ҳам унча хушламайди. Ўзи ҳам таътилга чикмай юраверсам, деган ният-да кун кечиради. Ходимларининг бирин-кетин меҳнат таътилига чикиб кетаверишларини ғоятда оғриниб қабул қилади. Ишхонада ходимлар сони сал камаёверса, гўё унинг ҳокимияти кемтик бўлиб қолаётгандек туюлса керак-да — мен ўзимча шундай тахмин қиламан.

Бозор Симобий яна «гуруҳ», «гуруҳбозлик», «давлат тўнтариши» деган сўзларни ҳам ёмон кўради, аниқроғи шу сўзлардан ниҳоятда кўркади... Хуллас унинг мия луғатида «касаллик», «меҳнат таътили», «гуруҳ», «гуруҳбозлик», «давлат тўнтариши» сингари бир нечта сўз қора бўёқлар билан битилган ва ҳар гал шу махфилдаги сўзларни фикран ўқиганида таҳликага тушиб безовталанади, баъзан юраги орқасига тортиб кетади.

Юқоридаги бадбахт сўзлар, Бозор Симобийнинг номўтадил мулоҳазаю мушоҳадасига кўра, бир-бири билан шу қадар бирикиб кетишганки, улар тақсиримнинг яйраб-яшнаб, кўнгилларига келган номаъқулчиликни амалга ошириб юришларини кўролмайдилар! Бу мудҳиш сўзлар гоҳи-гоҳида, Бозор Симобийнинг миясида жойлашиб олганлари камлик қилганидек, тақсиримнинг ҳаётларига забунлик тилаб мажлис ҳам қилиб турадилар! Симобий эса, бундай пайтларда хуноби ошиб кетади-да, жазавага тушиб, кимдан қасд олишини билмай қолади ва арзимаган баҳона топиб бир-икки нафар ходимнинг кайфиятини ер билан яксон қилади. Исонинг аламини Мусодан олади, деганлари шу-да! Қилғиликни қилган — ўша бадбахт сўзлару, балога қолган — бегуноҳ ходимлар!

Бозор Симобийнинг жини суймайдиган сўзларнинг унга душманлиги сабабини очикроқ айтақолайлик. Тақсирим ўзлари муҳаррир бўлган таҳририятни тасавурларида мустақил давлат деб тушунадилар. Ҳа, ўн беш-йигирма нафар фуқарога эга бўлган кичикроқ давлат! Ахир ер юзида харитага туширилиши кийин бўлган давлатчалар ҳам бор-ку, бизнинг таҳририят ҳам ўшаларнинг биттаси-да!.. Майли, кўнгиллари шуни истаган экан, шу билан ўзларини ўзлари хурсанд қилиб юраверсинлар-да, дейишингиз мумкин. Тўғри, ўзларини хурсанд қилсалар лаҳадгаю, шу туфайли бошқаларни хафа қилганлари чаток-да!

Тақсиримнинг ёшлари етмишни қоралаб бораётгани сари, иложи борича, меҳнат таътилига чикмаслик ҳаракатига тушиб, қоладиган бўлдилар. Бордю меҳнат таътилига чиқиш лозим бўлса ҳам узоқроқ кетмайдилар — дам олишни уйда ўтказадилар, кун ора, баъзан баҳона топиб, ҳар кун таҳририятга ташриф буюриб турадилар. Келмай қолган кунлари телефон востасида таҳририят ишидан хабардор бўлиб турадилар.

Бу манзаранинг сабабини сезаётгандирсиз албатта. Юқорида зикр этилган кўрқинчли сўзлар Бозор Симобийни шундай хатти-ҳаракатга мажбур этиб туради. У киши ўша сўзлар

воситасида шундай тасаввурга борадилар: «Мен бу ёкда меҳнат таътилида бемалол дам олиб юраверсам, тахририят ходимлари, менинг йўқлигимдан фойдаланиб, битта гуруҳ бўлиб олсалар, тахририятда гуруҳбозлик юзага келади. Гуруҳбозлар давлат тўнтариши ясаб қўймасмикинлар?.. Шунинг учун ҳар хил баҳоналар билан тез-тез кадам ранжида қилиб, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туришим керак. Ҳамма нарсага аралашиб юрганим маъқул. Ана шунда уларнинг гуруҳ тузишга, гуруҳбозлик қилишга вақтлари ҳам, имконлари ҳам бўлмайти...»

Қани энди тақсиримга сўзи ўтадиган бирор холис дам бўлсаю: «Ҳой инсон, йўқ ердаги бўлмағур гапларни тўқиб-бичиб юргандан кўра, сен ҳам бундоқ — одамга ўхшаб дам олсанг-чи, ҳордик чиқарсанг-чи! Дунёга икки марта келасанми, нодон, ўзингга ҳам, бировларга ҳам намунча азоб берасан? Сен ўлиб кетсанг тахририятнинг иши тўхтаб қоладими?» деган гапларни уқтирса! Афсуски унинг бу дунёда бирорта ишонган одами, чинакам дўсти йўқ-да!

Лекин, дўсти бўлмаса ҳам, бирор нафар самимий равишда ишонган кишиси бўлмаса ҳам, Бозор Симобийни, ҳар қалай, одам дейиш мумкин. Биринчидан, у ҳам қачондир одам боласи бўлиб онадан туғилган. Иккинчидан, нима бўлганда ҳам, одамлар сафида юрибди-да! Икки оёқлаб юрган, тили-жағи бор бўлган ҳар қандай махлуқни одам деб аташ керак-да ахир! Учинчидан, Бозор Симобий ҳам бошқа одамлар сингари соғ-саломат юриш ёки касал бўлиш (гарчи ўзи хоҳламаса ҳам), семириш ёки ориқлаш сингари хислатларга ҳам эга. Унинг ўзи беморликдан кўра соғлом юришни, чўпдек ориқлаб кетишдан кўра, ҳар қалай, эт қўйиб юришни ёқтирадию, бироқ касаллик деганлари кўнгил истаги билан ҳисоблашмас экан-да...

Шундай қилиб, тақсирим касал бўлиб, шифохонага тушиб қолдилар. Фақат ўзлари эмас, хотинларининг ҳам тоблари қочиб, онлавий тарзда шифохонада даволандилар. Номдор кишилар даволанадиган шифохонанинг икки кишилиқ бўлмасига жойлашиб, муолажалар қабул қилишни бошлаб юбордилар.

Холисанлилло айтганда, касаллик деганлари кўп ёмон, ташвишли иш бўларкан-да. Бу борада Бозор Симобийнинг, касал бўлгандан соғ юрган яхши, деган ҳикматига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ҳа, бутун тахририят ходимлари шу гапга тўла ишондилар! Чунки Бозор Симобий ва хотинининг касалланиб даволанишга тушганлари туфайли фақат уларнинг ўзлари эмас, тахририят ходимлари ҳам катта ташвишга қолдилар.

Бозор Симобий билан хотинининг қанақа касаллик билан оғриганларини ҳеч ким билмайди. Нима билан оғриган бўлсалар ҳам касалликлари ўзларидан бери келмасин-у, улардан буни сўраш жуда қийин эди. Дарров шубҳага тушади — Симобийнинг одати шунақа. «Аҳ-ҳа, менинг касалим нималигини сўраяптими, демак ўлимимни кутаяпти», деб ўйлайди ўша

заҳоти. Шунинг учун таҳририят ходимларидан ҳеч ким уларнинг қанақа касал эканликларини сўрамади. Қимда-ким телефонда сўзлашса ёки юзма-юз кўришса: «Яхши бўлиб қолаёписизларми? Муолажалар яхши ўтаяптими?» деб сўрарди, холос. Ҳаммамиз учун шуниси тинч эди.

Э, кечирасизлар, «тинч» сўзини нотўғри ишлатиб юбордим чоғи. Бозор Симобий билан хотинининг салкам бир ой давомида шифохонада ётишлари, ҳали айтганимдай, биз таҳририят ходимлари учун ҳам нотинчлик ва ташвишли кунлар бўлди. Чунки ҳар куни камида икки нафар ходим шифохонага бориб келишарди. Бу қатновнинг боиси касал кўриш эмас (Симобийнинг кўнглини сўрайман деб кимнинг кўзи учиб турибди!), таҳририятнинг навбатдаги сонга тайёрлаётган материалларини ўқитиб, ёритиладиган суратларни кўрсатиб келишдан иборат бўларди. Симобий эса, касал ҳолига қарамасдан айрим материалларни ўқирди, айримларининг сарлавҳасини кўриб қўяқоларди, суратларни кўздан кечириш анча осон кечарди. «Мановини беринглар, мановинисини ҳозирча ушлаб туринглар, больницадан чиққанимдан кейин ҳал қиламиз», деб ажратиб берарди.

Мен ўзимча баъзан: «Бозор Симобий чиндан ҳам касалмикин ёки ўзини ёлғондан касалликка солиб, хотинига қарашиб ётганмикин?» деб ўйланиб қолардим. Ахир қизиқ-да, касал одам ўз оғриғи билан овора бўлиш ўрнига нукул ишхонамиз фаолияти билан шуғулланарди-да. Таҳририят ходимлари-ку кун сари бориб келишарди шифохонага, бунинг устига тақсиримнинг ўзлари ҳар куни камида икки нафар ходим билан телефонда сўзлашардилар.

Тан олшим керак, мен бироз янглишган эканман. Бозор Симобий мен ўйлаганимдек сохта бемор эмас, чункам касал экан. Ҳатто бир томонлама эмас, икки томонлама касал экан. Ўпканинг икки томонлама шамоллаши деб ўйламанг тагин, йўқ, бошқачароқ маънода айтаяпман бу гапни. Наҳотки эсдан чиқариб юборсак, муҳарриримиз шифохонага тушишдан олдин ҳам касал эди-ку, ахир! Ҳамиша ўз ходимларидан шубҳаланиб юрадиган, таҳририятда менга қарши гуруҳбозлик тузилай қолса, улар «давлат тўнтариши» ясаб, мени ишдан олиб ташлайдилар, деган гумонда юрадиган касали бор эди-ку, ахир! Аслида-ку таҳририятда гуруҳбозлик тузиш ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди, ҳар ким ўз иши билан овора эди. Бордию тақсирим ходимларни шифохонага чақириб, материаллару суратларни кўздан кечириб бермасалар ҳам ҳамиша иш ўз ўзани билан, ҳатто муҳаррир йўриғидан кўра яхшироқ кетаверарди. Аммо буни унга тушунтирадиган одам йўқ эди. Ўзининг ақли эса... ҳалигидай гаплар билан банд бўларди.

Тақсиримнинг, юқорида айтганимдай, ҳар куни камида икки нафар ходимга сим қоқишлари фоятда ўзига хос эди.

— Розикбой, салом алайкум!— деярдн масалан Симобий бўлим мудирларидан бирига сим қоқиб.

— Ва алайкум ассалом! Лаббай, тақсир!— дея жавоб берарди ходим унга жавобан.

— Тахририятда ишлар қалай?

— Яхши, тақсир.

— Ҳамма ўз ўрнида ишляптими?

— Ҳамма ўз ўрнида, тақсир! Ўзингиз яхшимисиз? Янгам ҳам яхшиларми? Тузалайсизларми?

— Раҳмат! Биз яхшимиз, Розикбой. Ўртоқларнинг кайфияти қалай?

— Яхши, тақсир.

— Сизга кўнглим яқинлигини биласиз-а, Розикбой?

— Биладман, тақсир. Ахир сиз — устозимизсиз-да.

— Устозлигимиз ҳам майлию, сизга ўзимни яқин олиб юраман-да доим. Шундай кўнгли яқинлик учун, айбга бўйрмайсиз, битта илтимосим бор-да. Топширик десам бўлмас-ку, илтимос-да. Шифоҳонадан чиққанимдан кейин сизни, ҳалигидай юқорирокка кўтариш ниятим бор.

— Э, шарт эмас, тақсир. Ҳозирги ишим ҳам ёмон эмас. Нима илтимос эди, тақсир?

— Гап шуки, Розикбой, ходимларни яхшилаб кузатиб юрсангиз — кимнинг олдига кимлар келади, улар нималар ҳақида гаплашади. Кейин, қайси ходимлар биргалықда ошхонага тушадилар, уларнинг суҳбатлари қайси мавзуда бўлади. Шуларни билиб юрсангиз-да, вақт топиб менга айтиб турсангиз.

Тақсиримнинг гапларидан қўланса хид келаётганини сезиб қолган Розикбой (Бунақа малайлик ҳар қандай гурурли йигитнинг ҳамиётига тегди-да!) безовталанади. Қаттиқроқ гап айтиб юборай деса, тақсиримнинг ёшлари улуғ, ўртада андиша деган хижолатли тўсиқ ҳам бор. Шунинг учун каловланиб жавоб беради:

— Тақсир, бунчалик кенг қўламли ишни бажариш қўлимдан келмайди-да...

— Улгурганингизча-да, Розикбой, — деган тасқинли овоз келади телефон гушягидан — Улгурганингизча ҳисоб-китоб қилиб юраверасиз. Бу гап некаламизнинг ўртамызда қолади. Келишдикми?

Розикбой шошиб қолганидан:

— Майли, тақсир, — деб юборадию, телефон гушягини ўрнига қўйгани заҳоти менинг хонамга ёки кўшени хонага чиқиб, жилмайган кўйн ҳамкасабаларига гапириб беради:

— Тақсиримдан топширик олдим. Энди ҳаммаларнинг кузатиб юраман. Худога шуқр, мен ҳам агент бўлдим!

Кулги бўлади, тақсиримнинг хулқи атвори ҳақида гап кетади...

Тахминан тушдан кейин тақсирим томонидан яна бир ходимга сим қоқилади. Бу «суҳбат» ҳам шаклан бошқачароқ туюладию аслида мазмунан зъвалтисига ўхшаб кетади:

— Ҳайдарқулжон! — деган овоз келади телефон гушягидан. Ҳайдарқул тўнинмоқ берилган боладек ҳайратга тушади,

чунки якин-ўртада ҳеч ким уни «жон» кўшимчасини кўшиб чакирган эмасди. Шунинг учун нима дейишини билмасдан гашакка икки марта пуфлаб кўяди:

— Алло!.. Алло!..

— Ҳайдаркулжон! Мен Симобийман,— деган овоз келади нариги тарафдан— Бозорбой акангиз...

— Ассалому алайкум, тақсир,— дейди ходим шоша-пиша.— Яхшимисиз, тузалиб қолаяписизми?

— Раҳмат! Ўзингизнинг кайфиятингиз қандай?

— Раҳмат, тақсир.

— Менга қаранг, Ҳайдаркулжон. Олдингизда ҳеч ким йўқми?

— Йўқ. Нима эди?

— Ҳеч ким бўлмаса, мен гапирай, сиз эшитинг. Сиз — таҳририятимизда ҳали ёш ходимсиз, ишхонамизнинг пасти-баландини яхши тушунмаслигингиз мумкин. Шунинг учун қулоғингизда тунинг: мабодо битта-яримта ходим сизни ўз атрофида тортиб гуруҳ тузмоқчи бўлса, унақа гапларга лаққа учманг. Хушёр бўлинг, таҳририятимизда вазият яхши эмас, борганимда, сиз билан алоҳида гаплашиб, тушунтириб берман. Сизни ишга қабул қилаётганимизда, анча-мунча одамлар сизни ёмон кўришар экан, қаршилик қилишган. Лекин мен ўзим қаттиқ турганман. Хатто менинг муовинимга ҳам, Бокижонга ҳам ишонманг. Улар — ишончсиз одамлар. Ҳамма ходимлардан эҳтиёт бўлинг ва ҳаммасини кузатиб юринг. Чори Ашуровни ҳам, Розикбойни ҳам яхшилаб кузатинг. Эшитаяписизми, нега индамайсиз, Ҳайдаркул?

— Эшитаяпман,— дейди ёш ходим ух тортгандек.— Майли, тақсир.

— Ҳа, шундай бўлсин.

Кўп ўтмай Ҳайдаркул ҳам тиржайганича кўшни хонага чиқади-да, камида икки нафар ҳамкасабасига янгиликни айтади:

— Мени табрикласаларингиз бўлади, акалар. Ишдан кейин агентликни ювишга тайёрман!

Мен гоҳо бу телефонбозликлар хусусида фикрга толиб, хафа бўламан, тушқунликка тушаман. «Худойи таолонинг бунча ҳам қаҳри қаттиқ бўлмаса-я менга! — дейман ўзимга ўзим.— Бозор Симобийдек макрух, ярим жинни одамнинг ҳокимияти остида яшаяпман-а шунча йиллардан бери!..»

Коридордан ходимларимизнинг шарақлаб кулганлари эшитилади-да, тушқунлик хиёл таркагандек бўлади. Хонадан чиқиб, дўстларнинг суҳбатларига кўшиламан.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқр қил, деган гап ёдимга келади гоҳо. Ўзимча мулоҳаза юритиб, шуқр қилгим ҳам келади. Олтмиш-етмиш йил давомида дунёдаги ҳамма нарсани тескарсига тунцунтириб келинган. мудҳиш давр, ҳар қалай, ортда қолди-ку. Умр бўйи марксизм-ленинизмга юкиниб, яна қанақадир «изм-изм»ларга сиғиниб яшаганлар

нинг қанчадан-қанчаси ўз миясида қотиб қолган сохта тасав-  
вур дунёқарашлар билан ўлиб ҳам кетдилар! Биз эса, нима  
бўлганда ҳам, ўша сохтакорлик даврининг фош этилишигача  
етиб келдик. Шунисига шукур қилсак бўлади. Аслида Бозор  
Симобийдек кимсалардан хафа бўлмаслигимиз керак менимча.  
Машъум Сталин даври қонун-қоидаларини ҳаётга татбиқ  
этиш учун бунақа нусхалар жуда зарур эди. Ва бундай нусха-  
ларнинг ҳар қайсиси ўз халқининг онгини ўстирмаслиги, тез  
орада ўзлигини таний олмаслиги учун зиммасига юкланган  
вазифани бажарди! Баъзан онгли равишда, баъзан онгсиз ра-  
вишда бажарди! Зеро, у даврининг ўзи жамиятни онгсиз одамлар  
бошқаришидан ғоятда манфаатдор эди! Халқни камбағаллик-  
да, онгсизликда, тутқунликда узок муддат тутиб туришнинг  
бирдан-бир йўли шу эди. Раҳбарликка, иш бошқаришга атай-  
лаб онгсиз, орийатсиз, нўнок одамлар танланар эди! Бозор  
Симобий худди ўшандайларнинг сўнгги нусхаларидан бири  
бўлса ажаб эмас. Бас шундай экан, тақсиримни ҳар қандай  
ҳолатда ҳам кечириб мумкин... Ана шанақа мулоҳазаларга  
фарқ бўлиб ўтирганимда менинг телефоним ҳам жиринглаб  
қолди. Гушакни кўтариб қулоғимга тутдим.

— Ассалому алайкум, Боқижон! — Бозор Симобийнинг ово-  
зини дарҳол танидим.

— Ва алайкум... Яхшимисиз, Бозорбой ака? Даволаниш  
муваффақиятли ўтаяптими?

— Раҳмат, Боқижон! Таҳририятдаги аҳвол яхшими? Бизга  
янги гаплар йўқми?

— Йўқ, Бозорбой ака, — дедим-да шу аснода писмиқлигим  
тутди, овозимни хиёл пасайтириб, — давлат тўнтариши, —  
дедим.

Бозор Симобий бир муддат жимиб қолди, юраги шувиллаб,  
аъзойи бадани чумоли ўрмалагандек жимирлаб кетган бўлса  
ажаб эмас. Гушакка пуфлаб-пуфлаб қўйдим-да:

— Алло! — дедим.

— Боқижон, нима дедингиз? Ҳозир? — тақсиримнинг овоз-  
лари анча дармонсиз эди.

— Ҳеч нима демадим, Бозорбой ака, ҳамма ўртоқлар яхши  
юришипти, ўз ўрнида ишлашаяпти.

— Давлат тўнтариши дегандай бўлдингизми?

— Ҳа, уми? — дедим гўё шунчаки гапирётгандек. — Кеча-  
ги газетани ўқиб ўтирувдим. Хонамда одам бор-да, Бозорбой  
ака, шу кишига гапирдим, Суданда давлат тўнтариши бўл-  
ганини. Сиз ҳам эшитдингизми, Бозорбой ака, Суданда яна  
тўнтариш бўлганини?

— Судан-пудани билан нима ишимиз бор, ука? Бунақа  
совуқ гапларни гапирманг телефонда! Майли, ўртоқларга  
салом денг.

Ҳафсаласи пир бўлиб гапини тугатиб қўяқолди Бозор Си-  
мобий. Е узокроқ сўзлашишга мадори қолмади ёки айтмоқчи  
бўлган гапни ҳам эсидан чиқиб кетди.



Эртасига эрталаб бамайлихотир ишга келсам, Бозор Симобий ўз хонасида ўтирибди. Кириб сўрашдим. Ранги-рўйи анча сишиккан, ҳар ҳолда шифохонадан чиққани билниб турарди.

— Эсон-омон тузалиб келдингизми, Бозорбой ака? — дедим. — Кеча бундоқ бир айтмадингиз ҳам, тузалиб чиқаяпман, деб?

— Ҳали яна тўрт кунимиз бор эди, менинг ҳам, кеннойингизнинг ҳам, — деди Симобий. — Карасам, жуда зерикдим. Шифокорлар шундай ўжар бўлишадими, жавоб бермаймиз, дейишадими қаранг. Бош врачга кириб, бунақа килаверсаларингиз сўзга бераман, дедим. Тўғри қилибманми? Ахир ўша доридармонларнинг уйда ҳам ичса бўлаверади-ку...

Мен ўзимнинг кечаги бир ғиз сўзим билан эр-хотинни бир йўла тўрт кунлик муолажадан бенасиб этганимни ҳис қилдим. Ўзимиз эса, муддатида тўрт кун олдин унинг «истибдодни»га яна мустаҳик бўлдик. Шу тариха Бозор Симобий яна ишга тушиб кетди.

Бирок бу гал узокрок муддат ишлаш унга насиб этмади. Мен унча яхши билмай юрар эканман, Бозор Симобий ўзи ёмон кўрган юқоридаги сўзлардан ташқари яна битта сўздан жуда кўркар экан. Худди ўша кунларда қаламқашлар орасида шивир-шивир гап ўрмалаб қолди: «Эшитдингизми, Бозор Симобийнинг қилмишлари фош этилган мақола чиқибди. Қатағон йилларида жуда «иш» кўрсатган экан албах. Бир неча одамнинг бошини еган экан».

Чиндан ҳам кўп ўтмай ойномалардан бирида босилган «Ҳақиқат, ҳақиқат, яна ҳақиқат!» сарлавҳали мақола қўлма-қўл бўлиб кетди. Унда Сталин вафотидан олдинги йилларда содир этилган қатағонлар ҳақида сўз юритилган эди. Ўша қатағонга дучор бўлган таниқли журналистлардан бир нечтасининг камқоқ оғинишида ўз улуғини қўшган Бозор Симобийнинг номи ҳам такрор-такрор айтилган эди ўша мақолада. Мухарриримизнинг ўзи, кимдир қулоғига олдинроқ шилшиб кўйган шекилли, тахририятимизда биринчилардан бўлиб ўқибди уни. Чунки ашқонамизга келадиган ҳар кунги рўзнома ва ойномалар энг аввал муҳаррирга обкириб берилади-да...

Бозор Симобий ғалати бир аҳволга тушди: ҳар куни ишга барвақт келиб, хонасига кириб оларди-да, кечгача ўз ўрнида ўтирарди, тушликка ҳам чиқмасди, коридорда ҳам кўринмасди. Ходимлар уни юзасидан якка-якка унинг ҳузурига кириб чиқарди. Кириб чиққанлар тақсирнинг аҳволи қанақалигини бир бирларига гапириб беришарди. Мухаррирнинг аҳволи чиндан ҳам кундан-кунга ўзгариб борарди: анча ориклаган, юзидан қони қочиб, кўз остилари шалвираброк қолган эди. Аслида у ғоят сурбет, териси эшикникидек қалин эди, бетимнинг қалини жонимнинг ҳузурини, дейишга ҳам тайёр эди, ойномада ўзининг сотқину жаллод эканини ўқиганига ҳам чидар эди! Аммо, уни, менимча, узок-яқиндан бўлаётган телефон қўнғироклари кемириб бораётган эди.

Мен ўзимча бир нарсадан ҳайратда эдим. Сарлавҳасига «ҳақиқат» сўзи ёзилган мақола бу одамга нега шунчалик оғир таъсир қилади? Ахир «ҳақиқат», «адолат» деган сўзлар одатда ҳар қандай самимий қалбни яшнатиб юбориши керак-ку! Симобийда эса, бунинг тескариси бўлаяпти... Ва ўйлай-ўйлай ҳаётининг мантиқнинг барқарорлигига яна бир қарра имон келтирдим. Ахир Бозор Симобий ўз вақтида ҳақиқатни менсимаган-да! Фақат менсимагангина эмас, уни оёғининг остига олиб депсиб ўтган! Худди ўша ҳақиқат, мана салкам қирқ йилдан кейин ундан ўчини олаяпти! Қим қилмагай — ким топ-гамай, дейилган жумбоқнамо ҳикмат, демак, ҳаётининг мантиқнинг маҳсули экан-да!

Таҳририятимиз ходимларига, шу жумладан менга ҳам баъзан танишлар, баъзан мутлақ нотанишлар бот-бот телефон қилиб туришарди:

— Алло! Жаллодхонами бу?— деб сўраб қолишарди гоҳо дабдурустан.— Жаллод Симобий шу ерда ишлайдими?

Биз эса шошиб қоламиз, довдираймиз, шу баробарида аччимиз келади:

— Оғзингизга қараб гапиринг! Маданият борми ўзи?

— Виждонли одамни сотиш қайси маданиятга қиради? Сенлар ҳамманг ўша жаллоднинг малайисан! Сотқинлар!

Сиз шоша-пиша: «Ҳой инсон, ахир бизда нима айб?» демокчи бўласиз, аммо сим қоқаёган одам аллақачон гушакни кўйиб кўяди. Хуноб бўласиз.

Биз ходимлар ўзимизга бўлаётган телефон кўнғироқлари орқали Бозор Симобийнинг аҳволи қандай кечаётганини, ҳар қалай, тасаввур қилардик. Ҳали ҳам Симобийнинг жонига балли-е, чидаб ўтирибди! Аммо биз ходимлар чидай олмадик: ойномада ўша ҳақиқатгўй мақола чикканининг учинчи кунимиди ёки кейинроқмиди, аниқ эсимда йўқ, ҳаммамиз гапни бир жойга кўйиб, тўсатдан муҳаррир ҳузурига кирдик. Келишиб олганимизга кўра:

— Энди сиз билан битта жойда ишлашга виждонимиз чидамаяпти, таксир! Таҳририятдан ё сиз кетинг, ё биз кетайлик!— дедик-да, бир лаҳза қараб турдик. Бозор Симобий талмовсирагандек ҳаммамизга бир-бир тикилиб қаради, ҳеч нима демади.

Ҳаммамиз муҳаррир хонасидан чиқиб кетдик. Тахминан ўн-ўн беш дақиқалардан сўнг муҳарриримизнинг бир қўлида тўрхалта кўтариб олганича (Сўнгги бир-икки йил давомида шу тўрхалтада овқат олиб келиб, хонасида яққа ўзи тушлик қилишга одатланган эди бечора!) коридорда салкам судралгандек кетиб бораётганига кўзимиз тушди.

Эртасига барвақт телефон жарангидан уйғониб кетдим. Тонг отаётган, атроф эндигина ёришиб келаётган палла эди. Телефон гушагини кўтардим.

— Алло! Боқижон, яхшимисиз?

Муҳаррир ўринбосарининг овозини дарҳол танидим ва саломлашдим.

— Тез кийиниб ишхонага етиб келинг,— деди мухаррир муовини.

— Нима гап, тинчликми?— деб сўрадим.

— Бозорбой акани бериб қўйибмиз. Тезрок етиб келинг...

\* \* \*

Бозор Симобийнинг жасади видолашув учун кундузи соат ўн иккиларда тахририятлар учун умумий бўлган клубнинг кенг-мўл йўлагига қўйилди. Одатий иш куни бўлгани учунми, одам анча кўп эди. Мен ҳам навбат билан икки марта фахрий қоровулликда турдим. Қўлимдаги қизил хошияли латгани ечиб, кўпчилик орасига кириб борар эканман, кимнингдир ўз шеригига айтаётган сўзлари қулоғимга чалинди:

— Яхшига юрим йўқ, ёмонга ўлим йўқ, дейишарди. Барибир ёмон одам ҳам ўлар экан-а?

Мен гапирган одамга бурилиб карамадим, уни таниб олишни истамадимми ёки уялдимми — ўзим ҳам билмайман. Ўша лаҳзада миямда бир фикр айланарди: «Шўрлик Симобий, «ўлим», деган сўзни ҳеч ҳам хаёлига келтирмасди, умуман эсламасликка уринарди. Лекин бу мудҳиш сўздан қочган-писганлар, унга чап бермоқчи бўлганлар ҳам, барибир, қачондир унинг чангагига илинар эканлар-да...»

## ХОТИМА

Кунлардан бир куни Бозор Симобийнинг ўғли ишхонамизга келди. У билан менинг хонамда кўришдик. Ўзи атайлаб мени сўраб келибди. Ешлигидан отасининг мартабасига, давлатига суяниб ўсган эмасми, тахририятимизда мендан бошқа одамни яхши танимаса ҳам керак. Хол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан кейин ўтиришга таклиф қилдим. Курсилардан бирига чўкди.

— Ишлар қалай, Фуркатбек?— дедим ўтириб олганидан кейин.— Тинчмисизлар? Кейнойининг саломатликлари яхшими?

— Раҳмат! Қабртош қўйдирмоқчи эдик,— деди Фуркатбек ерга қараганича.

— Э, дарров шунака вақт ҳам бўлиб қолдими-а?— деб юбордим беихтиёр.

— Ҳа, уйда гаплашувдик-да,— деди Симобийнинг ўғли ха-мишагидек камгаплик билан.

Одатда, марҳумларга қабртош қўйдириш тадбири шошма-шошарлик билан бажарилмайди. Кўпни кўрган отахонлар бундай пайтларда: «Янги қабр бироз совусин, тупроқлар ўрни-ўрнига тушсин. Орадан бирор йил ўтса, ғам-андухга тўлган юраклар ҳам анча таскин топади», деб маслаҳат берадилар. Ўзимча ҳисоблаб қарасам, Бозор Симобийнинг вафот этганига эндигина олти ой бўлиб, еттинчи ойга ўтилди. Демак, унинг

ойласидагилар тош қўйдиришга бироз шошилаётган эканлар. Эҳтимол, мархумнинг якка-ёлғиз ўғли бўлган Фуркатбек бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ўзини ҳарбий хизматдан бир амаллаб олиб қолган (ахир бу иш унақа-бунақа одамнинг қўлидан келмайди-да) отасининг руҳини барвақтроқ шод этмоқчи бўлгандир ёхуд тенгқурлари олдида ўзини сал кўрсатиб қўймоқчидир. Эҳтимол, Симобийнинг хотини ўғлига мурожаат этиб: «Болам, мен ҳам сирқовланиб юрибман, шу ишни тезлаштиринглар», дегандир ва шу билан қачондир ўзининг қабри устида ҳам ёзувли тош туриши лозимлигини фарзандларига уқтиргандир...

Нима бўлганда ҳам ҳозир Фуркатбекка, бу ишни бироз кечиктириш керак, дейиш ноқулай эди. Шунинг учун:

— Яхши ўйлабсизлар, Фуркатбек,— дедим.— Хў-ўш, бизга нима хизмат бор шу масалادا?

— Кооперативдаги ўртоқларим минан гаплашиб, бир шоир топувдик,— деди Фуркатбек ва ўнг қўлини костюмининг ички чўнтагига суқиб, тўрт букланган қоғоз олиб менга узатди.— Шеърини ёзиб берди, ўқиб кўринг.

Мен қоғозни очиб, ундаги ёзувга кўз югуртирдим:

#### БОЗОР СИМОБИЙ

*Таваллуд санаси — 1920—Вафот санаси 1990*

Хоки покларига жонимиз нисор,  
Отамиз эдилар бизга ғамгусор.  
Жойлари жаннатда бўлсин илоҳим;  
Исми шарифлари Симобий Бозор...

Қоғоздаги ёзувни ўқиб бўлиб, Симобийнинг ўғлига қарадим:

— Емон эмас-ку, кўнглингиз тўлмаяптими?— дедим.

— Кўнглимиз тўлаяптию... анака... арабчалаб ёзиш керак экан. Ойим айтдилар. Тепадагиси шундоқликча тураверадияу шеърини арабчалаш керак.

— Арабчалаш эмас, Фуркатбек,— дедим унга,— эски ўзбек ёзувида ёздириш керак шеърни, шундай демоқчимисиз?

— Ҳа, ўшанақа, чиройли қилиб кўчириш керак экан. Савоб бўлармиш.

— Демак эски ўзбек ёзувида хуснихат билан кўчириш керак.

— Мастерскойга бориб тошга хат битувчиларга учрашувдим,— деди Симобийнинг ўғли.— Биз нима берсангиз, ўшани кўчириб ёзаверамиз, дейишди. Арабчалаштиролмас экан улар.

Беихтиёр кулиб юборай дедим-у, дарҳол бошмалдоғимнинг тирноғига тикилганимча: «Тавба, тавба!» дедим ичимда. Қаранг, Бозор Симобийдек одамнинг якка-ёлғиз ўғли, саводсиз эди-да! Мен бу йигитнинг қаерда ишлашини ҳам биламан: трамвай устахонасида слесар. Симобий бир-гал гапдан гап чиқиб: «Бизнинг Фуркатбек ўқишга йўқроқ бўлдию, лекин ўзи

жисмонан бакуват, бошқалар ўрнидан силжитолмайдиган эллик-олтмиш килолик темирларни ҳам бемалол кўтараверар эмиш», деган эди.

— Сизларда шунақа одам йўқми? Арабчалаштирадиган? — деди Симобийнинг ўғли менга тикилганича.

Мен ички телефонда тахририятимиз ходимларидан Розикбойни чақирдим. Розикбой билан ҳам тошга ёздириладиган қабр ёзуви хусусида гаплашдик. У кўшни тахририятдаги одамнинг номини айтди:

— Абдуллахон Аҳмадга чикамиз, мана бундай қилиб кўчириб беради, — деди Розикбой бошмалдоғини тик қилиб. — Ишончли одам-да, ишимиз бегидир бўлади.

Симобийнинг ўғли ўша куни Розикбойнинг ёрдамида ишини битириб кетди. Аслида-ку ҳозирги ёзувдаги маттни эски ёзувга кўчириш биз учун ҳеч қанақа муаммо бўлмаслиги керак. Халқимиз бошига тушган бу кўргулик ҳам — сталинча қатағон йилларининг аччиқ неъматидир! Аввал лотинча ёзувга, кўп ўтмай кирил алифбосига халқни андармон қилиб қўйишда Бозор Симобийга ва унинг устозига ўхшаганлар хандон-хушон ҳайбарақаллачилик қилиб, халқимизнинг ўз тарихини унутишига қўлларидан келганича хизмат этганлар ва ўзларини шу билан бахтиёр санаганлар! Мана, бугунги кунда ўша оталарнинг фарзандларию неваралари оддийгина бир ишни ростмана муаммо қилиб кўтариб юрибдилар!

...Тахминан икки ҳафталардан сўнг Фурқатбек яна тахририятга келиб, қабртош қўйиш маросимига айтиб кетди. Маслаҳатга биндан тахририят ходимларидан Чори Ашуrow иккаламиз белгиланган куни Бозор Симобийнинг хонадонига етиб бордик. Ховлига анча-мунча одам йиғилган, самоварларда чой қайнаб турган, қозонлар остида — темир ўчоқларда олов ёниб турган пайт эди. Еш-яланглар уч-тўртта енгил машинада қабртошни қўйиш ҳашарига кетмокчи бўлиб туришган экан, биз ҳам уларга ҳамроҳ бўлақолдик.

Қабристонга етиб боришимиз билан бошқа бир юк машинасида Симобийнинг ўғли буюртма қилган бир нечта қисмдан иборат мрамор тошларни келтириб туширдилар. Тахминан йигирма чокли йигит ишга киришиб кетди. Чори Ашуrow билан мен, ёшимиз каттарок бўлгани учун, бир чеккада йигитларнинг ишини кузатиб ўтирдик. Чори Ашуrow қабристонга дафн этилганлар рухониятларига бағишлаб тиловат қилди. Қўлимизни юзимизга тортиб, сукут сақлаб ўтирар эканмиз, Бозор Симобийнинг ўғли оҳиста юриб келди-да, менинг ёнимга чўкди.

— Сиз ажиналарга ишонасизми, Бокижон ака? — деб сўради у дабдурустан.

— Ажиналарга дейсизми? — дедим шошиб қолгандек. Аслида ҳам бу саволга лўнда қилиб жавоб беришга тайёр эмасдим. — Энди, ҳайронман. Учар ликопчалар деган гаплар чиқаяпти, инсу-жинслар ҳақида ёзаяптилар, рухлар, парилар. Балки ажиналар ҳам бордир, ишонса бўлар. Нима эди, Фурқатбек?

— Мен ўйлайманки, ажина бор экан...

— Кўрдингизми ажинани?

— Кўрмадиму, кизик бўлди, Бокижон ака. Шу десангиз кабртош буюришга бораётганимда ўзларингиз кўчиртириб берган арабча хатни йўқотиб қўйдим.

— Халиги Абдуллахон ака кўчириб берган шеърми?

— Ҳа, ўша. Ушани денг йўқотиб қўйдим — курткамнинг ички чўнтагида эди. Бошка кийимларимни ҳам титкиладим — тополмадим. Шундоқ хафа бўлдимки... Яна сизларнинг олдиларингизга бормоқчи бўлдим. Буни қарангки, бир кеча-кундуздан кейин пайдо бўлди ўша қоғоз — курткамни кийсам, чўнтагида турибди. Ойимга айтсам, ойим ҳам хайрон. Ўзимча, ажинанинг иши бу, дедим. Бўлмаса ким қилади, хазилкашим бўлмаса.

— Ҳар нарса бўлиши мумкин, Фурқатбек, — дедим ўйчанлик билан. Аслида мен ҳам, Чори Ашуров ҳам бу борада фикрлашишга рағбатимиз йўқ эди.

Ҳашарчи йигитлардан бири бизга яқинлаб келди-да, Симобийнинг ўғлига мурожаат қилди:

— Қуръон тушириш керакдур, қори акани айтиб келайликми, Фурқат? — деди. — Бу ёғи битай деб қолди.

Фурқат маслаҳат сўрагандек бизга қаради. Биз ҳам, айтиб келаверинглар, деган маънода бош ирғаб қўйдик.

Ўн-ўн беш дақиқалардан кейин оқ саллали, кўкиш рангли мовут чакмони коматига ярашиб турган, соқол-мўйлабини чиройли қилиб кузаган қори ака етиб келиб, қабр яқинидаги омонат курсига ўтирди. Биз — шу маросимга келганлар Бозор Симобийнинг қабрини тевараклаб ҳар ер-ҳар ерга чўнкайдик. Қори ака узундан-узок тиловат қилди. Ҳаммамиз унга ҳам-оҳанг равишда дуога қўл кўтардик.

Ҳашарчилар «гурр» этиб ўрниларидан турдилар. Қори ака янги қабртошга шунчаки қизиқиб бир қадам босди, сўнгра эски ёзувдаги шеърини сатрларни ўқиш учунми, яна ҳам яқинроқ бориб тикилди.

— Марҳумнинг соҳиби ким? — деди у эндигина тарқалишадиган йигитларга юзини буриб. Симобийнинг ўғли бир қўлида тугунча, бир қўлида беш сўмлик пул билан қори акага рўпара бўлди.

— Марҳумнинг соҳиби сизмисиз? — деди қори ака тугун билан пулни олатуриб.

— Ҳа, мен, таксир, — деди Симобийнинг ўғли.

Қори ака унга нимадир демокчи бўлди-ю, лекин, ўнг қўли билан ихчам соқолини ушлаганича бир лаҳза жим қолди. Симобийнинг ўғли бошқача мулоҳазага борди чамаси:

— Берганим оз эмасми, таксир? — деди.

— Йўқ, оз эмас! — деди қори ака бошини сарак-сарак қилганича ва оҳиста йўлга тушди. Унинг нимадир демокчи бўлганини, лекин айтишга қийналганини сезиш мумкин эди.

Ҳашарчи йигитлар говур-ғувир қилишиб, белкурагу бошка

асбобларни машиналарга ортаётган, қай бирлари қўлларини юваётган пайтда Чори Ашуров охистагина енгимдан тортди. Унинг ишораси билан қабртош рўпарасига бордик.

— Ўқиб кўрдингизми, Боқижон?— деди ҳамкасабам.

— Эски ёзувни яхши ўқиёлмайман, биласиз-ку. Биринчи марта оборганида ўқувдим, ёмон эмасди. Кейин ўзгартиришганмикин?— дедим унга.

— Билмасам,— деди Чори Ашуров.

— Қани ўқинг-чи, Чори Ашурович.

Шеригим овоз чиқариб ўқиди:

Кимки эл-улусга еткурса озор,  
Улус ҳам ул касдан бўладур безор.  
Бунга мисол мана: дўзах ўтида,  
Куйиб-ёниб ётур Симобий Бозор...

— Епирай, бу канакаси бўлди, Чори Ашурович?— деб юбордим.— Таҳририятда кўриб берганимиз бошқача эди. Чори ака шунинг учун ғалати бўлиб-қолган экан-да.

— Бўпти, Чори акадек одам ҳеч нима демагандан кейин биз нима ҳам деяр эдик...

Ҳозиргина ўрнатилган қабртош олдидан чекиниб, йигитлар тарафга кетар эканмиз, халигина Симобийнинг ўғли айтган ажина хаёлимга келди. «Ажиналар ҳам шеър ёзишни билишармикин-а? Ёки уларнинг орасида ҳам шоирлари бўлармикин?..»

Бозор Симобийнинг хонадонига етиб бордик. Ховлида кироат билан тиловат тушириш, куюк-суюк овқатлардан истеъмол қилиш, дунёнинг борди-келди гапларидан суҳбатлашиш давом этарди... У ёқда эса... Бозор Симобий, қабртошда битилганидек, куйиб-ёниб ётарди...

1989—1991